ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАРАИМОВА ГУЛРУХ МАХМУДОВНА

# НОТАРИАТ

**ўқув қўлланма**

ТОШКЕНТ – 2018

Тошкент давлат юридик университети Ўқув-услубий кенгашининг 2018 йил 27 февралдаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

Нотариат. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТДЮУ нашриёти, 2018 йил. – 174 бет.

**УДК: 347.961(075.8)(575.1)**

**Муаллиф:** **Мамараимова Гулрух Махмудовна**

**Тақризчилар:** **О.Оқюлов** – ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.
**А.Мубораков** – Тошкент вилояти Қибрай тумани 1-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси.

Мазкур ўқув қўлланмада нотариат институтининг ҳуқуқий асослари, нотариал ҳаракатларнинг турлари ҳамда уларни амалга ошириш тартиблари, шунингдек чет эл элементи билан мураккаблашган нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган ҳамда унда нотариат институтига оид кейслар ва нотариал ҳаракатлардан намуналар келтирилган.

Мазкур ўқув қўлланма юриспруденция соҳа мутахассислиги ўқувчилари, талабалари, шунингдек нотариал идора ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик фойдаланиши учун мўллажалланган.

**© Мамараимова Гулрух Махмудовна.**
**© Тошкент давлат юридик университети, 2018.**

# МУНДАРИЖА


**Сўз боши ... 4**

**I боб. Ўзбекистон Республикаси нотариат институтининг ҳуқуқий мақомига умумий тавсиф ... 6**

1.1. Нотариат институтининг ҳуқуқий асослари ... 6

1.2. Нотариуснинг ҳуқуқий мақоми ... 8

1.3. Нотариуснинг жавобгарлиги ... 12

**II боб. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби ... 14**

2.1. Нотариал ҳаракатларнинг умумий қоидалари ... 14

2.2. Битимларни нотариал тасдиқлаш ... 23

2.3. Юридик фактларни тасдиқлаш ... 42

2.4. Ижро хатларини ёзиш ... 44

2.5. Меросга оид ишларни юритиш ... 52

2.6. Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш ... 61

2.7. Протестга оид ишларни юритиш ... 63

2.8. Бошқа нотариал ҳаракатлар ... 67

**III боб. Нотариал ҳаракларни амалга оширишда чет эл нормалари ва халқаро ҳуқуқнинг қўлланиши ... 79**

3.1. Нотариуслар томонидан чет эл нормалари ва халқаро ҳуқуқнинг қўлланилиши ... 79

3.2. Чет эл элементи билан мураккаблашган нотариал ҳаракатни амалга ошириш тартиби ... 86

**Иловалар ... 89**

# СЎЗ БОШИ

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини оқилона ва тўлақонли амалга оширилишини таъминлашга кўмаклашувчи процессуал механизмлар тизимида нотариат алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Нотариат субъектлар томонидан амалга ошириладиган юридик аҳамиятга молик ҳаракатларнинг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлигини таъминлабгина қолмасдан, келгусида вужудга келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида нотариал органлар фаолиятини такомиллаштириш, ушбу хизматдан фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш, тизимда мавжуд муаммолар ечимини топиш масалаларига эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.

Нотариал фаолият тартиб-таомиллари зохиран формал – бюрократик жараёнлар тарзида намоён бўлсада, аслида уларга қатъий риоя қилиш кейинчалик вужудга келадиган низоларнинг олдини олишга хизмат қилади ҳамда ҳуқуқий демократик давлат белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир давлат ва жамият равнақи ёш авлоднинг камолоти, уларнинг маънавий баркамол авлод қилиб тарбияланганлиги ҳамда илмий салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу маънода, мамлакатимизда таълим тизимини, жумладан, юридик кадрлар тайёрлаш тизимини ҳам сифат жиҳатидан яхшилашга қаратилган кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаб ўтишимиз лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сон "Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 28 апрелдаги "Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2932-сон қарорлари юридик кадрларни тайёрлаш тизими олдига юридик таълимнинг устувор йўналишлари бўйича талабаларнинг фундаментал базавий, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлайдиган Дастур ва ўқув режалари асосида бакалаврлар, магистрлар тайёрлаш вазифасини қўйди.

Бугунги кунда Республикамизда 749 та нотариус штати ҳамда 509 нотариус ёрдамчиси штати мавжуд бўлиб, мазкур соҳада юридик кадрларнинг сезиларли қисми фаолият юритади. Шундан келиб чиқиб Нотариат модулининг юридик кадрлар тайёрлаш тизимида ўқитилиши ҳамда мазкур модул юзасидан тайёрланган янги авлод ўқув адабиётлари муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юртининг юриспруденция соҳа мутахассислиги талабалари, нотариал идора ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик фойдаланиши учун мўллажалланган.

***ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси профессори, ю.ф.д., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Оқюлов Омонбой***

# I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОТАРИАТ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

## 1.1. Нотариат институтининг ҳуқуқий асослари

Фуқаролик-ҳуқуқий, иқтисодий-ҳуқуқий, оилавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни тўғри ҳал қилиш кўп жиҳатдан шахслар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирувчи ҳаракатларнинг тўғри ва қонунда белгиланган шакл ва мазмунга мос равишда расмийлаштирилганлигига боғлиқ.

Маълумки, нотариус фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларини расмийлаштиришда иштирок этади. Қолаверса, нотариус шахслар ўртасида тузиладиган битимларни тасдиқлайди, юридик фактларни белгилайди, шунингдек муайян асослар бўйича мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳамда уни тасдиқловчи гувоҳномаларни беради. Бу орқали нотариус, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Шу мақсадда у жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, тарафлар такдим этган битим лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши, ушбу битимлар мазмуни томонларнинг асл мақсадига мослигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текшириши, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни огоҳлантириши, қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиши шарт.

Нотариат инстиутининг ҳуқуқий асослари бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони ҳамда унга илова 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя

қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда унга илова Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 64-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 октябрдаги 233-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги 26-сон қарори билан тасдиқланган Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги ПФ–4216-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 13 октябрдаги 10-сон буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДДЛҚК Департаменти бошлиғининг 2009 йил 13 октябрдаги 39-сон қарори билан тасдиқланган Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 19-сон, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 201-сон, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2006 йил 19 июнидаги 95-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидалари, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Нотариуслар лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом, Ўзбекистон

Республикаси адлия вазири томонидан 2010 йил 22 декабрда тасдиқланган Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидалари, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 98-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ миқдори, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 21 декабрдаги 304-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 29 октябрдаги 232-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 февралдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

## 1.2. Нотариуснинг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасида нотариат қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга даъват этилган ҳуқуқий институтдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар қонунга мувофиқ давлат нотариал идораларининг нотариуслари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган[1].

---

[1] Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони ҳамда унга илова 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2.6 банди, 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда унга илова Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтриш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастурининг 8 бўлим 44 бандида келажакда айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш нотариус ёрдамчисига ўтказилиши назарда тутилган.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунига кўра нотариус, катта нотариус, нотариус ёрдамчиси, шунингдек нотариус стажёрининг ҳуқуқий мақоми бир-биридан фарқ қилади ва мазкур шахслар нотариал идорада фаолият юритувчи шахслар ҳисобланади.

**Нотариус** бу – йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан нотариал идорада камида икки йил муддатли стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкин. Нотариуслар Ўзбекистон Республикасининг нотариал идораларининг реестирига киритилган нотариал идорада фаолият юритадилар.



**Нотариус лавозимига номзодлар учун қўйилган талаблар:**

- ✓ Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш;
- ✓ йигирма беш ёшдан кичик бўлмаслик;
- ✓ олий юридик маълумотга эга бўлиш;
- ✓ юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлиш, жумладан, нотариал идорада икки йиллик[1] стажировкани ўтаган бўлиши;
- ✓ малака имтиҳонини топширган ва имтихондан ўтган бўлиши лозим[2].

Демак, фуқаро юқоридаги талабларга жавоб берсагина нотариус лавозимига номзод сифатида эътироф этилиб танловда иштирок этиши мумкин.

[1] Судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёхуд нотариал фаолиятга раҳбарликни амалга оширувчи ва ушбу фаолиятни назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахслар учун ***стажировкадан ўтиш муддати бир йилни ташкил этади.***

[2] Малака имтихонини топширган ва ўтган, лекин ***нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган фуқаро*** малака имтиҳонини қайта топшириб, ўтганидан сўнг нотариаус лавозимига номзод сифатида танловда иштирок этиши мумкин.




**Қуйидаги шахслар нотариус лавозимига номзодини кўрсата олмайди[1]:**

- белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахс;
- қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;
- ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун нотариус, адвокат, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати белгиланган тартибда тугатилган шахслар.

**Нотариус ёрдамчиси:** юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус ёрдамчиси бўлиши мумкин. Нотариус ёрдамчиси нотариуснинг топшириғига кўра нотариал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этишга, битимлар, аризалар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тузишга, ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ва дубликатларини, улардан кўчирмаларни тайёрлашга, шунингдек нотариал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари юзасидан тушунтиришлар беришга ҳақли.

**Нотариус стажёри:** олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус стажёри бўлиши мумкин. Нотариус стажёрини ишга қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади. Стажировка нотариал идорада ўталади. Нотариус стажёри ўз фаолиятини нотариус раҳбарлигида, унинг алоҳида топшириқларини бажарган ҳолда амалга оширади. Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

**Нотариус лавозими учун ўтказиладиган танловда иштирок этиш тартиби.** Нотариус лавозимига номзодларга қуйиладиган талабларга жавоб берадиган шахслар нотариус лавозими учун ўтказиладиган танловда иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиб қоидаларини белгилаб берган бўлиб унга мувофиқ, нотариус

[1] Мазкур рўйхатдаги шахслар ***нотариус ёрдамчиси ва нотариус стажёри*** бўлиши мумкин эмас.

лавозимига номзодга қўйилган талабларга жавоб берадиган шахс танловда иштирок этиши мумкин. Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бевосита ёки тегишли адлия бошқармаси орқали қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ✓ комиссия номига ариза;
- ✓ паспорт нусхаси;
- ✓ белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
- ✓ меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
- ✓ олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- ✓ талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида малака комиссиясининг қароридан кўчирма[1];
- ✓ охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор томонидан юқорида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ топширилиши керак. Ҳужжатлар уларни тақдим этишнинг охирги санасигача қабул қилинган бўлиши лозим. Ҳужжатлар адлия бошқармасига топширилган тақдирда улар қабул қилинган куннинг эртасидан кечиктирилмай тегишли адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилади ва девонхонада рўйхатдан ўтказилади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига келиб тушган ҳар бир талабгорнинг ҳужжатлари ишчи орган томонидан алоҳида ўрганиб чиқилади. Талабгорнинг танловда иштирок этишини рад этишга асослар мавжуд бўлса, ишчи орган томонидан бу ҳақида хулоса тузилади.

Барча талабгорларнинг ҳужжатларини ўрганиш натижаларига кўра, ишчи орган томонидан танлов ўтказиш тўғрисида ёки танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида хулоса тузилади. Танлов натижалари бўйича танловда ғолиб чиққан номзод нотариал фаолият билан шуғулланиши мумкин ҳисобланади.

[1] Охирги уч йил мобайнида нотариус лавозимида ишлаган шахслардан малака имтиҳонини топширганлиги ёки қайта топширганлиги тўғрисида малака комиссиясининг қароридан кўчирма талаб қилинмайди

### 1.3. Нотариуснинг жавобгарлиги

Нотариус ўз касбий мажбуриятларини бузганлиги учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Нотариус ўз касбий мажбуриятларини бузганлиги оқибатида етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат томонидан қопланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом нотариус томонидан етказилган зарарнинг давлат томонидан қопланиши ва мазкур қопланган маблағларни нотариусдан ундириш мақсадида унга регресс талаб қўйиш тартибини белгилайди. Қуйидаги схема нотариус томонидан етказилган зарар ўрнини қоплаш тартибини ифодалаб беради.

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Суд органлари | Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармасига (кейинги ўринларда Адлия бошқармаси деб аталади) қонуний кучга кирган суд қарорини юборади. | Процессуал қонунчиликда назарда тутилган муддатларда |
| 2-босқич | Адлия бошқармаси | 1. Жамғармадан маблағ ажратиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд қарорини илова қилган ҳолда тегишли буюртмномани киритади.<br>2. Нотариусни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳал этади. | 1. Суднинг қонуний кучга кирган қарори тушгандан кейин икки кун муддатда.<br>2. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарори тушишига кўра. |
| 3-босқич | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги | Буюртмномада кўрсатилган маблағларни адлия бошқармасининг шахсий ғазначилик ҳисоб рақамига ўтказади. | Буюртмнома тушган кундан бошлаб икки кун муддатда. |
| 4-босқич | Адлия бошқармаси | Бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасидан тушган маблағларни зарарни қоплаш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг тегишли банк ҳисоб рақамларига ўтказади. | Маблағлар тушган кундан бошлаб бир кун муддатда. |
| 5-босқич | Адлия бошқармаси | 1. Тўланган қоплаш миқдорида нотариусга аксинча талаб (регресс) билан мурожаат қилади.<br>2. Нотариус томонидан юридик ва жисмоний шахсга етказилган зарар суммасини ундириш тўғрисида судга мурожаат қилади. | 1. Юридик ва жисмоний шахсга зарар қоплангандан кейин икки кундан кечикмай.<br>2. Нотариус томонидан зарар суммаси ихтиёрий қопланиши муддати тамом бўлгандан кейин дарҳол. |
| 6-босқич | Нотариус | Ўзи томонидан юридик ва жисмоний шахсга етказилган зарар суммасини адлия бошқармасига ихтиёрий равишда тўлайди. | Адлия бошқармаси нотариусга мурожаат қилгандан кейин бир ой муддатда. |

# II БОБ. НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

## 2.1. Нотариал ҳаракатларнинг умумий қоидалари

Нотариал ҳаракатларнинг умумий қоидалари деб барча нотариал ҳаракатлар учун тегишли бўлган қоидаларга айтилади. Буларга нотариал ҳаракатларнинг тааллуқлилиги, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш муддатлари, нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад қилиш, уларни кечиктириш ва амалга оширишни тўхтатиб қўйиш асослари, тартиби, муддатлари, шунингдек нотариал идорага мурожаат қилиш лаёқати ва бошқа масалалар киради.

### 2.1.1. Нотариал ҳаракатларнинг тааллуқлилиги

***Нотариусга тааллуқлилик – нотариуслар қонунда белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга оширади. Булар Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддаси ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:***

1) битимларни тасдиқлайди;
2) васиятномаларни тасдиқлайди;
3) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;
4) мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади;
5) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;
6) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
7) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
8) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;
9) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
10) кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;
11) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
12) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;

13) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;

14) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;

15) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;

16) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;

17) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;

18) пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;

19) ижро хатларини ёзади;

20) векселларнинг протестларини амалга оширади;

21) денгиз протестларини амалга оширади;

22) нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради;

23) хорижий давлатларнинг органларида иш юритиш учун зарур далиллар билан таъминлаш давлат нотариал идоралари томонидан амалга оширилади[1].

Нотариуслар қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

***Нотариал идорага тааллуқлилик*** – фуқаролар ва юридик шахслар нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб исталган нотариал идорага мурожаат қилиши мумкин. Қонунда белгиланган ҳолларда нотариал ҳаракатларнинг айримлари ҳудудийлик принципига асосан фақат қонунда кўрсатилган ҳудуддаги нотариал идоралар томонидан амалга оширилади.




[1] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 61-моддаси иккинчи қисми.

**Ҳудудий таалуқлилик:**



**қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш *ҳудудийлик принципи* асосида муайян жойдаги нотариал идорага тааллуқли бўлади:**

– уй-жойни (уй-жойнинг бир қисмини), квартира, дала ҳовли, боғ ҳовли, гаражни, шунингдек бошқа бино, иншоот ёки иморатни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш шу мол-мулк жойлашган ҳудуддаги нотариал идорага тааллуқли (нотариат тўғрисидаги қонуннинг 44-моддаси 2-қисми);

– мерос очилган жойдаги нотариус мерос қолдирувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қилиш мерос очилган жойдаги нотариал идорага тааллуқли (нотариат тўғрисидаги қонуннинг 51-модда);

– мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш мерос очилган жойдаги нотариал идорага тааллуқли (нотариат тўғрисидаги қонуннинг 52-моддаси);

– меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш мерос очилган жойдаги нотариал идорага тааллуқли (нотариат тўғрисидаги қонуннинг 58-моддаси);

– уй-жойга (уй-жойнинг бир қисмига), квартирага, дала ҳовлига, боғ ҳовлига, гаражга, шунингдек бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш шу мол-мулклар жойлашган ердаги нотариал идорага тааллуқли (нотариат тўғрисидаги қонуннинг 62-моддаси);

– эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) ёзма аризасига кўра мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилади (нотариат тўғрисидаги қонуннинг 63-моддаси);

– пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга мажбурият бажариладиган жойдаги нотариус қабул қилади (нотариат тўғрисидаги қонуннинг 74-моддаси);

– тўловчининг турар жойидаги нотариус тўловга тақдим этилган чекни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда қабул қилиб олади (Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 82-моддаси).

**Алтернатив тааллуқлилик:**



нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳудудийлик принципига асосан муайян нотариал идора томонидан амалга оширилиши қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари фуқаролар нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб исталган ҳududдаги нотариал идорага мурожаат қилишлари мумкин.

### 2.1.2. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишни тўхтатиб туриш, кечиктириш, рад қилиш

***Нотариал ҳаракатни амалга оширишни тўхтатиб туриш*** –



бир манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашаётган бошқа манфаатдор шахсдан ариза тушганлиги тўғрисида суддан маълумот олинган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга ошириш мазкур **иш судда ҳал бўлгунига қадар** тўхтатиб турилади.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни тўхтатиб туришнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

***Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш*** – нотариал ҳаракатни амалга ошириш қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарур бўлганида ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътироз бор-йўқлигини сўраш зарур бўлганда кечиктирилиши мумкин. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш муддати **бир ойдан** ошмаслиги лозим.

Манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашиш учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпи билан **ўн кун** муддатга кечиктирилиши мумкин. Агар бу муддат ичида ариза тушганлиги ҳақида суддан маълумот олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни кечиктиришнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.




***Натариал ҳаракатни амалга оширишни рад қилиш –*** нотариус қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этади, агар:

– бундай ҳаракатни амалга ошириш қонунга зид бўлса;

– бу ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса;

– муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган бўлса;

– юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;

– битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;

– нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг қалбакилаштирилганлиги яққол кўриниб турган бўлса ёки бунга шубҳа туғдирувчи етарли асосларнинг мавжудлиги, шунингдек мурожаат этувчи шахс томонидан уни идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаслик ҳолатлари ҳам нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради ҳамда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахсга бу ҳақида маълум қилади (қарор нусхасини тақдим қилади).

### 2.1.3. Нотариал ҳаракатларнинг умумий қоидалари

– ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақлидир, ҳудудийлик принципига асосан муайян ҳудудда жойлашган нотариал идорада амалга оширилиши лозим бўлган нотариал ҳаракатлар бундан мустасно;

– нотариал ҳаракатлар давлат нотариал идораларининг биноларида амалга оширилади. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра давлат нотариал идорасига бора олмайдиган

айрим ҳолларда ёки юридик шахс томонидан таклиф қилинганда, нотариал ҳаракатлар давлат нотариал идораси биносидан ташқарида, яъни мазкур фуқаро ёки юридик шахс ёхуд унинг вакили жойлашган жойда амалга оширилиши мумкин;

– шунингдек, нотариал ҳаракатлар нотариал идорага келмасдан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин, бунда мурожаат қилувчи Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шахсий кабинет орқали электрон аризани бевосита тўлдириш йўли билан нотариусга мурожаати қилиши мумкин.

– нотариал ҳаракатлар ҳақ тўланганидан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади;

– нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек васий ва ҳомийларининг) ва юридик шахс вакилларининг шахсини аниқлайди;



***нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилувчи фуқароларнинг шахси қуйидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:***

✓ Ўзбекистон фуқароларининг шахси – миллий паспорт орқали;

✓ 16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг шахси – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан ушбу вояга етмаган шахснинг расми елимлаб ёпиштирилган маълумотнома[1]);

✓ ҳарбий хизматчиларнинг шахси – ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

✓ хорижий фуқароларнинг шахси – уларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий фуқаролар тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

✓ фуқаролиги бўлмаган шахс учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

[1] Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 39 банд.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 43-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳужжатлар юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади:



- ✓ устав;
- ✓ таъсис шартномаси ва устав;
- ✓ таъсис шартномаси;
- ✓ низом.

– нотариал ҳаракатлар амалга оширилаётганида уларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомала лаёқати белгиланган тартибда аниқланади ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади (нотариус томонидан фуқароларнинг муомала лаёқати улар билан шахсий мулоқот давомида аниқланади);

– нотариал ҳаракатда вакил иштирок этган тақдирда унинг ваколати текширилади;

– нотариус юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини, унинг органларининг ёки вакилларининг ваколатини текширишда, унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига эътибор бериши зарур;

– нотариал тасдиқланадиган битим, ариза ва бошқа ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланади;

✓ агар фуқаро жисмоний нуқсони, касаллиги, саводсизлиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаса, битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни унинг топширигига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўйилиши лозим;

✓ агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмаса, шунингдек касаллиги туфайли битим, ариза ва бошқа ҳужжатларни ўқий олмаса, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақида ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади;

✓ нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) бўлган шахс мурожаат қилса ҳамда у саводсиз бўлса, нотариал ҳаракатни амалга ошириш пайтида

у билан муомала қила оладиган ва битим, ариза ёки бошқа ҳужжатнинг мазмунини унинг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан тасдиқловчи сурдо таржимон ҳозир бўлиши шарт;

✓ кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) бўлган ҳамда муомала лаёқатига эга бўлган саводли фуқаро нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилса, битим, ариза ёки бошқа ҳужжат унинг ўзи томонидан ва сурдо таржимон томонидан имзоланиши мумкин;

✓ кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) бўлган, муомала лаёқатига эга бўлган, бироқ сурдо таржимон билан мулоқот қила олмайдиган саводли фуқаро ўз имзоси билан битим, ариза ёки бошқа ҳужжатнинг мазмунини ўзининг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини нотариус билан ёзма равишда билдирадиган бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда сурдо таржимоннинг иштироки шарт эмас (ушбу ёзишмалар битим, ариза ёки бошқа ҳужжатлар билан бирга тикиб қўйилади).

– тадбиркорлик субъектларининг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан мурожаатлари мавжуд бўлганда нотариуслар давлат органларида ва бошқа ташкилотларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатларни ва ахборотларни ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда оладилар;




***нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларидан давлат органларида ва бошқа ташкилотларда мавжуд бўлган ҳужжатларни ва ахборотларни, шу жумладан солиқ қарздорлиги ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларнинг, тадбиркорлик субъекти таъсис ҳужжатларининг, лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларнинг нусхалари талаб қилинмайди!***

– нотариал тасдиқланадиган битим, ариза ва бошқа ҳужжатларнинг матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши лозим, битим, ариза ва ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда **бир марта сўз билан,** битим, ариза ва бошқа ҳужжатнинг матнида баҳолар кўрсатилса, рақам ҳамда сўз билан ёзилиши, юридик шахсларнинг номлари эса уларнинг органлари жойлашган ерларини (почта манзилини) кўрсатган ҳолда **қисқартиришларсиз ёзилиши**, зарур ҳолларда эса банкдаги ҳисоб рақам ва солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилиши лозим; фуқароларнинг фамилияси,

исми, отасининг исми, доимий ёки вақтинча прописка қилинган (ҳисобга олинган) манзили тўлиқ кўрсатилган ҳолда ёзилиши, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда чет эл фуқаролари қатнашаётган бўлса, уларнинг фуқаролиги ҳам кўрсатиб ўтилиши керак;

– нотариал тасдиқланаётган ёки шаҳодатлантирилаётган битим, ариза ва бошқа ҳужжатлар бир неча алоҳида варақларда баён этилган тақдирда улар ип ўтказиб тикилади, варақлари эса рақамланади ҳамда нотариал идоранинг мухри қўйилган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланади;

– тасдиқланиб берилаётган ҳужжат тегишли давлат божи тўланиб, тарафлар (тараф) томонидан имзоланганидан сўнг нотариус томонидан имзоланиб, муҳр қўйилади ва реестрда қайд этилади; реестрга ёзувлар давлат нотариал идорасининг ваколат берилган бошқа ходими томонидан ҳам киритилиши мумкин; ҳужжатни олаётган шахс реестрга фамилияси, исми ва отасининг исмини тўлиқ ёзади ва имзолайди.

### 2.1.3.1. Вояга етмаганларнинг нотариал ҳаракатларни амалга оширишда иштироки



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 29-моддасига асосан, 14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар нотариал ҳаракат иштирокчиси бўлса, мисол учун улар шартнома бўйича тараф бўлган ҳолларда уларнинг номидан нотариал ҳаракатни уларнинг қонуний вакиллари ёки васийлари амалга ошириши мумкин.

Бунда шу нарсани ёдда тутиш лозимки:




– ***биринчидан,*** 14 ёшга тўлмаган вояга етмаганнинг номидан ҳаракат қилаётган шахс ***вояга етмаган шахс ва ўзи ўртасида битим тузишга ёхуд ўзининг манфаатини кўзлаб вояга етмаганнинг номидан бирор-бир нотариал ҳаракатни амалга оширишга ваколатли эмас;***

– ***иккинчидан,*** бундай нотариал ҳаракатларни амалга оширишда ота-онанинг ҳар иккисининг розилиги талаб қилинади;

– ***учинчидан,*** ушбу нотариал ҳаракатни амалга оширишда нотариус 14 ёшга тўлмаган боланинг номидан ҳаракат қилаётган шахсга мазкур нотариал ҳаракатлар бўйича фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келган тақдирда у мулкий жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантириши лозим[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 29-моддаси иккинчи қисми.



14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар нотариал ҳаракатнинг иштирокчиси бўлган тақдирда нотариал ҳаркатни амалга оширишда уларнинг ўзлари ҳамда уларнинг қонуний вакиллари ёхуд васийлари иштирок этадилар.

Бунда вояга етмаган шахс қатнашганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан ушбу вояга етмаган шахснинг расми елимлаб ёпиштирилган маълумотнома талаб этилади. Ушбу маълумотномадаги расм ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати муҳри билан тасдиқланади.

### 2.1.3.2. Нотариуснинг ўзи номидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириши

Нотариуслар ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг қариндош-уруғлари (ота-онаси, болалари, набиралари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари), улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар номига ҳамда уларнинг номидан, шунингдек мазкур давлат нотариал идорасининг ходимлари номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Бундай ҳолларда нотариал ҳаракатлар бошқа давлат нотариал идорасида амалга оширилади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал ҳаракатлар муайян давлат нотариал идорасида бажарилиши керак бўлган ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга ошириш жойи Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан белгиланади.

## 2.2 Битимларни нотариал тасдиқлаш




Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 110-моддасига мувофиқ битимлар

- ✓ қонунда кўрсатилган ҳолларда;
- ✓ тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал

тасдиқланади.

***Қуйидаги ҳолларда битимлар нотариал тасдиқланиши шарт:***

- ✓ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси[1];
- ✓ уй, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси[2];
- ✓ корхонани сотиш шартномаси[3];
- ✓ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларини айирбошлаш шартномаси[4];
- ✓ кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси[5];
- ✓ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларини ҳадя қилиш шартномаси[6];
- ✓ рента шартномаси[7];
- ✓ умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси[8];
- ✓ давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси[9];
- ✓ фуқаролар ўртасида тузилган бино ёки иншоотни ёхуд унинг бир қисмини ижарага бериш шартномаси[10];
- ✓ корхонани ижарага бериш шартномаси[11];
- ✓ фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни ижарага бериш шартномаси[12];

фуқаролар ўртасида уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномаси[13].

Битимни нотариал тасдиқлаш Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик кодексининг 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 386-моддаси тўртинчи қисми.
[2] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 488-моддаси иккинчи қисми.
[3] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 490-моддаси биринчи қисми.
[4] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 497-моддаси учинчи қисми.
[5] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 504-моддаси бешинчи қисми.
[6] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 504-моддаси олтинчи қисми.
[7] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 513-моддаси.
[8] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 531-моддаси учинчи қисми.
[9] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 565-моддаси иккинчи қисми.
[10] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 574-моддаси учинчи қисми.
[11] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 580-моддаси биринчи қисми.
[12] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 603-моддаси иккинчи қисми.
[13] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси $626^1$-моддаси иккинчи қисми.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим қилинган битимларнинг лойиҳалари ёки нотариал идорада тузиладиган битим ва аризаларнинг лойиҳалари қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

***Битимларнинг матнида (тегишлилигига қараб):***




- ✓ у қандай битим эканлиги (битимнинг номи);
- ✓ битимни тасдиқлаган нотариал идора жойлашган ернинг (почта манзилининг) тўлиқ номи ва нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми;
- ✓ битим имзоланган сана сўзлар билан қайд қилиниши, тарафларнинг фамилиялари, исмлари ва оталарининг исмлари тўлиқ ёзилиши, доимий ёки вақтинча прописка қилинган (ҳисобга олинган) манзиллари ҳақидаги, юридик шахсларнинг номлари ҳеч бўлмаганда бир маротаба тўлиқ ёзилиши ҳамда уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва жойлашган ерлари (почта манзили), шунингдек СТИРи тўғрисидаги маълумотлар, тарафлар қариндош бўлса, уларнинг қариндошлик даражаси;
- ✓ битим тарафларидан бири чет эл фуқароси бўлса, унинг фуқаролиги;
- ✓ битим предмети, унинг таркиби ва тавсифи;
- ✓ битим предмети уни бошқа шахсга ўтказувчига қайси ҳужжатга асосан тегишли эканлиги ва бу ҳужжатларнинг ким томонидан ва қачон берилганлиги ёки тасдиқланганлиги;
- ✓ мулкка бўлган ҳуқуқни ва у ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳақидаги маълумот;
- ✓ битим предмети бошқа шахсга ўтказилиши тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги;
- ✓ битим предметининг инвентар қиймати ва тарафлар томонидан келишилган баҳо;
- ✓ битим предмети учун ҳақ тўлашнинг шакли ва зарур ҳолларда муддатлари;
- ✓ битим предметига нисбатан уни олувчида мулк ҳуқуқининг вужудга келиши;
- ✓ битим предметига нисбатан мажбуриятларни олувчига ўтиши ёки бошқа ҳолатлар;
- ✓ тарафларнинг ўзаро келишувига кўра қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўтиши ҳақидаги бошқа шартлар;

✓ битим предмети уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми бўлганида, мазкур уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида доимий ёки вақтинча прописка қилинган (ҳисобга олинган) шахсларнинг рўйхатини кўрсатган ҳолда, уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмидан фойдаланиш ёки рўйхатдан ўчиш муддати;

✓ битимда юридик шахснинг раҳбари иштирок этса, битимга юридик шахснинг муҳри қўйилиши;

✓ эр-хотиннинг мулкни никоҳга қадар олганлигини аниқлашда никоҳнинг қачон ва қайси ФҲДЁ бўлимида қайд этилганлиги ҳақидаги ёзув;

✓ битим предметига нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтиши муносабати билан қонун ҳужжатлари талаблари тушунтирилганлиги, битим неча нусхада тузилиб имзоланганлиги ва мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги;

✓ битимнинг мазмуни, аҳамияти нотариус томонидан тушунтирилганлиги ва тарафларнинг асл мақсадига мувофиқ келиши ўз аксини топиши керак.

Битимнинг барча нусхаларини тарафлар (уларнинг қонуний вакиллари, васий ёки ҳомийлари) фамилиялари, исмлари ва оталарининг исмларини тўлиқ ёзиб шахсан имзолайдилар.

Битимнинг барча нусхаларига нотариус тегишли тасдиқловчи ёзувни ёзиб, реестрга қайд қилинган тартиб рақамини, ундирилган давлат божи миқдорини кўрсатиб имзолайди ва муҳрини қўяди.

Нотариал тартибда тасдиқланадиган битим мазмуни баён этилган ҳужжат нусхаларининг сони нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахслар томонидан белгиланади, лекин у битимда қатнашувчи томонлар миқдоридан ошиб кетмаслиги керак, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

***Битим тузишда эътибор беринг***




✓ шартномада тарафлар имзосидан пастда келтирилган келишувлар тарафлар учун мажбурият туғдирмайди;

✓ нотариуснинг битимни тасдиқлашда битимни тасдақлаганлиги тўғрисидаги ёзувлари ҳамда унинг имзоси ва муҳридан кейин келтирилган битим матнидаги бандлар **нотариал тасдиқланмаган ҳисобланади.**

### 2.2.1. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни нотариал тасдиқлаш

Юқорида нотариал тасдиқланиши шарт бўлган битимлар рўйхатини санаб ўтдик. Унга кўра кўчмас мулклар ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш (*олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, мулкни умрбод таъминлаш шарти билан бошқага ўтказиш, рента ва бошқалар*) бўйича битимлар аксарият ҳолларда нотариал тасдиқланиши амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган[1].

Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек ушбу битимларни бекор қилиш тўғрисидаги битим шу мулк жойлашган жойдаги “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасига ёки Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларига қайд этиш учун тақдим этилиши лозимлиги ҳақида нотариус тасдиқловчи ёзувда тарафларга тушунтирганлиги ҳақида кўрсатиб ўтади.

#### *2.2.1.1. Кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни нотариал тасдиқлаш*

Кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимлар мулк жойлашган ҳудуддаги нотариал идорада тасдиқланади.

***Мазкур битимни тасдиқлашда нотариус томонидан талаб қилинадиган ҳужжатлар:***

✓ тарафларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари[2], шунингдек агар тарафлар ёки улардан бири юридик шахс бўлса, юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари;

✓ кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

[1] 2.2 га қаралсин.

[2] 2.1.3 га қаралсин.

***бу ҳужжатлар қуйидагилардан бири бўлиши мумкин:***

- кўчмас мулкни олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, рента, лизинг тўғрисидаги нотариал тасдиқланган шартнома;
- умрбод таъминлаш шарти билан уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган шартнома;
- нотариал тасдиқланган лизинг шартномаси;
- меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома;
- эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушига мулк ҳуқуқи тўғрисида берилган гувоҳнома;
- суд қарори (ҳал қилув қарори, ажрим ва бошқалар) ёки давлат ижрочисининг қарори ёхуд давлат ижрочиси томонидан тасдиқланган ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган бино ва иншоотни бериш далолатномаси;
- кўчмас мулкни аукционда сотиб олинганлигини тасдиқловчи аукцион натижалари тўғрисидаги баённома;
- кўчмас мулкнинг бир қисми бўлинганлиги тўғрисидаги шартнома;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни, уйни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори;
- тугатилаётган юридик шахсга тегишли бўлган мол-мулкни унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаш (бўлиш) тўғрисидаги нотариал тасдиқланган келишув;
- кўчмас мулкни очиқ савдода сотиб олинганлиги тўғрисида гувоҳнома;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳужжатлар.

***Ўзбекистон ССРнинг қонун ҳужжатлари амал қилган даврда бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:***

- давлат ҳокимияти органларининг капитал қурилиш ва кейинчалик фойдаланиш учун ер участкаларини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисидаги қарорлари;
- ваколатли органларнинг бинолар ва иншоотларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатлари, қарорлари, фармойишлари;

- ✓ нотариал тасдиқланган: олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, мулкни бўлиш, кўчмас мулкни умрбод таъминлаш шарти билан бошқага ўтказиш шартномалари;
- ✓ иморат солиш тўғрисидаги, шахсий мулк ҳуқуқида уйларни қуриш учун ер участкалари бериш тўғрисидаги, якка тартибдаги иморат солувчилар уй-жой қурилиши жамоаларига уйларни қуриш учун ер участкалари бериш тўғрисидаги, эр-хотин ўртасида уйларни бўлиш тўғрисидаги шартномалар;
- ✓ шаҳар ва туман Халқ депутатлари кенгашлари ижроия қўмиталарининг иморатларга бўлган мулк ҳуқуқини тан олиш (мавжуд ҳужжатлар асосида) тўғрисидаги қарорлари;
- ✓ умумий мулк бўлган иморатнинг тегишли улушига бўлган мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги ва мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномалар ҳамда уй кимошди савдосида харид қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар;
- ✓ бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи қонуний кучга кирган суд қарорлари ва ажримлари ёки ҳакамлик судининг қарорлари;
- ✓ инвентаризация-техник материаллар, агар уларнинг матнида тўғри расмийлаштирилган, уйга мулк ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатга аниқ ишора бўлса;
- ✓ шартномаларнинг дубликатлари, нусхалари ёки олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, рента, умрбод таъминлаш шарти билан бошқага ўтказиш битимлари амалга оширилганлиги тўғрисида, шунингдек мерос қилиб олиш тўғрисида гувоҳнома ҳамда бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқага ўтганлигини белгиловчи бошқа нотариал ҳужжатлар берилганлиги ҳақидаги нотариал идораларнинг реестрларидан кўчирмалар.

- ✓ кўчмас мулкнинг кадастр йиғма жилди;
- ✓ кўчмас мулк умумий биргаликдаги ёки улишли мулк бўлса, бошқа мулкдорларнинг розилиги, шу жумладан эр-хотиннинг умумий биргаликдаги кўмас мулкини бошқага ўтказиш тўғрисидаги битим бўйича иккинчи тарафнинг розилиги;
- ✓ битим предмети бўлган кўчмас мулк уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми бўлса, унда доимий прописка қилинган шахслар ҳақида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома;

- ✓ кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса, гаровга олувчининг розилиги;
- ✓ "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси;
- ✓ тақиқ мавжуд бўлган кўчмас мулк бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим фақат кредитор билан олувчи шахс қарзни олувчининг ҳисобига ўтказишга розилиги;
- ✓ битим предмети бўлган кўчмас мулк Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми бўлса, унга нисбатан қонунчиликда белгиланган бошқа талаблар ҳам мавжуд;
- ✓ битим предмети бўлган кўчмас мулк хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми бўлса, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органларидан (Тошкент шаҳрида "Тошкент шаҳрида уй-жойга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш маркази" давлат унитар корхонасидан) олинган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома ва хусусийлаштиришда иштирок этган шахсларнинг розилиги[1];
- ✓ давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат;
- ✓ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нотариуслар томонидан кўчмас мулкни бошқага ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлашнинг икки усули амал қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 февралдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан кўчмас мулкларни бошқага ўтказиш тўғрисидаги битимларни нотариал тасдиқлашда идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаш жорий қилинди. Унга мувофиқ, нотариус 2017 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни тасдиқлашда, 2018 йил 1 июлдан бошлаб Республиканинг бошқа ҳудудларида жойлашган битимларни тасдиқлашда мулк

[1] Агар хусусийлаштириш 1993 йил 7 майга қадар амалга оширилган бўлса, бундай розилик талаб этилмайди.

эгасининг мазкур мулк бўйича солиқлар, коммунал хизматлар (газ таъминоти, совуқ сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш, иссиқлик таъминоти (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти) бўйича хизматлар) ва электр энергияси бўйича қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ёки Тизимда автоматик тарзда текширади. Юқорида белгиланган муддатгача нотариус кўчмас мулкларни бошқага ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлашда анъанавий, яъни оддий тартибга амал қилади.

***Битимларни тасдиқлашнинг анъанавий ҳамда идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда амалга ошириш тартибининг ўзаро нисбати:***

| ***Битимни тасдиқлашнинг оддий тартиби*** | ***Битимни идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда тасдиқлаш тартиби*** |
|---|---|
| Нотариус битимни анъанавий тартибда тасдиқлаганда, **юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар ва розиликлар билан бирга** битим предмети бўлган кўчмас мулк бўйича солиқлар, коммунал хизматлар (газ таъминоти, совуқ сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш, иссиқлик таъминоти (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти) бўйича хизматлар) ва электр энергиясидан қарздорлик тўғрисида **тегишли ташкилотлардан олинган маълумотномаларни талаб қилади.** | Нотариус битимни идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда тасдиқлаганда **юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар ва розиликларнигина талаб қилади.**<br>Солиқлар, коммунал хизматлар (газ таъминоти, совуқ сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш, иссиқлик таъминоти (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти) бўйича хизматлар) ва электр энергияси бўйича қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ёки Тизимда **автоматик тарзда текширилади.** |

Идоралараро электрон ҳамкорлик қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:




Кўчмас мулкни бошқага ўтказиш тўғрисидаги битимларни нотариал тасдиқлашда нотариус мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаларини нотариал идорада олиб қолади ва уни битимнинг асл бир нусхаси билан тегишлилиги бўйича йиғма жилдга тикиб қўяди.

### *2.2.1.2. Автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни нотариал тасдиқлаш*

Нотариус жисмоний шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ва юридик шахслар ўртасида ҳамда юридик шахслар ўртасида тузиладиган автомототранспорт воситаларини ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмларни, уларнинг номерли агрегат ва тиркама, ярим тиркамаларини бошқа шахсга ўтказиш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя қилиш, рента) ва бошқа турдаги битимларни тасдиқлайди. Бундай битимларни тасдиқлашда ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом[1]га мувофиқ автомототранспорт воситалари билан боғлиқ олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя қилиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш, лизинг шартномаларини нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган, “Давлат белгиси” ДИЧБда тайёрланадиган ***гербли (махсус) бланкаларда*** амалга оширилади. Бунда, бошқа шахсга бериш бўйича битимнинг биринчи нусхаси гербли (махсус) бланкада расмийлаштирилади. Гербли (махсус) бланкадаги автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни нотариал тартибда тасдиқланганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда герб йиғими ундирилади.

18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга мототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди[2].



***Фуқароларга тегишли автомототранспорт воситасини бошқага ўтказиш билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлашда талаб қилинадиган ҳужжатлар:***

✓ мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (транспорт воситаларини қайд қилиш гувоҳномаси, автомототранспорт воситасининг рақамли агрегатлари учун ДЙҲХХ органлари ёки

[1] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 10-сон, 77-модда.
[2] Лотерея ва бошқа оммавий ўйинларнинг ютуқлари бўлган, қонунда белгиланган тартибда мерос қилиб олинган автомототранспорт воситалари бундан мустасно.

тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар йўл қурилиш машиналари учун "Ўздавтехназорат" томонидан берилган белгиланган шаклдаги маълумотнома);

✓ агар автомототранспорт воситаси эрнинг ёки хотиннинг умумий биргаликдаги мулки бўлган ҳолларда, эрнинг ва (ёки) хотиннинг автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказишга розилиги тўғрисида нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатлантирилган ёзма аризаси;

✓ битимлар давлат божининг имтиёзли тўланишига ҳуқуқ берувчи қариндош бўлган шахслар ўртасида тузилаётган бўлса, уларнинг қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

✓ йўл-транспорт ҳодисаси натижасида шикастланган автомототранспорт воситаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасаларининг мутахассислари, бундай муассасалар бўлмаган вилоятларда эса "Ўзавтотеххизмат" акциядорлик жамияти тизимига кирувчи ташкилотларнинг хулосаси;

✓ давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси, квитанция);

✓ меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси берилган бўлса, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома.



***Юридик шахсга тегишли автомототранспорт воситасини бошқага ўтказиш билан боғлиқ битимни тасдиқлашда талаб қилинадиган ҳужжатлар:***

✓ юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари;

✓ юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;

✓ мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (транспорт воситаларини қайд қилиш гувоҳномаси, автомототранспорт воситасининг рақамли агрегатлари учун ДЙҲХХ органлари ёки тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар йўл қурилиш машиналари учун "Ўздавтехназорат" томонидан берилган белгиланган шаклдаги маълумотнома);

✓ юридик шахс ваколатли органининг автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги ҳужжати (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳоказо);

- ✓ вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат (ишончнома);
- ✓ қолдиқ баланс қиймати тўғрисида маълумотнома;
- ✓ юридик шахснинг соф активлари ҳақида маълумотнома (автомототранспорт воситаси юридик шахс балансида бўлса);
- ✓ мулкдорнинг розилиги (агар юридик шахсга автомототранспорт воситаси оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли бўлса);
- ✓ давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси, квитанция);
- ✓ тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ҳисоб-китоб кечиктирилган ҳоллар бундан мустасно).

***Давлат ташкилотларига тегишли автомототранспорт воситасини бошқага ўтказиш билан боғлиқ битимни нотариал тасдиқлашда талаб қилинадиган ҳужжаталар:***

- ✓ нотариуслар давлат ташкилотларига тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом қоидаларига амал қилишлари шарт;
- ✓ нотариуслар бир инвентарь объектнинг қолдиқ қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (бюджет ташкилоти томонидан сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда) юз баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган асосий воситалар бюджет ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали сотилиши мумкинлигига эътибор қаратиб, давлат ташкилотларининг агар бир инвентарь объектнинг қолдиқ қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (бюджет ташкилоти томонидан сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда) юз баравари миқдоридан ортиқни ташкил этадиган автомототранспорт воситаларини сотиш тўғрисидаги битимни тасдиқлаш тўғрисидаги талабни рад этишлари лозим;
- ✓ юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари;

- ✓ юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;
- ✓ мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- ✓ юқори турувчи (агар бўлса) ташкилотининг рухсати
- ✓ вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат (ишончнома);
- ✓ қолдиқ баланс қиймати тўғрисида маълумотнома;
- ✓ баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботи;
- ✓ юридик шахснинг соф активлари ҳақида маълумотнома (автомототранспорт воситаси юридик шахс балансида бўлса);
- ✓ мулкдорнинг розилиги (агар юридик шахсга автомототранспорт воситаси оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли бўлса);
- ✓ давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси, квитанция);
- ✓ тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ҳисоб-китоб кечиктирилган ҳоллар бундан мустасно).

Нотариуслар томонидан автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлаш автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатламаганлиги текширилганидан кейин амалга оширилади. Автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган битимларни тасдиқлаш уларнинг хатланмаганлиги текширилганидан кейин амалга оширилади.

Нотариуслар томонидан автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимлар тасдиқлангунига қадар автомототранспорт воситалари автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган ёки битим тасдиқланаётган жойдаги (сотиб олувчининг танловига кўра) ДЙҲХХ органларида агрегатлар рақамлари рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги юзасидан кўздан кечирилиши керак. Агрегатлар рақамларининг рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги кўздан кечирган мансабдор шахснинг фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, кўздан кечирилган сана кўрсатилган ва мансабдор шахс имзоси қўйилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш ҳужжатидаги штамп билан тасдиқланади. Штамп ***ўн кун*** мобайнида амал қилади.




***Автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя қилиш, рента) битим матнида қуйидагилар кўрсатилиши керак:***

- ✓ битимнинг номи, битим тасдиқланган жойнинг тўлиқ номи (вилоят, туман, шаҳар) ва тузилган санаси (йил, ой ва кун сўзлар билан ёзилади);
- ✓ тарафларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий ёки вақтинча прописка қилинган (ҳисобга олинган) манзили, паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатининг рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги;
- ✓ битимда юридик шахс иштирок этаётган ҳолларда юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), СТИРи, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва санаси, давлат рўйхатидан ўтказган органнинг номи;
- ✓ автомототранспорт воситасининг русуми, ишлаб чиқарилган йили, рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси, агрегат рақамлари, қуввати (от кучи);
- ✓ транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасининг серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги;
- ✓ автомототранспорт воситасининг тарафлар томонидан келишилган баҳоси;
- ✓ тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб амалга оширилгани ёки амалга ошириш муддати кечиктирилган ҳолатда эса мазкур нотариус томонидан тарафлар ўртасидаги тўлов ва бошқа мажбуриятлар амалга оширилгунига қадар битимда кўрсатилган муддатга автомототарнспорт воситаси бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўйилганлиги ҳақидаги маълумотлар;
- ✓ автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;
- ✓ давлат божи қайси тараф томонидан тўланганлиги ҳақидаги маълумот;
- ✓ битим неча нусхада тузилганлиги ва қайси рақамли гербли (махсус) бланкада (бланкаларда) расмийлаштирганлиги ҳақидаги маълумотлар;
- ✓ автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя қилиш шартномалари ва бошқа турдаги битимлар нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида ДЙҲХХ органларида

рўйхатидан ўтказилиши кераклиги. Бунда шартнома матнининг якуний қисмида ва тасдиқловчи ёзувда ***“Ушбу шартнома ИИВнинг тегишли ДЙҲХХ органларида ўн кун ичида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади”*** деб ёзиб қўйилади;

✓ битимнинг тасдиқловчи ёзувда гербли (махсус) бланканинг (бланкаларнинг) серияси, тартиб рақами ва ҳудудий коди кўрсатилиши лозим;

✓ тарафларнинг ихтиёрига кўра шартномада қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Битимни тасдиқлаб бўлгандан сўнг нотариус томонидан транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим тузилганлиги ҳақида белги қўйилиши зарур.

### 2.2.2. Мол-мулкга эгалик қилиш ва (ёхуд) ундан фойдаланиш ҳуқуқ(лар)ини бошқага ўтказиш билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлаш

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Уй-жой кодексининг нормалари[1]га асосан кўчмас мулклар ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларига эгалик қилиш ва улардан фойдалариш ҳуқуқларини бошқага ўтказиш тўғрисидаги битимлар (ижара, текин фойдаланиш шартномалари) нотариал тасдиқланиши шарт.

Мазкур турдаги битимларни тасдиқлашда нотариуслар қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

✓ тарафларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари (паспорт, ҳарбий гувоҳнома ёки қонунда назарда титилган бошқа ҳужжатлар);

✓ тарафлар ёки улардан бири юридик шахс бўлса, юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари;

✓ тарафларнинг СТИРи тўғрисидаги маълумот (фақат ижара шартномасида);

[1] 2.2 га қаралсин.

- ✓ ижрага ёки текин фойдаланишга берилаётган мол-мулкнинг мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси, агар мол-мулк бино ёки иншоот бўлса, кадастр йиғма жилдининг нусхаси;
- ✓ кўчмас мулк умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки) бошқа эга(лар)нинг розилиги;
- ✓ ижрага ёки текин фойдаланишга берилаётган мол-мулк уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми бўлса, унда доимий рўйхатда турувчилар тўғрисидаги маълумотлар ва доимий прописка қилинган вояга етган оила аъзоларининг (эри (хотини) ва уларнинг фарзандлари);
- ✓ ижрага ёки текин фойдаланишга берилаётган мол-мулк хсусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми бўлса, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари (Тошкент шаҳрида "Тошкент шаҳрида уй-жойга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш маркази" давлат унитар корхонаси) томонидан берилган хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома ва уларнинг розилиги;
- ✓ васийликдаги шахсга қарашли бўлган кўчмас мулк ёки автомототранспорт воситаси ижарага ёки текин фойдаланишга берилганда васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги;
- ✓ ижрага ёки текин фойдаланишга берилаётган мол-мулк юридик шахсга тегишли бўлса, юридик шахс ваколатли органларининг кўчмас мулкни ижарага бериш (олиш) ҳақидаги ҳужжат (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳоказо);
- ✓ давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнома ва бошқалар.




Нотариус давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мулкни эгалик қилиш ва (ёхуд) ундан фойдаланиш ҳуқуқ(лар)ини бошқага ўтказиш билан боғлиқ битимларни тасдиқлагандан сўнг тарафларга битимни мулк жойлашган жойдаги “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасига ёки Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида тегишли тартибда рўйхатдан ўтказишлари лозимлигини тушунтиришлари лозим.

### 2.2.3. Битимни бекор қилиш тўғрисидаги келишув

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382-моддасига асосан шартномалар[1] икки тарафнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин[2]. Фуқаролик кодексининг 384-моддаси биринчи қисмига асосан шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади. Демак, нотариал тасдиқланиб тузилган битимни бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам нотариал тасдиқланиши лозим.




Битимни бекор қилиш ҳақидаги битим асосий битимга қўшиб қўйиладиган алоҳида ҳужжат тузиш йўли билан амалга оширилади. Нотариал тасдиқланиб, давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган битимни бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча келишув, бу нотариал тасдиқланган, бироқ ҳали давлат рўйхатидан ўтказилган ўтказилмаганлигидан қатъи назар, тарафларнинг хоҳиш-иродасига кўра нотариус томонидан тасдиқланади.

Агар бекор қилинаётган битим эр-хотиннинг биргаликдаги мулк ҳуқуқини вужудга келтириш тўғрисидаги битим бўлса, нотариус улардан иккинчисининг (мулк олувчининг) битимни бекор қилишга рози эканлиги тўғрисидаги аризасини талаб қилади.

Нотариус битимни бекор қилиш тўғрисидаги алоҳида битимни тасдиқлаганидан сўнг нотариал идорада сақланаётган битим предметига оид мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг ксеронусхасини қолдириб, асл нусхасини мулкдорга ёки унинг меросхўрларига ёхуд вакилларига қайтариб беради. Нотариал идорада қолган битимнинг ксеронусхасига унинг қайтарилганлиги ҳақида ҳужжатни олган шахс имзо қўяди. Битимнинг асл нусхаси меросхўрларга берилган тақдирда уларнинг меросхўр эканлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар текширилади ва уларнинг ксеронусхалари нотариал идорада қолдирилади.

Битимлар бекор қилинган вақтда тўланган давлат божи қайтарилмайди.

---

[1] Фуқаролик ҳуқуқи назариясига кўра бир тарафлама битим бир кишининг хохиш иродаси билан тузилганлиги учун уни бекор қилиш тўғрисида келишув бўлмайди. Мисол учун, ишончнома бир тарафлама битим бўлиб, ишончнома берувчи ўзининг берган ишончномани исталган вақтта бекор қилиши мумкин. Битимларни бекор қилиш тўғрисидаги келишув икки тарафлама ва кўп тарафлама битимларга оид тушунча ҳисобланади. Икки тарафлама ва кўп тарафлама битимлар ўз навбатида шартномалар ҳисобланиб, камида икки кишининг келишувидан иборатдир. Шунинг учун ҳам мазур параграфда икки тарафлама ва кўп тарафлама битимлар (шартномалар)ни бекор қилиш тўғрисида сўз юритилган.

[2] Бир тарафнинг талаби билан қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

## 2.3. Юридик фактларни тасдиқлаш

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 11-бобига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида нотариуслар тўртта фактни тасдиқлайди. Булар қуйидагилар:

– фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш;
– фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш;
– фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш;
– ҳужжатлар тақдим этилган вақтини тасдиқлаш.

### *2.3.1. Фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш*

Нотариус фуқаронинг тирик эканлиги фактини унинг шахсий илтимосига кўра ва унинг иштирокида тасдиқлайди.

Вояга етмаган шахснинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш унинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек уни ўз ҳомийлигига олган муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосига кўра амалга оширилади.

Бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун фуқаронинг ёзма аризаси олинади.

Вояга етмаган шахснинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш унинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек уни ўз ҳомийлигига олган ташкилотнинг ёзма илтимосига кўра амалга оширилади.

Нотариус мурожаат қилган шахсга фуқаронинг тирик эканлиги ҳолатини тасдиқловчи гувоҳнома беради.

### *2.3.2. Фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш*

Нотариус фуқаронинг илтимосига кўра унинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди.

Вояга етмаган шахснинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш унинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек уни ўз ҳомийлигига олган муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосига кўра амалга оширилади.

Бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун фуқаронинг ёзма аризаси олинади.

Вояга етмаган шахснинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш унинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларининг илтимосига кўра амалга оширилади.

Нотариус мурожаат қилган шахсларга муайян жойда эканлик ҳолатини тасдиқловчи гувоҳнома беради.

### *2.3.3. Фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш*



Нотариус фуқаро тақдим этган фотосуратдаги шахс шу фуқаронинг айнан ўзи эканлигини тасдиқлайди. Бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун фуқаронинг ёзма аризаси олинади. Фотосурат гувоҳноманинг берилаётган нусхасининг юқори чап бурчагига қўйилиб, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади. Бунда муҳр қисман фотосурат устига, қисман эса гувоҳнома устига қўйилиши керак.

### *2.3.4. Ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлаш*



Нотариус ўзига ҳужжат тақдим этилган вақтни тасдиқлайди. Мазкур нотариал ҳаракат аҳамияти шундаки, дунё нотариусларининг тажрибасидан келиб чиқиб, кўп ҳолларда фуқаролар ўзларининг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ўзлари ёзган адабиёт асарлари бўлган шеърлар, асарлар, достонларни, шунингдек сценарийлар, рационализаторлик таклифлари ва бошқалар, айрим ҳолларда диссертациялар тақдим этилган вақтини нотариус орқали тасдиқлаб қўйишади.

Бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун фуқаронинг ёзма аризаси олинади.

Фотосурат гувоҳноманинг берилаётган нусхасининг юқори чап бурчагига қўйилиб, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади. Бунда муҳр қисман фотосурат устига, қисман эса гувоҳнома устига қўйилиши керак.

## 2.4. Ижро хатларини ёзиш

Ўзбекистон Республикасида нотариуснинг ижро хати бу ҳуқуқни қўллаш акти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига асосан ижро ҳужжати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 72-моддасига асосан, қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш учун нотариус қарздорликни белгиловчи ҳужжатларга ижро хатларини ёзади. Ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади[1].

**Ижро хатларини ёзиш шартлари:**

– тақдим этилган ҳужжатлар қарздорнинг ундириб олувчидан қарздор эканлиги ёки бошқа мажбуриятини шубҳасиз тасдиқласа;

– даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб ўтган вақт уч йилдан ортиқ бўлмаса (агар ижро хати бериш ҳақидаги талаб учун қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлса, ижро хати шу муддат ичида берилади).

**Қуйидаги асослар бўйича ижро хатлари ёзилади:**

### *2.4.1. Нотариал тасдиқланган битимлар бўйича қарзни ундириш*

Пул олиш, мулкни қайтариш ёки бериш билан боғлиқ нотариал тасдиқланган битимлар. Ушбу асос бўйича ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) нотариал тасдиқланган битимнинг асл нусхаси;

b) кредитор томонидан қарздорга нотариус орқали тўлов муддати ўтказиб юборилганлиги (мулкни қайтариш ёки бериш) тўғрисида юборилган ёзма билдиришнома.

---

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги 26-сон қарори билан тасдиқланган Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 2-сон, 19-модда.

### *2.4.2. Ҳисоб-китоб ва кредит муносабатларидан келиб чиқадиган асослар бўйича қарзни ундириш*

2.4.2.1. Кредит муассасалари томонидан берилган кредитлар бўйича қарздорлар ва уларнинг кафиллари тўлов муддатини ўтказиб юборганлигига оид ҳужжатлар. Ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) унинг асосида қарз ундириладиган кредит шартномасининг асл нусхаси;

б) ундириб олувчи томонидан тасдиқланган қарздорнинг шахсий ҳисобварағи (карточкаси)дан қарз миқдори кўрсатилган кўчирма;

в) кредит муассасалари олдидаги қарзни икки томонлама тасдиқловчи солиштириш далолатномаси.

2.4.2.2. Корхоналар ва ташкилотлар томонидан ўз ходимларига якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жой (квартира)ларни мукаммал таъмирлаш, шунингдек уй-рўзғор буюмлари харид қилиш учун берилган қарз (ссуда)лар бўйича қарздорликни белгиловчи ҳужжатлар. Ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) қарздор мажбуриятининг асл нусхаси;

б) қарздорнинг шахсий ҳисобварағидан ундириб олувчи томонидан тасдиқланган ҳамда муддати ўтказиб юборилган қарз миқдори ва уни қоплаш муддатлари кўрсатилган кўчирма.

2.4.2.3. Квартиралар, уй-жойлар (уй-жойнинг бир қисми) ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган, шу жумладан квартираларнинг ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан хусусийлаштирган фуқароларнинг тўланмаган суммани қоплаш учун тўловлар бўйича қарздорлигини белгиловчи ҳужжатлар. Ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) қарздор мажбуриятининг асл нусхаси;

б) ундириб олувчи томонидан тасдиқланган қарздорнинг шахсий ҳисобварағидан муддати ўтказиб юборилган қарз миқдори ва уни қоплаш муддатлари кўрсатилган кўчирма.

### *2.4.3. Кредитга сотиб олинган товарлар учун қарзни ундириш*

Товарларни кредитга сотиб олиш чоғида (бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан) харидорлар томонидан савдо ташкилотларига берилган кафиллик-мажбуриятномалар. Қарзни ва навбатдаги бадалларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеняни ундириш юзасидан ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) ундириб олувчи томонидан қарз миқдори ва уни қоплаш муддатлари қайд этилган қарздор кафиллик-мажбуриятномасининг асл нусхаси;

б) ундириб олувчи томонидан тасдиқланган қарздорнинг шахсий ҳисобварағидан муддати ўтказиб юборилган қарз миқдори ва уни қоплаш муддатлари кўрсатилган кўчирма.

***2.4.4. Электр энергияси етказиб берувчиларнинг талабномалари бўйича қарзни ундириш***

Фуқароларнинг электр энергиясидан фойдаланганлик учун электр энергияси етказиб берувчилар олдидаги қарздорлигини белгиловчи ҳужжатлар. Ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) ҳисобварақнинг ундириб олувчи томонидан тасдиқланган нусхаси;

б) қарздорнинг ёзма огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорга берилган ёзма огоҳлантириш нусхаси;

в) ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасининг нусхаси.

***2.4.5. Турар-жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар эгалари (ижарачилар, арендага олувчилар)дан аренда, ижара шартномалари бўйича умумий харажатлар, коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича қарзни ундириш***

2.4.5.1. Тўлов миқдори юзасидан суд низолари мавжуд бўлмаган ҳолларда турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ижарачиси, арендага олувчисининг ижара, аренда шартномалари (умумий харажатлар ва арендага, ижарага берувчининг норматив даромади) бўйича ва коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорлигини белгиловчи ҳужжатлар. Ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) қарзнинг ҳосил бўлишини тасдиқловчи шартноманинг ундириб олувчи томонидан тасдиқланган нусхаси;

б) ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасининг шартнома қатнашчилари томонидан имзоланган нусхаси;

в) ундириб олувчи томонидан қарз қопланмаганлиги тўғрисида белги қўйилган, ижарачига йўлланган ҳисобварақ нусхаси;

г) қарздорнинг ёзма огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорга берилган ёзма огоҳлантиришнинг нусхаси.

2.4.5.2. Квартира эгаси бўлган фуқаролар, уй-жой-қурилиш, уй-жой ва дала ҳовли-қурилиш кооперативлари аъзоларининг уй-жойни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлашга, уйни (дала ҳовлини) сақлаш харажатларига тузилган шартнома-контрактга мувофиқ тақдим этиладиган умумий харажатлар ва коммунал хизматлар бўйича муддати икки ойдан ортиқ ўтказиб юборилган тўловларни қоплашга оид қарзларини белгиловчи ҳужжатлар. Ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) қарз қопланмаганлиги тўғрисида белги қўйилган, қарздорга йўлланган ҳисобварақнинг ундириб олувчи томонидан тасдиқланган нусхаси;

б) қарздорнинг ёзма огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорга берилган ёзма огоҳлантириш нусхаси;

в) бошқариш ва турар жойни таъмирлаш тўғрисидаги контракт-шартнома.

2.4.5.3. Фуқароларнинг баҳолаш ва хатлов ишлари учун хатлов-техник ишларини амалга оширувчи органлар олдидаги қарздорлигини белгиловчи ҳужжатлар. Ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) тўланмаган ҳисобварақнинг ундириб олувчи томонидан тасдиқланган нусхаси;

б) баҳолаш ва хатлов ишлари ўтказилган объектнинг манзили, ишларнинг номи ва ҳажми, ишларнинг қиймати ва қарзнинг умумий қиймати кўрсатилган ҳисоб-китоб нусхаси;

в) қарздорнинг ёзма огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорга берилган ёзма огоҳлантириш нусхаси.

### *2.4.6. Телекоммуникация тармоқлари (телефон, телевидение ва компьютер тармоқлари, радио эшиттириш шахобчалари ва бошқалар)дан фойдаланганлик учун абонент тўлови бўйича қарзни ундириш*

Фуқароларнинг телекоммуникация тармоқларидан фойдаланганлик учун абонент тўлови, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматлари кўрсатилганлиги учун ва абонент тўловини ўз вақтида тўламаганлик учун пеня тўлаш бўйича қарздорлигини белгиловчи ҳужжатлар.

Ижро хати олиш учун қарз тўланмаганлиги ҳақида белги қўйилган ҳамда қарз суммаси ва уни тўлаш муддатлари тўғрисида қарздорга юборилган билдиришноманинг ундириб олувчи томонидан тасдиқланган қарздорнинг билдиришномани олганлиги ҳақидаги тилхати бор нусхаси тақдим этилади.

### *2.4.7. Болаларнинг мактабгача таълим муассасалари ва ихтисослаштирилган мактабларда бўлганликлари учун ота-оналардан қарзни ундириш*

Болалар мактабгача таълим муассасалари ва ихтисослаштирилган мактабларда бўлганликлари учун ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг тўлов муддати (икки ҳафтадан ортиқ) ўтказиб юборилган қарздорлигини белгиловчи ҳужжатлар.

Ижро хати олиш учун қарздорнинг ёзма огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати бор ёзма огоҳлантириш топширилгандан кейин икки ҳафта муддат ичидақарз тўланмаганлиги тўғрисида белги қўйилган ундириб олувчи томонидан тасдиқланган ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахс номига очилган шахсий ҳисобварақ (болалар тарбияси учун ота-оналар билан ҳисоб-китоблар ведомости)дан кўчирма тақдим этилади.

### *2.4.8. Кутубхоналарнинг талабномалари бўйича қайтарилмаган китоблар, бошқа босма асарлар ва кутибхоналар захирасидан олинган ўзга материаллар учун қарзни ундириш*

Кутубхоналарнинг фуқаролар, корхоналар ва ташкилотлардан улар томонидан қайтарилмаган китоблар, бошқа босма асарлар ва кутубхоналар захирасидан олинган бошқа материаллар қийматини ўн баравар миқдорда ундириш тўғрисидаги талабномалари. Ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) кутубхонадан китоблар, бошқа босма асарлар ва ўзга материаллар берилганлигини тасдиқловчи, муддатида қайтарилмаганлиги қайд этилган ҳужжат;

б) китоблар, босма асарлар ёки материалларни қайтариш ёки улар ўрнини айнан шундай ёхуд тенг қийматли китоблар, босма асарлар ёки материаллар билан тўлдириш тўғрисида, шунингдек қайтармаган ёки алмаштиришнинг имкони бўлмаган ҳолларда уларнинг қиймати ўн баравар миқдорда ундириб олиниши тўғрисидаги ёзма огоҳлантиришларнинг нусхалари;

в) китоблар, бошқа босма асар ва ўзга материаллар қайтарилмаган ёки уларни алмаштиришнинг имкони бўлмаган ҳолларда қарзнинг ундириб олиниши тўғрисидаги ёзма огоҳлантириш топширилганлиги ҳақида почта билдиришномаси нусхаси;

г) китоблар, бошқа босма асар, ўзга материалларнинг баҳоси тўғрисида кутубхона хатлов китобидан кўчирма ёки қайтарилмаган китоб ёхуд бошқа босма асар библиография нуқтаи назаридан нодир деб ҳисобланган ҳолларда букинистик дўконнинг маълумотномаси.

### *2.4.9. Прокат шартномаси бўйича фуқароларга берилган мулкдан фойдаланганлик, уларни ишдан чиқарганлик учун тўловлар бўйича қарзни фуқаролардан ундириш*

Фуқароларнинг уларга корхоналар ва ташкилотлар томонидан берилган маданий-маиший, уй-рўзғор буюмлари, мусиқа асбоблари, спорт анжомлари ва шахсий фойдаланишга мўлжалланган бошқа мулкдан фойдаланганлик (прокат) учун тўловлар бўйича қарздорлигини белгиловчи ҳужжатлар. Ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) ижарага бериш шартномасининг нусхаси, ижарага берилган буюм баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлган ҳолларда эса ундириладиган сумма кўрсатилган квитанциянинг нусхаси;

б) қарздорнинг огоҳлантириш олинганлиги ҳақидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорни ёзма огоҳлантиришнинг нусхаси.

### *2.4.10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш муассасалари талабномалари бўйича қарзни ундириш*

Тўлов миқдори юзасидан суд низоси мавжуд бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахслар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳисобварақ-битимга асосан кўрсатиладиган тиббий хизматлар бўйича харажатларни қоплаш борасидаги қарздорлигини белгиловчи ҳужжатлар. Ижро хатини олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) қарздорнинг мазкур ҳисобварақнинг биринчи нусхасини олганлиги тўғрисидаги тилхати бор қарз ҳосил бўладиган ҳисобварақ-битимнинг нусхаси;

б) даволаш муассасасининг ундириши керак бўлган қарз суммаси тўғрисидаги маълумотномаси.

***2.4.11. Лизингга олувчидан қарзни ундириш ва лизинг объектини талаб қилиб олиш***

Лизингга олувчининг қарзини тасдиқловчи ҳужжатлар. Ижро хатларини олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) қарзни ундириш ва/ёки лизинг объектини талаб қилиб олишни амалга оширишга асос бўладиган лизинг шартномасининг асл нусхаси;

б) лизингга олувчининг лизингга берувчи олдидаги қарзини тасдиқлайдиган икки томонлама таққослаш далолатномаси;

в) лизингга олувчининг огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати билан бирга қарзни қайтариш тўғрисида огоҳлантириш хатининг нусхаси.

***2.4.12. Ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш бўйича қарзни ундириш***

Ходимнинг зарарни бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда уни ихтиёрий қоплаш тўғрисидаги ёзма мажбурияти. Ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) ходимнинг тўловнинг аниқ муддатлари кўрсатилган зарарни ихтиёрий қоплаш тўғрисидаги ёзма мажбуриятининг асл нусхаси;

б) етказилган зарарнинг тўланмаган қисми миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар;

в) ўзи етказган зарарни қоплашдан бош тортган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси;

г) қарздорнинг огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати билан бирга қарзни тўлаш ҳақида қарздорга берилган огоҳлантириш хатининг нусхаси.

***2.4.13. Чек бўйича қарзни ундириш***

Тўловчининг турар жойидаги нотариус тўловга тақдим этилган чекни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда қабул қилиб олади. Чек тўланмаган тақдирда нотариус чекнинг тўланмаганлигини унга ёзиб қўйиш йўли билан тасдиқлайди ва буни

реестрда қайд этади. Чекка ёзиш билан бирга чек берувчига унинг чекини банк тўламаганлиги ва бу хусусда чекка ёзиб қўйилганлиги ҳақида билдириш хати юборилади. Чек тўланмаган тақдирда нотариус чек сақловчининг илтимосига кўра ижро хатини ёзади[1]. Ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) чекнинг асли (унда тўлов амалга оширилмаганлиги тўғрисидаги нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви мавжуд бўлиши керак)[2];

б) қарздорнинг огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати билан бирга қарзни тўлаш ҳақида қарздорга берилган огоҳлантириш хатининг нусхаси.

**Ижро хатининг мазмуни** *унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:*

- ✓ ижро хатини ёзаётган нотариус исм-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими;
- ✓ ундириб олувчининг номи ва манзили;
- ✓ қарздорнинг номи ва манзили;
- ✓ ундириб олиш амалга ошириладиган муддат;
- ✓ ундириб олиниши керак бўлган суммалар ёки талаб қилиб олиниши керак бўлган нарсалар, шу жумладан тўланиши керак бўлган пеня, фоизлар;
- ✓ ундириб олувчи тўлаган ёки қарздордан ундирилиши керак бўлган давлат божи ёки тариф суммалари;
- ✓ ижро хати ёзилган сана (йил, ой, кун);
- ✓ ижро хатининг реестрда қайд этилган тартиб рақами;
- ✓ ижро хатини ёзган нотариуснинг имзоси;
- ✓ нотариуснинг муҳри.

Нотариус томонидан ижро хати қарздорликни белгиловчи асл ҳужжатда қайд этилади. Қарздорликни белгиловчи асл ҳужжатда ижро хати ёзиш учун жой бўлмаган ҳолларда у алоҳида варақда

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни 72-моддаси.

[2] Қўшимча. Чек бўйича пул тўлашдан бош тортганлик учун ҳам барча ҳолатларда нотариус томонидан ижро хатлари ёзилмайди. Фақат чек бўйича пул тўлашдан бўйин товланганлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 814-моддаси биринчи қисм биринчи банди балан нотариус томонидан тасдиқланган бўлса, мазкур ҳолатда нотариус ижро хати ёзади. Чек бўйича пул тўлашдан бўйин товлаганлик бошқа усуллар, яъни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 814-моддаси биринчи қисми 2 ва 3-бандларидаги асослар бўйича тасдиқланган бўлса, бундай ҳолларда нотариус ижро хати ёзмайди. Мазкур ҳолатларда чек сақловчи судга даъво ариза билан мурожаат қилиб тўланмаган чек бўйича қарзини ундириши мумкин.

амалга оширилади. Ушбу варақ қарздорликни белгиловчи асл ҳужжатга қўшиб тикилади, рақамланади ва муҳрланади. Нотариус ижро хати ёзилган кундан бошлаб икки иш куни ичида унинг нусхасини ижро органига юбориши шарт. Ижро хати, агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, у ёзилган кундан бошлаб уч йил муддат ичида мажбурий ижро учун тақдим этилиши мумкин. Ижро хатини тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини, шунингдек ижро хати бўйича ундиришни тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### 2.5. Меросга оид ишларни юритиш

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида нотариуслар меросга оид қуйидаги ишларни кўриб чиқади:

- ✓ меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;
- ✓ мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради.

#### 2.5.1. Мерос мол-мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирларни кўриш

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 52-моддасига мувофиқ мерос очилган жойдаги нотариус, башарти қонун бўйича меросхўрларнинг ёки васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларнинг, кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига кўра ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради.

Агар мерос қолдирувчининг мол-мулки ёки унинг бир қисми мерос очилган жойдан ташқарида бўлса, мерос очилган жойдаги нотариус бу ҳақида мерос мол-мулк жойлашган ердаги нотариусга мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида топшириқ юборади. Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўрган нотариус мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорасига кўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилади ва мерос мол-мулк рўйхатининг нусхасини юборади.

***Мерос мол-мулкини қўриқлашга доир ишларни амалга ошириш жараёнида нотариус ушбу мол-мулкни қўриқланишини таъминловчи қуйидаги чора-тадбирларни кўради:***

мерос очилган жойини аниқлайди;

яшаш жойи маълум бўлган меросхўрларни мерос очилганлиги ҳақида ва мол-мулкни рўйхатга олиниши тўғрисида хабардор қилади;

ўлим фактини тасдиқлаш учун ўлим ҳақидаги гувоҳномани ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирмани талаб қилади, гувоҳноманинг нусхаси мерос ишида қолдирилади;

мерос мол-мулкни қўриқлашга дастлабки чора-тадбирлар кўрилган ёки кўрилмаганлигини, агар кўрилган бўлса, унда бу чора-тадбир ким томонидан кўрилганлигини, мерос қолдирувчининг мол-мулки турган хона (хоналар) муҳрланганлигини, бу хонанинг (хоналарнинг) калити кимдалигини аниқлайди;

мерос бўлиб қолган мол-мулкни рўйхатга олиш тўғрисида меросхўрлар ёки бошқа манфаатдор шахсларни хабардор қилади;

мерос очилганлиги тўғрисида мерос қолдирувчининг кредиторларига хабар беради ва улардан аризаларни қабул қилиб олади.

### *2.5.1.1. Мерос очилганлиги тўғрисида хабар бериш*

Нотариус мерос очилганидан сўнг, мерос мол-мулкини қўриқлашга киришганда мерос очилганлиги, меросхўрлар доираси аниқланаётганлиги, шунингдек мерос қолдирувчининг кредиторларига қарзларни ундириш бўйича ариза билан мурожаат қилиш тўғрисида хабар беради.

### *2.5.1.2. Мерос таркибини аниқлаш*

Нотариус мерос мол-мулкини қўриқлаш мақсадида мерос қолдурувчининг мол-мулкларини далолатнома билан рўйхатга олади. Рўйхатга олиш далолатномаси камида уч нусхада тузилиб, битта нусхаси мерос ишига тикилади, иккинчиси тилхат билан мерос бошқарувчилари ва мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган шахсларга, учинчиси меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома билан биргаликда меросхўрларга берилади.

***Рўйхатга олиш далолатномасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:***

мерос мол-мулк тўғрисидаги хабар ёки уни қўриқлашга доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги топшириқнинг келиб тушган санаси;

рўйхатга олиш санаси, рўйхатга олишда иштирок этувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

мерос қолдирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг вафот этган санаси;

рўйхатга олинаётган мол-мулкнинг жойлашган жойи, нотариус келишидан олдин хона (хоналар) муҳрланганлиги ва муҳрлаш ким томонидан амалга оширилганлиги, пломба ва муҳрлар бузилмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;

қайд этилган барча предметларнинг батафсил тавсифи;

рўйхатга олиш далолатномасига мерос қолдирувчининг барча мол-мулки киритилади.

***Мерос таркибига кирадиган айрим турдаги ашёларнинг қўриқланиши:***



Агар мерос таркибида олтин, кумуш, платина ва тангадаги, қуймадаги ва хом турдаги платина гуруҳдаги металлар, чет эл валютаси, чет эл валютасида берилган тўлов ҳужжатлари, ҳужжатли шаклдаги қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металлардан, тошлардан ишлаб чиқарилган буюмлар, шунингдек қимматбаҳо тошлар бўлса, уларга алоҳида рўйхат тузилади, улар конвертга ёки юмшоқ идишга солинади, муҳрланади, пломбаланади ва рўйхатга олинган куннинг кейинги кунидан кечиктирмай, меросхўрларга берилгунича ёки мерос олиш ҳуқуқи бўйича мерос мол-мулки давлатга ўтиш ҳолатида давлат фойдасига топширилгунга қадар, тегишли банкка сақлаш учун топширилади.

Рўйхатга олинган қимматбаҳо ашёларни (буюмларни) тегишли банкка сақлаш учун топширишдан олдин нотариус нотариал идорада олиб бориладиган қимматбаҳо ашёлар (нарсалар)ни рўйхатга олиш китобида уларни қайд этиши лозим. Қимматбаҳо ашёлар (буюмлар)нинг рўйхати уч нусхада тузилади. Улардан бири

қимматбаҳо ашёлар (буюмлар) билан тегишли банкка берилади, иккинчиси мерос ишига тикилади ва учинчиси меросхўрларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома билан бирга берилади.



Агар мерос таркибида ***қуроллар*** мавжуд бўлса, барча турдаги қурол, шу жумладан ов милтиғи ва портловчи моддалар махсус рўйхат бўйича ички ишлар органларига топширилади.



Мерос қолдирувчига тегишли бўлган ***орден, медаллар, фахрий унвонлар, кўкрак нишонлари***, шунингдек уларни тақдирлаш тўғрисидаги ҳужжатлар эсдалик сифатида сақлаш учун мерос қолдирувчининг оила аъзоларида қолдирилади ёки меросхўрларнинг розилиги билан улар музейларга топширилиши мумкин.



***Озиқ-овқат маҳсулотлари***ни нотариус меросхўрларга, улар бўлмаганда тегишли ташкилотларга топширади. Озиқ-овқат маҳсулотларини топшириш алоҳида далолатнома бўйича амалга оширилади.



Агар мол-мулкнинг таркибида ***қимматбаҳо қўлёзмалар***, адабиёт асарлари, тарихий ёзишмалар мавжуд бўлса, ушбу ҳужжатлар алоҳида рўйхатга олиниб, меросхўрларга ёки тегишли ташкилотларга сақлаш учун топширилади, меросхўрлар мавжуд бўлмаган тақдирда нотариус ушбу ҳужжатлар ва қимматбаҳо ашёлар (буюмлар) сақланадиган хонани (хоналарни) муҳрлаб қўяди.



Мерос таркибида ***бошқаришни талаб қиладиган мол-мулк*** мавжуд бўлса, шунингдек мерос қолдирувчининг кредиторлари меросхўрлар томонидан меросни қабул қилиб олгунига қадар даъво қўзғатган ҳолларда нотариус мерос мол-мулкини бошқарувчисини тайинлайди ва бу ҳақида қарор чиқаради.

Агар мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаб келаётган меросхўрлар ёки бошқа шахслар мол-мулкни рўйхатга олишга қаршилик қилишса, нотариус мол-мулкни хатлаш учун тақдим этишдан бош тортганлик тўғрисида далолатномани тузади ва меросхўрларни бу ҳақида хабардор қилади, уларга бу масала юзасидан даъво билан судга мурожаат этиш ёки даъвони таъминлаш мақсадида суд тартибида мол-мулкни рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқларини тушунтиради.

Агар рўйхатга олиш учун жойига чиқилганда, рўйхатга олиниши лозим бўлган мол-мулк мавжуд бўлмаса ва меросхўрлар ёки бошқа шахслар томонидан олиб кетилган бўлса, нотариус мол-мулк мавжуд эмаслиги тўғрисида ёки мол-мулк олиб кетилганлиги тўғрисида далолатнома тузади ва бу ҳақида меросхўрларга ёки бошқа манфаатдор шахсларга хабар беради, уларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мол-мулкни қайтариш талаби билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этиш ҳуқуқини тушунтиради.

#### *2.5.1.3. Мерос қолдирувчининг кредиторларининг аризаларини қабул қилиш*

Мерос қолдирувчининг кредиторлари васиятномани ижро этувчига (меросни бошқарувчига) ёки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақлидирлар.

Мерос очилган жой бўйича нотариус мерос қолдирувчининг кредиторларидан аризаларни қабул қилади. Аризалар ёзма равишда баён этилиши ва қарз мажбуриятларининг бажарилиши муддатидан қатъи назар, нотариус томонидан қабул қилиниши лозим. Келиб тушган ариза тўғрисида нотариус васиятномани ижро этувчини (меросни бошқарувчини) ёки меросхўрларни хабардор қилади.

### 2.5.2. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради. Меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризалар нотариуслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан тегишли тартибда шаҳодатлантирилган бўлиши лозим. Меросхўр шахсан ўзи мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорасига келиб, аризани тақдим этган ҳолда, унинг имзосининг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш талаб қилинмайди. Бу ҳолда нотариус меросхўрнинг шахсини аниқлайди ва имзоси ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақида аризага белги қўяди ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номини, унинг рақамини, қачон ва ким томондан берилганлигини ва туғилган йилини кўрсатади. Агарда ариза почта орқали келиб тушган бўлса, меросхўрнинг имзоси ҳақиқийлиги шаҳодатланмаган бўлса ҳам ариза нотариус томонидан қабул қилинади, меросхўрга эса аризани нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатлантирилган ҳолда юбориш ёки давлат

нотариал идорасига шахсан келиши ҳақида хабарнома юборилади. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади. Фуқаролик кодексининг 1157-моддасига мувофиқ агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади. Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтганидан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин.

## Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришда нотариуснинг амалга оширадиган ҳаракатлари кетма-кетлиги:

### 1. Нотариус мерос очилганини текширади

***Буни нотариус ўлим гувоҳномаси орқали аниқлайди.*** *Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади (ФК 1116), фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш фуқаролик ҳолати ҳужжатларини ёзиш органлари томонидан фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш дафтарига (ҳужжатлар дафтарига) тегишли ёзувларни киритиш ҳамда шу ёзувлар асосида фуқароларга гувоҳномалар бериш йўли билан амалга оширилади (ФК 38).*

### 2. Мерос таркибини аниқлайди

*Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.*

*Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар:*

*юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки* шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса;

*ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи;*

*алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;*

*меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи;*

*мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди.*

## 3. Мерос қолдирувчи васиятнома қолирган ёки қолдирмаганлигини аниқлайди

| | | |
|---|---|---|
| **Васият бўйича ворислик** *(агар васиятнома мавжуд бўлса ва у мерос таркибини тўлиқ қамраб олган бўлса)* | **Қонун бўйича ворислик** *(агар мерос қолдирувчи васиятнома қолдирмаган бўлса)* | **Васият ва қонун бўйича ворислик** *(васиятнома мерос таркибини тўлиқ қамраб олмаган бўлса)* |

## 4. Меросхўрлар доирасини аниқлайди

| | | |
|---|---|---|
| ***Васият бўйича меросхўр васиятномада кўрсатилган шахс(лар) ёки васиятномада фақат меросдан маҳрум қилинган шахс(лар) рўйхати кўрсатилган бўлса., у(лар)дан ташқари меросга чақирилаётган навбатнинг вакил(лар)и*** | ***Қонун бўйича ворислар қуйидаги схемаларда келтирилган*** *(ҳуқуқий асослари ФК 1135–1141)* | ***Мерос мол-мулкининг васият қилинган қисмига нисбатан васият бўйича ворислар, қолган қисмига нисбатан қонун бўйича ворислар*** |

ҚОНУН БЎЙИЧА МЕРОСХЎРЛАР НАВБАТИ






## 5. Мерос таркибидан ундирилиши керак бўлган кредитор(лар) талаб(лар)и ва бошқа харажатларини аниқлайди

*Мерос ворислар ўртасида тақсимланишидан олдин мерос қолдирувчининг вафоти олдидан хасталиги туфайли қилинган зарур харажатлар, мерос қолдирувчини дафн этиш харажатлари, меросни эгаллаш, муҳофаза қилиш, бошқариш ва васиятномани ижро этиш, шунингдек васиятномани ижро этувчи ёки меросни бошқарувчига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисидаги талаблар мерос ҳисобидан қондирилиши лозим. Бу талаблар мерос қиймати ҳисобидан бошқа барча талаблардан, шу жумладан ипотека ёки бошқа гаров билан таъминланган талаблардан олдин имтиёзли равишда қондирилиши лозим.*

*Мерос қолдирувчининг кредиторлари васиятномани ижро этувчига (меросни бошқарувчига) ёки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар.*

## 6. Мерос таркибидан меросхўрларнинг улушларини аниқлаб, уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради

**ҚОНУН БЎЙИЧА МЕРОСГА БЎЛГАН**
**ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДА**
**ГУВОҲНОМА**

**Бухоро виляти Қоракўл тумани.**
**Икки минг ўн еттинчи йил, июнь ойининг тўққизинчи куни.**

Ушбу гувоҳнома Бухоро вилояти Қоракўл тумани Улуғбек кўчасида жойлашган Қоракўл туман 1-сонли давлат нотариал идораси биносида расмийлаштирилди. Нотариус Бахромов Алишер Яхё ўғли.

Мен, Бухоро вилояти Қоракўл туман 1-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси Бахромов Алишер Яхё ўғли, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан, Қоракўл туманида яшаб, Қоракўл тумани Мирза қалъа ҚФЙда 01.11.2013 йилда вафот этган марҳум Ҳамроев Пирназар Ёдгоровичнинг ворислари: 22.11.1977 йилда туғилган Hamroyev O'ktam Pirnazarovich, 16.05.1979 йилда туғилган Ҳамроев Рустам Пирназарович, 11.05.1983 йилда туғилган Ҳамроева Дилбар Пирназаровна, 08.11.1984 йилда туғилган Ҳамроев Жасур Пирназарович, 06.09.1992 йилда туғилган Ҳамроев Мансур Пирназар ўғилларнинг меросдаги улушларидан марҳумнинг хотини фойдасига воз кечганлиги сабабли марҳум Ҳамроев Пирназар Ёдгоровичнинг мерос мулкига унинг Бухоро вилояти, Қоракўл тумани Қораун ҚФЙга прописка қилинган 16.12.1955 йилда туғилган хотини Нематова Ҳафиза Асадовна *(СТИР 579 946 579)* (*паспорт: Бухоро вилояти Қоракўл тумани ИИБ томонидан 21.08.2001 йилда берилган CP 0962994)*ни меросхўр эканлигини тасдиқлайман.

**Ушбу гувоҳнома берилаётган мерос мулки қуйидагилардан иборат:**

**1.** Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Мирза қалъа МФЙ, Мирза қалъа қишлоғида жойлашган уйнинг ½ (иккидан бир) қисми. Мазкур уйнинг умумий ер майдони 0,15 (ноль бутун юздан ўн беш) га, умумий майдони 361,1 (уч юз олтмиш бир бутун ўндан бир) квадрат метр, турар-жой майдони 139,4 (бир юз ўттиз тўққиз бутун ўндан тўрт) квадрат метр ҳамда 5 (беш) та хонадан иборат.

Мерос мулкининг марҳум Ҳамроев Пирназар Ёдгоровичга тегишлилиги Қоракўл туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2014 йил 1 августь куни 1-сонли реестр китобида № 257-рақам билан рўйхатга олинган Қоракўл тумани хокими М.Мўъмонов томонидан 10.07.2014 йилда қабул қилинган 755-сонли қарорига асосан аниқланди.

Мазкур мулк "Нотариус" автомотлаштирилган ахборот тизими орқали текширилганда ва Қоракўл туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2017 йил 6 июнда берилган 427-сонли маълумотномасига асосан тақиқда турмайди.

Қоракўл туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2017 йил 6 июнда берилган 427-сонли маълумотномасига асосан мулкнинг мерос очиган вақтдаги инвентар қиймати 5 465 805 *(беш миллион тўрт юз олтмиш беш минг саккиз юз беш)* сўм бўлиб, мулкнинг мерос сифатида ўтадиган ½ (иккидан бир) қисмининг инвентар қиймати 2 732 902 *(икки миллион етти юз ўттиз икки минг тўққиз юз икки)* сўмни ташкил қилади.

**2.** 2008 йилда ишлаб чиқарилган, т/в тури енгил (седан), двигатель № 091399, кузов № XWB3D31BD8A158923, шасси № рақамсиз, кулранг рангли, давлат рақам белгиси 80 M 442 AA бўлган ГБА NEXIA DAEWOO СНГ русумли автомототранспорт воситасининг ½ (иккидан бир) қисмидан иборат. Юқоридаги ГБА NEXIA DAEWOO СНГ русумли автомототранспорт воситаси марҳум Ҳамроев Пирназар Ёдгоровичга тегишлилиги Жондор ТРИБ томонидан 2009 йил 19 июнда берилган AAC № 2022241 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан аниқланди.

Ушбу автомототранспорт воситаси "Нотариус" автомотлаштирилган ахборот тизими орқали текширилганда 09.06.2017 йил ҳолатида тақиқда эмаслиги аниқланди.

Юқорида кўрсатилган ГБА NEXIA DAEWOO СНГ русумли автомототранспорт воситаси Бухоро вилояти Шофиркон тумани "BIZNES TADQIQOT KONSALTING" baholash va konsalting tashkiloti МЧЖ томонидан 03.06.2017 йилда берилган № 08/06-17-сонли баҳолаш ҳисоботига асосан мерос очилган вақтдаги қиймати 23 910 364 *(йигирма уч миллион тўққиз юз ўн минг уч юз олтмиш тўрт)* сўм бўлиб, мулкнинг мерос сифатида ўтадиган ½ (иккидан бир) қисмининг қиймати 11 955 182 (ўн бир миллион тўққиз юз эллик беш минг бир юз саксон икки) сўмни ташкил қилади.

Фуқаро Нематова Ҳафиза Асадовнадан 11 955 *(ўн бир минг тўққиз юз эллик беш)* сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Мазкур гувоҳнома Қоракўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида ҳамда тегишли ДЙҲХХ органларида ўн кун муддат ичида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулкнинг ½ (иккидан бир) қисмига марҳумнинг хотини Нематова Ҳафиза Асадовнага эр-хотиннинг умумий мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилган.

Реестрга __________ рақами билан қайд этилди.

25-сонли мерос иши.

Техник тусдаги хизматлар учун _____________ сўм (___________________________ сўз билан) ундирилди.

**Қоракўл туман 1-сонли давлат**
**нотариал идораси нотариуси** **А.Я.Бахромов**

## 2.6. Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш

Нотариус **эр-хотиннинг** ёзма аризасига мувофиқ улардан ***бирига*** ёки ***ҳар иккисига*** никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради. Шунингдек, эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) ёзма аризасига кўра мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилади

**Мазкур нотариал ҳаракатнинг тааллуқлилиги:** эр-хотин мазкур масала бўйича исталган нотариал идорага мурожаат қилишга ҳақли. Агар мурожаат эр-хотиннинг умумий **кўчмас** мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилиши билан боғлиқ бўлса, шу мол-мулклар жойлашган ердаги нотариусга тааллуқли бўлади.

**Ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар:**

мурожаат қилувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари;

никоҳ тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

агар эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда улардан бирининг ўлим ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирма;

Нотариус эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берганлиги ҳақида мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатга ёзиб қўяди.

Нотариус уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмига, автомототранспорт воситасига нисбатан берилган эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасида, ДЙҲХХ органларида рўйхатга олиниши ҳақида ёзиб қўяди ва тушунтиради.

**Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома**

___________________________________________________________________
*(нотариал округ номи)*

___________________________________________________________________
*(гувоҳнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

___________________________________________________________________
*(гувоҳнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Мен – Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти, Сардоба туман 1-сон давлат нотариал идора нотариуси Ф.И.О. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, Ғалаба кўчаси, 25-уйда пропискада турувчи – эр-хотин Камалов Алихан Урунбекович (паспорт СВ 2653625, Сардоба туман ИИБ томонидан 25.01.2014 йилда берилган) ва Камалова Роза Тўрахоновналарнинг паспорт (СВ 2653626, Сардоба туман ИИБ томонидан 25.01.2014 йилда берилган) биргаликдаги никоҳи давомида орттирилган мол-мулкига ҳар бирининг тенг ҳиссада мулкдор эканлигини тасдиқлайман.

Ушбу гувоҳнома бўйича мулк ҳуқуқи тенг ҳиссада тасдиқланиб берилаётган умумий мулк – ДАМАС русумли, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 111021441, кузов рақами 2220101456, шасси – рақамсиз, ранги – қизил, давлат рақами белгиси 20D177ВА бўлган автотранспорт воситасидан иборат.

Ушбу автотранспорт воситаси Сирдарё вилояти ИИБ ДЙҲХБ 2-сон ТРИБ томонидан 2006 йил 1 августда берилган серия ААС № 0596493 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига кўра Камалова Роза Тўрахоновна номига рўйхатга олинган.

Ушбу гувоҳнома уч нусхада тузилиб, имзоланди, улардан бири Сардоба туман 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга берилди.

Ушбу гувоҳнома ИИВнинг тегишли ДЙҲХХ органларида 10 кун ичида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Реестрга _____________-сон билан қайд қилинди.

Давлат божи: ___________ сўм (_________________________ сўз билан) ундирилди. Техник тусдаги хизматлар учун __________ сўм (__________________________ сўз билан) ундирилди.

Нотариус (имзо) Ф.И.О.
М.Ў.

### 2.7. Протестга оид ишларни юритиш

Ўзбекистон Республикасида нотариуслар томонидан протестга оид қуйидагилар амалга оширилади:

- ✓ векселни протест қилиш;
- ✓ денгиз протестларини амалга ошириш.

### 2.6.1. Векселни протест қилиш




Тарафларнинг келишувига мувофиқ қарз олувчи ***вексель*** берган бўлиб, бу вексель уни берувчининг (оддий вексель) ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг (ўтказма вексель) векселда назарда тутилган муддат келгач, қарзга олинган пул суммаларини тўлаш ҳақидаги ҳеч қандай шарт билан боғланмаган мажбуриятини тасдиқлайди.

Нотариус ***пули тўланмаган, акцепт қилинмаган ва акцепт санаси кўрсатилмаган*** векселни қонун ҳужжатларига мувофиқ протест қилади.

***Пули тўланмаган векселни протестлаш бўйича нотариуснинг ҳаракатлари.*** Тўланмаганлик учун протест солинадиган вексеЛлар нотариусга вексел бўйича тўлаш вақти ўтган куннинг эртасига топширилади. Векселларга тўланмаганлик тўғрисидаги протест нотариуслар томонидан тўловчининг турар жойи бўйича ёки тўлов жойи бўйича (домициллаштирилган векселлар, яъни тўлаш учун учинчи шахснинг қўлида бўлган

векселлар) солинади. Нотариус векселни протестга қабул қилиб олган кунда тўловчига ёки домицилиантга (домициялашган векселни тўловчи шахс) векселни тўлаш тўғрисидаги талабни қўяди. Агар тўловчи (домицилиант) векселни тўлаган тақдирда нотариус унга протест қўймай, векселни уни тўлаган шахсга қайтаради, векселнинг ўзига тўлов ва белгиланган форма бўйича тегишли бошқа суммалар олинганлиги тўғрисида ёзиб қўяди. Тўловчи (домицилиант) векселни тўлашдан бош тортган тақдирда ёхуд у нотариал идорага келмаган тақдирда нотариус белгиланган формага вексел тўланмаганлиги учун унга протест солиш тўғрисида далолатнома тузади ва реестрда тегишли ёзувни амалга оширади, шунингдек векселнинг ўзига у тўланмаганлиги учун тақиқ солинганлиги ҳақида белги қўяди. Тўловчининг қаердалиги номаълум бўлган тақдирда векселга тўлов тўғрисидаги талаб қўйилмаган ҳолда протест солинади, яъни протест тўғрисидаги далолатномага ва реестрга тегишли белги қўйилади.

***Акцепт қилинмаган векселни протестлаш бўйича нотариуснинг ҳаракатлари.*** Нотариус томонидан протест ноакцепт векселларга протест тўловчи жойи бўйича солинади. Нотариус векселни протестга қабул қилиб олган кунда тўловчига ёки домицилиантга (домициялашган векселни тўловчи шахс) векселни акцептлаш тўғрисидаги талабни қўяди. Агар тўловчи ўтказиладиган векселга акцепт тўғрисида белги қўйдирган бўлса, вексел протест солинмаган ҳолда унинг сақловчисига топширилади. Тўловчи (домицилиант) акцептлаштиришдан бош тортган тақдирда ёхуд у нотариал идорага келмаган тақдирда нотариус белгиланган формага вексел акцептланмаганлиги учун унга протест солиш тўғрисида далолатнома тузади ва реестрда тегишли ёзувни амалга оширади, шунингдек векселнинг ўзига у акцептланмаганлиги учун тақиқ солинганлиги ҳақида белги қўяди. Тўловчининг қаердалиги номаълум бўлган тақдирда векселга акцепт тўғрисидаги талаб қўйилмаган ҳолда протест солинади, яъни протест тўғрисидаги далолатномага ва реестрга тегишли белги қўйилади.

***Акцепт санаси кўрсатилмаган векселни протестлаш бўйича нотариуснинг ҳаракатлари.*** Нотариус томонидан протест санаси кўрсатилмаган векселларга протест тўловчи жойи бўйича солинади. Нотариус векселни протестга қабул қилиб олган кунда тўловчига ёки домицилиантга (домициялашган векселни тўловчи шахс) векселни акцептлаш санасини кўрсатиш тўғрисидаги талабни қўяди. Агар тўловчи ўтказиладиган векселга акцепт санаси тўғрисида белги

қўйдирган бўлса, вексел протест солинмаган ҳолда унинг сақловчисига топширилади. Тўловчи (домицилиант) акцепт санаси бўйича белги қўйдиришдан бош тортган тақдирда ёхуд у нотариал идорага келмаган тақдирда нотариус белгиланган формага вексел акцепт санаси кўрсатилмаганлиги учун унга протест солиш тўғрисида далолатнома тузади ва реестрда тегишли ёзувни амалга оширади, шунингдек векселнинг ўзига у акцептланмаганлиги учун тақиқ солинганлиги ҳақида белги қўяди. Тўловчи (домицилиант)нинг қаердалиги номаълум бўлган тақдирда векселга акцепт санасини қўйдириш тўғрисидаги талаб қўйилмаган ҳолда протест солинади, яъни протест тўғрисидаги далолатномага ва реестрга тегишли белги қўйилади.

Протестланган вексел векселни сақловчига ёки унга ваколатли шахсга берилади.

**PROMISSORY NOTE**

_____________20___

At any time after the above date the undersigned promises to pay to the order of ________________________, the sum of $_____.____ Dollars, for value received, with ______% interest after the date until ____________ 20__. The makers, endorsers, and guarantors hereof waive presentment, demand of payment, notice of nonpayment, protest, notice of protest, and all exemptions.

________________________ ________________________

**NAME OF LENDER** **NAME OF BORROWER**

Personally appeared before me___________________ and ________________ who signed the above instrument of his/her own free act and will on this ______ day of ______________, 20____.

COUNTY OF ____________

____________________________ ____________________

**NOTARY PUBLIC** **COMMISSION STAMP**

**NOTARY SEAL**

### 2.6.2. Денгиз протестларини амалга ошириш

Нотариус кема эгасининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун далил-исботларни таъминлаш мақсадида кема капитанининг кема сузиб бораётганда ёки у тўхтаб турган жойда содир бўлган ҳамда кема эгасининг олдига мулкий талаблар қўйиш учун асос бўлиши мумкин бўлган ҳодиса тўғрисидаги аризасини қабул қилади.

Денгиз протести ҳақидаги аризада юз берган ҳодиса тафсилотлари ва капитаннинг ўзига ишониб топширилган мулкнинг бут сақланишини таъминлаш юзасидан кўрган чора-тадбирлари баён этилган бўлиши керак.

Денгиз протести тўғрисидаги аризада баён этилган ҳолатларнинг тасдиғи сифатида кема капитани ариза билан бир вақтда ёки кема портга кирган кундан бошлаб, агар ҳодиса портда юз берган бўлса, у юз берганидан сўнг ***етти кундан кечиктирмай*** нотариусга кўздан кечириш учун кема дафтарини ва кема дафтаридан олиниб капитан томонидан тасдиқланган кўчирмани тақдим этиши шарт.

Денгиз протести ҳақидаги ариза кема портга кирган вақтдан бошлаб йигирма ***тўрт соат ичида берилади***. Агар денгиз протести ҳақида ариза бериш заруратини келтириб чиқарган ҳодиса портда юз берган бўлса, протест ҳодиса юз берган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида берилиши керак.

Протестни белгиланган муддатда беришнинг имкони бўлмаган тақдирда бунинг сабаблари денгиз протести ҳақидаги аризада кўрсатилиши керак.

Нотариус капитаннинг аризаси, кема дафтаридаги маълумотлар, шунингдек капитаннинг ўзи ҳамда кема қўмондонлиги таркибидан камида икки гувоҳни ва кема командаси таркибидан икки гувоҳни сўроқ қилиш асосида денгиз протести ҳақида далолатнома тузади ва уни ўз имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқлайди. Денгиз протести ҳақидаги далолатноманинг бир нусхаси капитанга ёки вакил қилинган шахсга берилади, капитаннинг аризаси ва кема журналидан кўчирма илова қилинган денгиз протести ҳақидаги далолатноманинг бошқа нусхаси эса нотариал идорада қолдирилади.

## 2.8. Бошқа нотариал ҳаракатлар

Нотариус Ўзбекистон Ресрпубликасининг нотариат тўғрисидаги қонун нормаларига асосан юқоридагилардан ташқари яна қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1) мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади;

2) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;

3) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;

4) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;

5) кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;

6) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;

7) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;

8) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;

9) пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;

10) нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради;

11) хорижий давлатларнинг органларида иш юритиш учун зарур далиллар билан таъминлаш давлат нотариал идоралари томонидан амалга оширилади.

### 2.8.1. Мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 64-моддасига асосан мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш қонунларда белгиланган шартларда ва тартибда амалга оширилади.

**Нотариус:**

гаров (гаров шартномасининг барча тури бўйича) шартномаларини тасдиқлашда, шартнома предмети бўлган мол-мулкни;

тарафлар ўртасида тўлов мажбуриятини кечиктириш шарти билан кўчмас мол-мулкни, корхонанани ва автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни тасдиқлашда, тўлов тўлиқ амалга оширилгунга қадар битимларда кўрсатилган мулкни;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 248-, 249-моддаларига асосан суд (судья)нинг жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулк ёхуд пул суммасини хатлаш тўғрисидаги ажримага асосан унда кўрсатилган мол-мулкни;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 290-моддасига асосан ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суднинг гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкини хатлаши тўғрисидаги қарорига асосан унда кўрсатилган мол-мулкни;

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 76-, 77-моддаларига асосан суд (судья)нинг жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулк ёхуд пул суммасини хатлаш тўғрисидаги ажримага асосан унда кўрсатилган мол-мулкни;

Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига асосан суд ижрочиси ундирувчининг қарздорнинг мол-мулкини рўйхатга олиб, уларни хатлаш тўғрисидаги қарорига асосан унда кўрсатилган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўяди.

Тақиқ ва хатлов базасини юритувчи давлат нотариал идорасига қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки хатлаш ҳамда уларни олиб ташлаш ҳуқуқига эга органлар ва мансабдор шахслар томонидан мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки хатлаш ёхуд уни бекор қилиш ҳақида хабарлар белгиланган тартибда юборилса, ушбу хабарларнинг давлат нотариал идорасига келиб тушган аниқ вақти (соат, дақиқа) ҳақида ҳужжатларнинг кирим дафтарида қайд этади ва алифбо китобига ҳамда "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади.

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддасига асосан манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашиш учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра нотариал ҳаракатни амалга ошириш ўн кун муддатга кечиктирилганда, ушбу муддат ичида мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ҳақида нотариус томонидан “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумот киритилади. Агар бу муддат ичида ариза тушганлиги ҳақида суддан маълумот олинмаса, нотариус томонидан тақиқ олиб ташланганлиги ҳақида “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумот киритилади ва нотариал ҳаракат амалга оширилади.

Бошқа шахсга ўтказиш тақиқланган ёки хатланган мол-мулк ҳақидаги маълумотлар зудлик билан “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилиши лозим.

Мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги ҳақидаги маълумот “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали текширилади. Бунда, мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги ҳақидаги маълумотнома чоп этилади ва тегишли ҳужжатлар йиғмажилди билан бирга тикилади.

Жисмоний ва юридик шахснинг талабига кўра унга тегишли мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

### 2.8.2. Ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди

Ўзбекистон Республикасида нотариуслар жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини ушбу ҳужжатлар қонунга зид бўлмаган, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамда уларнинг нусхалари ва улардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш қонун билан тақиқланмаган ҳоллардагина шаҳодатлайди.



Фуқаронинг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларининг нусхаси **шаҳодатлантирилмайди,** халқаро шартномаларда шаҳодатлантирилиши талаб қилинган ҳоллар бундан мустасно.



Матни ноаниқ бўлган, ўчирилган, қўшимча сўзлар ёзилган, ҳужжатга доир маълумотлар тўлиқ ёзилмаган ҳамда назарда тутилмаган бошқа ўзгартиришлар қилинган, лекин тегишли тартибда изоҳ берилмаган ҳужжатларнинг нусхалари **шаҳодатланмайди.**

Нотариуслар томонидан ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилиги шаҳодатлантирилганда, кўчирма олинаётган ҳужжатда ўзаро боғлиқ бўлмаган бир нечта алоҳида масалаларга оид қарорлар бўлган тақдирдагина кўчирманинг тўғрилиги шаҳодатланиши мумкин. Кўчирма ҳужжатнинг муайян масалага доир қисмининг тўла матнини акс эттириши керак.

Шунингдек, ҳужжат нусхасидан кўчирилган нусханинг тўғрилигини нотариуслар, башарти аввалги нусханинг тўғрилиги нотариал тартибда шаҳодатланган бўлса ёки ҳужжатнинг нусхаси унинг асл нусхаси тайёрланган ташкилот томонидан берилган бўлса, шаҳодатлайди. Ҳужжатнинг нусхаси унинг асл нусхаси тайёрланган ташкилот томонидан берилган бўлса, ҳужжатнинг нусхаси мазкур юридик шахснинг бланкасида баён этилган, муҳр босиб тасдиқланган ва унда шу ҳужжатнинг асли мазкур ташкилотда эканлиги ёзиб қўйилган бўлиши керак.

### 2.8.3. Ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди

Ўзбекистон Республикасида нотариус тегишли тилларни билса, ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди. Агар нотариус тегишли тилларни билмаса, таржима таржимон томонидан қилиниши мумкин, нотариус унинг имзоси ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.



STATE OF FLORIDA
COUNTY OF ______

Before me this day personally appeared (name of translator), who, being duly sworn, deposes and says:

I am fluent in both (language) and (language).

I certify that I have accurately translated the attached document, (name or description of document), from (language) into (language).

*Signature of Translator*
(Address) ________

Sworn to and subscribed before me this ______ day of ____________, 19___, by (name of translator).

Personally known ________
or Produced identification ________
Type of identification ________

(SEAL)

*Notary Public*
(TYPE, PRINT, OR STAMP NAME OF NOTARY PUBLIC)

Таржима нотариусга маълум бўлган ва тегишли тилни билган таржимон томонидан қилиниши керак. Таржимоннинг тегишли тилни билиши унинг дипломи ёки махсус маълумотга эга эканлиги ҳақидаги сертификат ёхуд тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Нотариал ҳаракатни (битимни тасдиқлаш, нусхаларнинг ва шу кабиларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш) амалга ошириш пайтида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахсларнинг (улардан бирининг) илтимосига кўра айни вақтда бошқа тилга таржимаси ҳам қилинадиган бўлса, таржима асл нусха билан бир варақда, яъни иккала матн тик чизиқ билан бўлинган варақда ёнма-ён жойлашиши, асл матн чап томонда, таржима матни эса ўнг томонда бўлиши керак. Бунда ҳужжатнинг бутун матни ва муҳр ҳам таржима қилинади.

Агар таржима таржимон томонидан қилинса, унинг имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми ҳужжатнинг таржима матни тагига қўйилади. Ҳужжатни имзоловчи шахслар ҳужжатнинг асл матни ва таржима қилинган матни тагига ўзларининг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган ҳолда имзо қўядилар. Бунда ҳужжатнинг таржима матнидаги уларнинг имзолари таржимон имзосидан кейин қўйилади. Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви ҳужжатнинг асл матни ва таржима матни тагига қайд этилади.

Нотариал ҳаракат бажарилаётганда айни вақтда ҳужжатнинг таржимаси ҳам қилинадиган бўлса, у ҳолда нотариуснинг тасдиқловчи ёзувида иккита нотариал ҳаракат амалга оширилаётганлиги кўрсатилади. Бунда, давлат божи иккита нотариал ҳаракат учун ундирилади.

### 2.8.4. Ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди

Нотариус мазмуни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди. Нотариус имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлар экан, ҳужжатда баён этилган фактларни эмас, балки фақат имзонинг муайян шахс томонидан қўйилганлигини тасдиқлайди.



Тегишли давлат ташкилотларидагина қайд этиладиган ҳолатлар тасдиқланган (масалан, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, ўлим ҳақидаги гувоҳнома) ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлиги нотариус томонидан шаҳодатлантирилиши мумкин эмас.

Бундай ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлиги, агар бу ҳужжат чет эл давлати судига ёки бошқа идораларига тақдим этиш учун мўлжалланган ҳолдагина шаҳодатлантирилиши мумкин.

Жисмоний нуқсони, касаллиги, саводсизлиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра ўз қўли билан имзо қўя олмайдиган шахс учун имзо қўйган шахснинг имзосини шаҳодатлаш пайтида нотариус имзо қўйган шахснинг ва имзо қўйишни илтимос қилган шахснинг ҳам шахсини аниқлайди, уларнинг муомала лаёқатини текширади.

### 2.8.5. Кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 379-моддаси бирини қисмига асосан шартномалар кимошди савдоларини ўтказиш йўли билан ҳам тузилиши мумкин. Жумладан, кўчмас мулклар ҳам очиқ савдода сотилиши қонун билан тақиқланмаган бўлиб, уларнинг олди-сотдиси бўйича ҳам очиқ савдолар ташкил этилади. Очиқ савдода исталган шахслар иштирок этиши мумкин бўлиб, унда ғолиб чиққан шахс билан шартнома тузилади. Очиқ савдо натижалари бўйича баённома тузилади. Ғолиб мазкур баённомани нотариусга тақдим этиб, кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома олиши мумкин.

### 2.8.6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади

Нотариус жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини олиб бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади. Шунингдек, нотариус нотариал ҳаракатлар билан боғлиқ (ишончномани бекор қилиш ҳақидаги ариза, қарз шартномаси бўйича қарздорга аризани топшириш, уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга аризани топшириш ва ҳоказо) бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини олиб бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ҳам топшириши мумкин.

Аризалар топширилганлигини маълум қилиш шарти билан почта орқали юборилади ёки бевосита тегишли шахсларга олганлиги ҳақида имзоси қўйилиб топширилади. Аризалар телефакс, компьютер

тармоқлари ва бошқа техник воситалардан фойдаланиб ҳам узатилиши мумкин. Аризаларни узатиш учун техник воситалардан фойдаланишга кетган харажатларни нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраган шахс тўлайди.

Аризалар нотариал идорага камида икки нусхада тақдим этилади. Улардан бири топширилганлигини маълум қилиш шарти билан почта орқали юборилади ёки бевосита тегишли шахсларга имзо қўйилиб топширилади. Иккинчи нусхаси нотариал идорада қолдирилади. Ариза почта орқали юборилган тақдирда у олувчига нотариуснинг кузатув хати билан юборилади. Кузатув хатининг давлат нотариал идорасида қоладиган нусхасига шу аризанинг берилганлиги қайд этилган реестрнинг рақами кўрсатилади ва давлат божи тўланганлиги ёзиб қўйилади.

Ариза берган шахснинг илтимосига кўра унга аризанинг топширилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади. Гувоҳномада аризанинг мазмуни кўрсатилиши лозим. Аризалар ва гувоҳномалар берилганлиги ҳақида реестрга ёзиб қўйилади.

### 2.8.7. Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади

Нотариус пул суммалри ва (ёки) қимматли қоғозларни депозитига қабул қилиб олади. Қарздор ўзи тўлаши лозим бўлган пул суммалари ва қимматли қоғозларни нотариуснинг депозитига қўйишга ҳақли. Қонунга асосан пул суммалари ва қимматли қоғозларни нотариуснинг депозитига қўйиш мажбуриятни бажариш ҳисобланади. Қарздор томонидан қуйидаги ҳолатларда пул суммалари ва қимматли қоғозлар нотариус депозитига қўйилади:

- ✓ ***мажбурият бажарилиши лозим бўлган жойда кредитор ёки ижрони қабул қилиб олиш учун у вакил қилган шахс бўлмаса;***
- ✓ ***кредитор муомалага лаёқатсиз бўлса ва унинг вакили бўлмаса ёки вакил рози бўлмаса;***
- ✓ ***мажбурият бўйича ким кредитор эканлиги хусусида аниқлик йўқлиги кўриниб турган бўлса, хусусан, бу ҳақида кредитор билан бошқа шахслар ўртасида низо чиққанлиги муносабати билан;***
- ✓ ***кредиторнинг ижрони қабул қилишдан бўйин товлаши ёки у томонидан бошқача йўл билан кечиктирилиши муносабати билан.***

Пул суммалари ва қимматли қоғозларни нотариус депозитига қўйиш ***мажбурият бажариладиган жойдаги нотариус*** томонидан амалга оширилади. Қарздор нотариусга пул суммалари ва (ёки) қимматли қоғозларни депозитга топширганда, нотариус у(лар)ни тегишли ҳудудий адлия бошқармаси томонидан тегишли банкларда очилган депозитга қабул қилади.

***Мазкур нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:***

- ✓ пул суммалари ва қимматли қоғозларни қабул қилиш ҳақида ***икки нусхада*** ёзма ариза;

  ***аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:***

  - ✓ пул суммалари ва қимматли қоғозларни қабул қилиш ҳақида қарздорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (юридик шахснинг номи, жойлашган ери (почта манзили), СТИРи);
  - ✓ кредиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми (юридик шахснинг номи, жойлашган ери (почта манзили), СТИРи);
  - ✓ мажбурият қандай сабабларга кўра бевосита бажарилмаганлиги.
- ✓ паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;
- ✓ пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиш учун асослар (коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан тузилган шартномалар, қарз шартномаси, суд ҳужжатлари ва бошқалар);
- ✓ пул суммалари ва қимматли қоғозлар топшириладиган кредиторларнинг рўйхати;
- ✓ барча кредиторларга пул суммалари ва қимматли қоғозларни қабул қилиш ҳақида юборилган хабарномалар ва (ёки) кредиторлар томонидан қабул қилинмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- ✓ кредитор жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат.

Ҳужжатларни қабул қилганидан сўнг нотариус аризанинг орқа томонига нотариус пул суммаларининг қабул қилинганлиги ҳақида тасдиқловчи ёзувни ёзади. Депозитга қимматли қоғозлар қабул қилинганда аризанинг орқа томонига қимматли қоғозларнинг тури, сони, уларнинг рақами, серияси ва номинал қиймати ёзилиши лозим.

Шундан сўнг нотариус пул суммалари ва қимматли қоғозлар олинганлиги тўғрисида кредиторни хабардор қилади. Пул суммалари ва қимматли қоғозларни қабул қилиш ҳақида нотариуснинг хабарномасини олган кредитор ушбу нотариусга ёзма ариза билан мурожаат этади. Аризадаги имзонинг ҳақиқийлиги нотариал тартибда шаҳодатлантирилади. Вакил орқали мурожаат қилинганда эса вакилнинг ваколати текширилади. Шундан сўнг, нотариус кредитор ёки унинг вакилининг ёзма аризасига асосланиб, ҳудудий адлия бошқармасига кредиторларнинг рўйхатини илова қилган ҳолда пул суммалари ва қимматли қоғозларни топшириш ҳақида хат юборади. Ҳудудий адлия бошқармаси нотариуснинг хати асосида пул суммалари ва қимматли қоғозларни топшириш учун депозит ҳисоб рақами очилган тегишли банкка тўлов топшириқномасини юборади. Тўлов топшириқномасига асосан кредитор ёки унинг вакилига тегишли банк томонидан пул суммалари ва қимматли қоғозлар берилади.

Нотариус қарздорга топширилган пул суммалари ва қимматли қоғозлар кредиторга ёки унинг вакилига топширганлиги тўғрисида маълумотнома беради.

Агар, пул суммалари ва қимматли қоғозларни тўлов кимнинг фойдасига амалга оширилган бўлса ўша шахс олмаса, унинг ёзма розилиги билан ёки суд қарорига уларни депозитга топширган шахсга (қарздорга) қайтарилиши мумкин.

Депозитдаги кредиторларга берилиши лозим бўлган пул суммалари ва қимматли қоғозлар ***уч йил*** мобайнида сақланади. Ушбу муддатлар ўтгандан кейин талаб қилиб олинмаган пул суммалари ва қимматли қоғозлар Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ўтказилади.

### 2.8.8. Ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади

Ҳужжатлар нотариусга сақлаш учун топширилиши мумкин. Сақлашга топширилаётган ҳужжатлар нотариусга тақдим этилади. Агар улар бир нечта бўлса рўйхат тузилади ва нотариус ҳужжатларни сақлаш учун рўйхат бўйича қабул қилиб олади. Рўйхат икки нусхада тузилиб, ҳужжатларни сақлаш учун топширган шахс ва нотариус томонидан имзоланади. Рўйхатнинг бир нусхаси нотариусда қолади, бошқа нусхаси ҳужжатларни сақлаш учун топширган шахсга берилади.

Агар ҳужжатлар лозим тарзда ўраб жойлаштирилган бўлса, шахснинг илтимосига кўра нотариус уларни рўйхатсиз ҳам қабул қилиб олиши мумкин. Ҳужжатлар ўрамига нотариуснинг муҳри қўйилади ҳамда у нотариус ва ҳужжатларни топширган шахс томонидан имзоланади. Бундай ҳолларда нотариус ҳужжатлар ўрамининг бут сақланиши учун жавоб беради. Қабул қилиб олинган ҳужжатлар нотариал идоранинг муҳри билан муҳрланган темир жавон ёки сейфларда алоҳида пакетларда сақланади.

Ҳужжатларни сақлаш учун топширган шахсга **гувоҳнома** берилади.

Сақлаш учун қабул қилинган ҳужжатлар уни сақлаш учун топширган шахсга ёки унинг қонуний вакилига гувоҳнома ва (ёки) рўйхатни тақдим этганидан кейин ёки суднинг қарорига кўра қайтарилади.

### 2.8.9. Пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди

Нотариус тўловга тақдим этилган чекни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда қабул қилиб олади. Ушбу нотариал ҳаракат тўловчининг турар жойидаги нотариус томонидан амалга оширилади.

Чек тўланмаган тақдирда нотариус чекнинг тўланмаганлигини унга ёзиб қўйиш йўли билан тасдиқлайди ва буни реестрда қайд этади. Чекка ёзиш билан бирга чек берувчига унинг чекини банк тўламаганлиги ва бу хусусида чекка ёзиб қўйилганлиги ҳақида билдириш хати юборилади.

Чек тўланмаган тақдирда нотариус чек сақловчининг илтимосига кўра **ижро хатини** ёзади.

### 2.8.10. Нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ёки улар қонуний вакилларининг ёзма аризасига кўра нотариус томонидан тасдиқланган ёки берилган, нусхалари нотариал идоранинг йиғмажилдларида сақланаётган ҳужжатлар йўқолган тақдирда йўқолган ҳужжатларнинг дубликатлари берилади. Шунингдек, нотариус томонидан тасдиқланган ёки берилган ҳужжатларнинг

дубликатлари жисмоний ва юридик шахсларнинг меросхўрларидан (ҳуқуқий ворисларидан) бирига ҳам берилиши мумкин[1]. Нотариус мансабдор шахслар томонидан давлат нотариал идораларига юборилган васиятномалардан ҳам улар йўқолган тақдирда дубликатлар беради[2].

Дубликат сўраб тақдим этилган аризалардаги имзолар нотариал тартибда шаҳодатлантирилади. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларига берилган ишончномалар матнида ҳужжатнинг дубликатини олиш ваколати кўрсатилган бўлиши лозим.

Ҳужжат дубликатида тасдиқланган ва берилган асл ҳужжатнинг тўлиқ матни бўлиши шарт. Ҳужжат дубликатига белгиланган шаклдаги тасдиқловчи ёзув қайд этилади.

### 2.8.11. Хорижий давлатларнинг органларида иш юритиш учун зарур далиллар билан таъминлаш давлат нотариал идоралари томонидан амалга оширилади

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 61-моддасига асосан, хорижий давлатларнинг органларида иш юритиш учун зарур далиллар билан таъминлаш давлат нотариал идоралари томонидан амалга оширилади. Далилни таъминлаш деганда, иш учун аҳамитяга эга бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолиши ёки қийинлашишининг олдини олиш мақсадида далилларни тўплаш ва текшириш қоидалари бўйича суд томонидан (*муаллиф*: нотариус томонидан ҳам) амалга ошириладиган тарафларнинг, учинчи шахсларнинг тушунтиришларини эшитиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш, ёзма ва ашёвий далилларни талаб қилиб олиш ёки кўздан кечириш, жойга бориб кўздан кечиришга қаратилган процессуал ҳаракатларга айтилади[3].

---

[1] Васиятноманинг дубликати васият қилувчига, у вафот этганидан кейин эса васиятномада кўрсатилган ёки қонун бўйича меросхўрларга ёхуд уларнинг вакилларига васият қилувчининг ўлим ҳақидаги гувоҳномаси тақдим этилганидан кейин берилади. Шунингдек, васиятномада кўрсатилган меросхўрлар вафот этган тақдирда васиятноманинг дубликати васият қилувчининг ва ўзларидан олдинги меросхўрнинг (меросхўрларнинг) ўлим ҳақидаги гувоҳномасини (нотариал тартибда тасдиқланган гувоҳнома нусхасини) ёхуд ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирмани, зарур ҳолларда меросхўрларнинг меросни қолдирувчи билан қариндошлик муносабатларини (агар бу ҳужжатлар илгари тақдим этилмаган бўлса) тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган меросхўрларга берилади.

[2] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1126-моддасига асосан нотариал тасдиқланган васиятномаларни тасдиқлаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар томнидан давлат нотариал идорасига юборилган васиятномалар тўғрисида.

[3] М.Мамасиддиқов. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент, ТДЮУ, 2010. – Б. 335.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 61-моддаси иккинчи қисмига асосан, хорижий давлатларнинг органларида иш юритиш учун зарур бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган далилларни таъминлайдилар. Яъни жойни бориб кўздан кечириш, ашёвий далилларни олиб қўйиш ва бошқалар.

# III БОБ. НОТАРИАЛ ҲАРАКЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЧЕТ ЭЛ НОРМАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

## 3.1 Нотариуслар томонидан чет эл нормалари ва халқаро ҳуқуқнинг қўлланилиши





Нотариус Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ ***чет эл ҳуқуқи***[1] ***ва халқаро ҳуқуқ***[2] нормаларини қўллайди.

Нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишда, мазкур ҳаракатга оид Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари ва чет эл ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тузилган ҳужжатларни қабул қилади. Агар, нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга оширишда чет мамлакатлар давлат органи ва мансабдор шахси томонидан берилган ҳужжатга асосланадиган бўлса, унга апостиль қўйилганлигини ёки унинг легализация қилинганлигини текшириши лозим[3]. Айрим ҳолларда нотариус чет эл давлати органи ва мансабдор шахси томонидан берилган ҳужжатларни тўғридан-тўғри, яъни ҳеч қандай легализациясиз қабул қилади.



**Нотариус қайси ҳолларда ҳужжатни тўғридан-тўғри, қайси ҳолларда апостиль қўйилган ҳужжатни, қайси ҳолларда легализация қилинган ҳужжатни талаб қилади деган ўринли савол пайдо бўлади.**

**Тўғридан-тўғри:**

– ҳужжатнинг кўриниши тури характери жиҳатидан уни легаллаштириш мумкин бўлмаса (мисол учун фуқаролик паспорти ва бошқалар);

– Жисмоний ва юридик шахсларга Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (1993 йил 22 январь, Минск шаҳри)га аъзо мамлакатларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан берилган бўлса;

---

[1] Чет эл ҳуқуқи – чет давлатларнинг қонунчилиги.

[2] Халқаро ҳуқуқ – халқаро келишувлар билан ўрнатилган нормалар.

[3] Жисмоний ва юридик шахсларга Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (1993 йил 22 январь, Минск шаҳри)нинг 13-моддасига асосан аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида муассаса ёки бунга махсус ваколатли шахс томонидан ўз ваколати доирасида белгиланган шаклда тайёрланган ёки тасдиқланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган ҳужжатлар бошқа аҳдлашувчи Томон ҳудудида бирон-бир махсус гувоҳномасиз қабул қилинади.

**Апостиль:** нотариус хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь)га аъзо мамлакатларнинг расмий ҳужжатларини апостиль белгиси қўйилган бўлса қабул қилади.


Apostille Certificate
Convention de La Haye du 5 octobre 1961
1. Country: **Malta**
This public document
2. has been signed by **Jean Kart Portelli**
3. acting in the capacity of **Desk Officer**
4. bears the seal / stamp of
**Registry of Companies**
Certified
5. at **Ministry of Foreign Affairs, Valletta**
6. the **24 APR 2003**
7. by **Conrad Aquilina**
**Legalisation Officer**
10. Signature

**Консуллик легализацияси:** нотариус юқоридаги гуруҳга кирмайдиган мамлакатларнинг расмий ҳужжатларини легализация қилинганидан сўнг қабул қилади.


020588
Мельник И.
A1736779
2010年11月16日
Пронумеровано, прошнуровано и скреплено печатью
лист(-а,ов)
Начальник отдела по вопросам легализации и апостиля Департамента по вопросам правовой помощи и взаимодействия с судебной системой Министерства юстиции Российской Федерации
Т.Ш.Кулматов

***Қуйидаги жадвал қайси мамлакатнинг расмий ҳужжати қандай шаклда Ўзбекистон Республикаси нотариуслари томонидан қабул қилинишини чегарасини белгилаб беради***

| ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ | АПОСТИЛЬ  | ЛЕГАЛИЗАЦИЯ  |
|---|---|---|
| Арманистон | Австралия | Алжир |
| Беларусь | Австрия | Ангола |
| Грузия | Албания | Афғонистон |
| Молдова | АҚШ | Бангладеш |
| Озарбойжон | Андорра | Бахрайн |
| Россия Федерацияси | Антигуа ва Бабруда | Бенин |
| Тожикистон | Аргентина | Бирлашган Араб Амирлиги |
| Туркманистон | Багама ороллари | Боливия |
| Украина | Барбадос | Бонэйр |
| Қирғизистон | Белиз | Бурунда |
| Қозоғистон | Бельгия | Бутан |
| | Болгария | Ватикан |
| | Босния ва Герцеговина | Вьетнам |
| | Ботсвана | Габон |
| | Буюк Британия | Гаити |
| | Бирлашган Қироллиги ва | Гаяна |
| | Шимолий Ирландия | Гамбия |
| | Бразилия | Гана |
| | Бруней-Даруссалам | Гватемала |
| | Вануату | Гвинея |
| | Венгрия | Гвинея-Бисау |
| | Венесуэла | Джибути |
| | Германия | Замбия |
| | Гондурас | Зимбабве |
| | Гренада | Индонезия |
| | Греция | Иордания |
| | Дания | Ироқ |
| | Доминика | Камбоджа |
| | Доминикан Республикаси | Камерун |
| | Жанубий Африка | Канада |
| | Республикаси | Кения |
| | Исроил | Кирибати |
| | Ирландия | Какос ороллари |
| | Исландия | Камор ороллари |
| | Испания | Конго Корея Халқ |
| | Италия | Демократик Республикаси |

| | | |
|---|---|---|
| | Кабо-Верде | Кот-дИвуар |
| | Кипр | Куба |
| | Колумбия | Кука ороллари |
| | Жанубий Корея | Кюрасао |
| | Коста-Рика | Лаос |
| | Латвия | Ливан |
| | Лесото | Ливия |
| | Либерия | Мавритания |
| | Литва | Мадагаскар |
| | Лихтенштейн | Малайзия |
| | Люксембург | Мали |
| | Маврикий | Малдив |
| | Македония | Марказий Африка |
| | Малави | Республикаси |
| | Мальта | Микронезия |
| | Марокко | Миср |
| | Маршал ОРОЛЛАРИ | Мозамбик |
| | Мексика | Малдовия |
| | Монако | Мянма |
| | Монголия | Науру |
| | Намибия | Нигерия |
| | Нидерландия | Никарагуа |
| | Ниуэ | Покистон |
| | Норвегия | Палау |
| | Кука ороллари | Пуэрто-Рико |
| | Панама | Руанда |
| | Парагвай | Саудия Арабистони |
| | Перу | Саҳрои кабир Араб |
| | Польша | Демократик Республикаси |
| | Португалия | Сингапур |
| | Руминия | Сурия |
| | Сальвадор | Саламон ороллари |
| | Самоа | Сомали |
| | Сан-Марино | Судан |
| | Сан-Томе ва Принсипи | Сьера-Леоне |
| | Свазиленд | Тожикистон |
| | Сейшель Ороллари | Таиланд |
| | Сент-Винсент ва Гренада | Танзания |
| | Сент-Китс ва Невис | Того |
| | Сент-Люсия | Тували |
| | Сербия | Тунис |
| | Словакия | Уганда |
| | Словения | Фаластин |
| | Суринам | Филиппин |
| | Таджикистан | Хитой (фақат Гонконг ва |

| | | |
|---|---|---|
| | Тонга<br>Тринидад ва Тобаго<br>Туркия<br>Украина<br>Уругвай<br>Фиджи<br>Финляндия<br>Франция<br>Хитой (фақат Гонконг ва Макао)<br>Хорватия<br>Черногория<br>Чехия<br>Чили<br>Швейцария<br>Швеция<br>Эквадор<br>Эстония<br>Уммон<br>Янги Зеландия<br>Япония<br>Ҳиндистон | Макаодан ташқари)<br>Чад<br>Шимолий Темор<br>Шри-Ланка<br>Экватор Гвинияси<br>Эритрея<br>Эрон<br>Эфиопия<br>Ямайка<br>Яман<br>Янги Гвиния<br>Қатар<br>Қувайт |

Нотариус Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан берилган ҳужжатларни хорижда амал қилиши учун легализация қилиш жараёни (консуллик легализиция)да иштирок этади.

Консуллик легализацияси – бу чет элда амал қиладиган ҳужжатни ҳужжат берилган мамлакат қонунларига мувофиқ қабул қилинган ва тузилганлигини тасдиқлашдан иборат. Ҳужжатни легализациялаш ўз ичига мазкур ҳужжатдаги имзо ва муҳрнинг ҳақиқийлигини, ҳужжатни берган ёки тасдиқлаган давлат органи ва мансабдор шахснинг унга ваколати борлигини текшириш билан боғлиқ бир неча жараёндан иборат. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан берилган ҳужжатлар легализация қилиниши учун:

1) ҳужжат нотариус томонидан тасдиқланиши (жумладан, ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлиги ёхуд таржима таржимон томонидан қилинганда унинг имзоси ҳақиқийлиги шаҳодатланиши);

2) нотариус имзосининг ҳақиқийлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланиши;

3) Адлия вазирлигининг печати ва ваколатли мансабдор шахснинг имзоси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаси томонидан тасдиқланиши;

4) ҳужжатни қабул қиладиган мамлакат ҳудудидаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан тасдиқланиши лозим.



*Республика Узбекистан. Город Ташкент*

***Пятнадцатое августа. Две тысячи двенадцатый год.***

Я, **Зуфарова Камила Рустамовна** Нотариус Государственной нотариальной ко... Мирзо Улугбекского района города Ташкента, свидетельствую верность этой фот... подлинником документа, в последнем приписок, подчисток, зачеркнутых слов и ин... оговоренных исправлений или каких-либо особенностей не оказалось.

*Оригинал документа легален и в настоящее время действителен. Докумен... удостоверен для последующей легализации*

*Зарегистрировано в реестре за №* Н-8225/12

*Взыскано государственной пошлины-*

НОТАРИУС К.Р.ЗУФАРОВА

№ 25290

«12» 08 2012 год город Ташкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИВ КОНСУЛЛИК БОШҚАРМАСИ ________ нинг

ИМЗОСИ ХАҚҚОНИЙЛИГИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ.

THE ABOVE SIGNATURE CONFIRMED BY THE CONSULAR DEPARTMENT MFA REPUBLIC OF UZBEKISTAN

№ 9093 24.08.2012

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИВ КОНСУЛЛИК БОШҚАРМАСИ ________ КОТИБИ

THE ________ SECRETARY, CONSULAR DEPARTMENT MFA REPUBLIC OF UZBEKISTAN

## Айрим нотариал ҳаркатларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқ нормалари ва (ҳамда) чет эл нормаларининг қўлланилиши

**Меросга оид ишлар.** Ворисликка доир муносабатлар, мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, мерос қолдирувчи охирги ***доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи*** бўйича белгиланади.



Кўчмас мулкка ворислик мазкур мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқи бўйича, Ўзбекистон Республикасининг реестрида қайд этилган мол-мулкка ворислик эса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган меросга оид ишларни кўришда нотариус нотариал ҳаркатни амалга ошириш тўғрисидаги қоидалар (нотариат жараёнига оид қонунчилик) билан меросни эгаллашга оид қоидалар (меросни эгаллаш бўйича моддий ҳуқуқ)ни фарқлаши лозим.

**Мисол:** айтайлик, чет эл элементи билан мураккаблашган мерос ишида нотариус чет эл ҳуқуқини (мисол учун Англия қонунини) қўллаётган бўлса ҳам, мазкур мерос ишини нотариал идорада юритилишига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунларини қўллайди. Яъни нотариал ҳаракатнинг тааллуқлилиги, нотариал ҳаркат учун харажатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича белгиланади[1]. Бироқ мерос гувоҳномаси берилаётган мерос иши бўйича ворислик асослари, меросхўрлар доираси, мерос мол-мулкининг таркиби, меросхўрларнинг улушлари, меросдан мажбурий улуш олувчилар ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидалар чет эл (мисол учун Англия) қонунчилиги асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ чет эл давлати қонунида кўзда тутилган шакл бўйича тузилган васиятнома васият қилувчи вафот этгандан кейин уни очиш ва эълон қилиш учун давлат нотариал идорасига тақдим этилган тақдирда нотариус васиятноманинг мазмунини эълон қилади, васиятноманинг ҳолати ва мазмуни тўғрисида баённома тузади. Баённомада васиятнома тузилган кун, тақдим этаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг муҳрланган ёки очиқ ҳолда тақдим этилганлиги, унда ўчирилган жойлар, тузатишлар ёки бошқа

[1] Бу ҳақида 3.2 да батафсил тўхталиб ўтамиз.

камчиликлар бўлганлиги ёки йўқлиги кўрсатиб ўтилади. Баённома нотариус ва васиятномани тақдим этган шахс томонидан имзоланади. Ана шу шахслар томонидан васиятноманинг ҳар бир варағига имзо қўйилади. Агар васиятнома нотариусда муҳрланган ҳолда сақланиб келган бўлса, юқорида кўрсатилган барча ҳаракатларни нотариуснинг бир ўзи бажаради.

**Битимларни тасдиқлаш:** битимнинг шакли у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунади. Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Лоақал иштирокчиларидан биттаси Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ташқи иқтисодий битим, қаерда тузилаётганидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилади.

Кўчмас мулк хусусидаги битимнинг шакли бу мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқига бўйсунади, Ўзбекистон Республикасида давлат реестрида қайд этилган кўчмас мулкка нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига бўйсунади.

Ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддати ишончнома берилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, ишончнома шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Нотариуслар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган ишончномаларни тасдиқлашда ишончноманинг амал қилиш муддатини кўрсатмаса ҳам бўлади. Мазкур ишончномаларнинг амал қилиш муддатига нисбатан алоҳида қоида белгиланган. Яъни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунича ўз кучини сақлайди.

## 3.2. Чет эл элементи билан мураккаблашган нотариал ҳаракатни амалга ошириш тартиби

Нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишда улар билан боғлиқ ***чет эл ҳуқуқи***[1] ***ва халқаро ҳуқуқ***[2] нормаларини қўллагани билан ҳам, лекин нотариал ҳаракатни амалга ошириш тартибига (нотариат жараёнига) оид қоидаларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини қўллайди.

[1] Чет эл ҳуқуқи – чет давлатларнинг қонунчилиги.
[2] Халқаро ҳуқуқ – халқаро шартномалар билан ўрнатилган нормалар.

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида нотариал ҳаракатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш пайтида халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси нотариусга ***Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган нотариал ҳаракатни амалга ошириш ваколатини берса,*** нотариус бу нотариал ҳаракатни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилаган тартибда амалга оширади.



Айрим ҳолларда агар нотариал ҳаракат иштирокчилари талаб қилса, нотариус Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига зид келмаса, ***уларга бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклда тасдиқловчи устхатлар ёзади.***

**Меросга оид ишларни юритиш қоидалари:** чет эл фуқароси вафотидан кейин унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қолган мол-мулкини қўриқлаш ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси вафот этганидан кейин чет эл фуқаросига тегишли бўлган мол-мулкни қўриқлаш, шунингдек бундай мол-мулк хусусида меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳномалар бериш билан боғлиқ ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Нотариус Ўзбекистон Республикаси билан халқаро шартномалар, шу жумладан мерос мулкини қўриқлаш тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган шартнома тузган чет эл давлатининг фуқароси вафот этганлиги тўғрисида хабар олганидан кейин (вафот этган шахснинг мол-мулки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган тақдирда) Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномасига амал қилган ҳолда ана шу мерос мол-мулкни қўриқлаш юзасидан зарур чораларни кўради. Нотариус мерос мол-мулкнинг миқдори ва қийматини белгилайди, меросхўрлар доирасини аниқлайди, васиятнома бор ёки йўқлигини текширади, вафот этган фуқаро давлатининг дипломатик ёки консуллик ваколатхонасига бу ҳақида зудлик билан хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси нотариуслари айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида чет эл адлия органлари томонидан белгиланган тартибда берилган топшириқларни бажарадилар.

Топширик қуйидаги ҳолларда бажарилмайди:

- ✓ топшириқни бажариш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки давлат хавфсизлигига таҳдид солса;
- ✓ топшириқни бажариш Ўзбекистон Республикаси нотариал идораларининг ваколат доирасига кирмаса.

Чет эл адлия органларининг айрим нотариал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси нотариуслари айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқлар билан чет эл адлия органларига мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси нотариал идораларининг чет эл адлия органлари билан ўзаро алоқалари тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

Нотариал идораларнинг чет эл консуллик ва дипломатик ваколатхоналари билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали амалга оширилади.

***1-ИЛОВА***

# КАЗУСЛАР

**1-казус**

Носиров А. ўзига тегишли бўлган Тошкент шаҳри Сирғали тумани Қанора кўчасидаги 23-уйни ўғли Носиров Б.га васият қилиб қолдирган. Ундан ташқари, Сирғали тумани Боғистон кўчаси 47-уйининг 21-хонадонни ҳам Носиров А.га тегишли. Носиров А. ва Носиров Б.лар вафот этган. Ҳозирда Носиров А.нинг Носиров С. исмли қизи ҳамда Носиров Б.нинг Азаматов Д. исмли ўғли ҳамда хотини Носирова Л.лар хаёт. Носиров А. ва Носиров Б.нинг бошқа биринчи даражали қариндошлари йўқ. Носирова Л. нотариусга мурожаат қилиб қайнотаси Носиров А.нинг меросига нисбатан меросхўр ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги ҳақида маълумот беришини сўради. Нотариус шунда Носиров А.нинг ҳамда Носиров Б.нинг вафот этган санасини аниқлаштирди.

**Савол:**

1) юқоридаги ҳолатда Носиров А. ҳамда Носиров Б. бир календарь кун ичида вафот этган бўлса, Носиров А.нинг мулкига нисбатан кимлар меросхўр ҳисобланади ва уларнинг улуши қай тарзда белгиланади;

2) юқоридаги ҳолатда Носиров А.дан кейин Носиров Б. вафот этган бўлса, Носиров А.нинг мулкига нисбатан кимлар меросхўр ҳисобланади ва уларнинг улуши қай тарзда белгиланади;

3) юқоридаги ҳолатда Носиров Б.дан кейин Носиров А. вафот этган бўлса, Носиров А.нинг мулкига нисбатан кимлар меросхўр ҳисобланади ва уларнинг улуши қай тарзда белгиланади.

**Топшириқ қуйидаги жадвални меросхўрларнинг улушини кўрсатган ҳолда тўлдиринг.**

| | **1-вазият** | | **2-вазият** | | **3-вазият** | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **23-уй** | **21-хонадон** | **23-уй** | **21-хонадон** | **23-уй** | **21-хонадон** |
| Носирова С. | | | | | | |
| Азаматов Д. | | | | | | |
| Носирова Л. | | | | | | |

**2-казус**

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Гулобод кўчаси 26-уй 45-хонадонда 3 йилдан буён вақтинча истиъқомат қилиб келаётган Собиров Акмал Ботирович 2016 йил 16 май куни мазкур хонадонда вафот этди. Собиров Акмал Ботирович 1952 йил Сирдарё вилояти Ховос туманида туғилган, доимий яшаш манзили Сирдарё вилояти Ховос тумани А.Икромов МФЙ ҳисобланади. Унинг хотини Собирова Мухайё Ахатовна, қизи Собирова Сурайё Акмаловна, ўғиллари Собиров Нодир Акмалович ҳамда Собиров Баҳтиёр Акмалович, шунингдек набираси – марҳум ўғли Собиров Баҳодир Акмалович (2016 йил 9 январда вафот этган)нинг ўғли Акмалов Бобур Баҳодирович ҳамда марҳумнинг келини, марҳум ўғли Собиров Баҳодир Акмаловичнинг хотини Собирова Наргиза Аллановалар меросга даъво қилишмоқда.

Мерос мулкини қуйидагилар ташкил қилади:

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Гулобод кўчаси 26-уйда жойлашган 45-хонадон, Сирдарё вилояти Ховос тумани А.Икромов МФЙда жойлаган, майдони 0.06 га бўлган 125-уй, Тошкент шаҳар Абу Сахий савдо мажмуасида жойлашган майдони 0.004 га бўлган 19-сонли дўкон биноси ҳамда 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 20 A 121 JJ бўлган, LACETTI русумли автомашина.

Мазкур мерос иши бўйича марҳумнинг қизи Собирова Мухайё Ахатовна меросдаги ўз улушидан онаси фойдасига воз кечган.

Юқоридаги мол-мулклардан Сирдарё вилояти Ховос тумани А.Икромов МФЙда жойлаган, майдони 0.06 га бўлган 125-уйдан ташқари қолган мулклар марҳум ва унинг хотини никоҳи даврида орттирилган мол-мулклар ҳисобланади.

Марҳум ҳеч қандай васиятнома ёзиб қолдирмаган.

***Мазкур аниқ вазият бўйича нотариус сифатида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома лойиҳасини тайёрланг (бунда иловадан фойдаланинг).***

*ИЛОВА*

# ҚОНУН БЎЙИЧА МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА

**Бухоро виляти Қоракўл тумани.**
**Икки минг ўн еттинчи йил, июнь ойининг тўққизинчи куни.**

Ушбу гувоҳнома Бухоро вилояти Қоракўл тумани Улуғбек кўчасида жойлашган Қоракўл туман 1-сонли давлат нотариал идораси биносида расмийлаштирилди. Нотариус Бахромов Алишер Яхё ўғли.

Мен, Бухоро вилояти Қоракўл туман 1-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси Бахромов Алишер Яхё ўғли, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан, Қоракўл туманида яшаб, Қоракўл тумани Мирза қалъа ҚФЙда 01.11.2013 йилда вафот этган марҳум Ҳамроев Пирназар Ёдгоровичнинг ворислари: 22.11.1977 йилда туғилган Hamroyev O'ktam Pirnazarovich, 16.05.1979 йилда туғилган Ҳамроев Рустам Пирназарович, 11.05.1983 йилда туғилган Ҳамроева Дилбар Пирназаровна, 08.11.1984 йилда туғилган Ҳамроев Жасур Пирназарович, 06.09.1992 йилда туғилган Ҳамроев Мансур Пирназар ўғлиларнинг меросдаги улушларидан марҳумнинг хотини фойдасига воз кечганлиги сабабли марҳум Ҳамроев Пирназар Ёдгоровичнинг мерос мулкига унинг Бухоро вилояти, Қоракўл тумани Қораун ҚФЙга прописка қилинган 16.12.1955 йилда туғилган хотини Нематова Ҳафиза Асадовна *(СТИР 579 946 579)* (*паспорт: Бухоро вилояти Қоракўл тумани ИИБ томонидан 21.08.2001 йилда берилган СР 0962994)*ни меросхўр эканлигини тасдиқлайман.

**Ушбу гувоҳнома берилаётган мерос мулки қуйидагилардан иборат:**

**1.** Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Мирза қалъа МФЙ, Мирза қалъа қишлоғида жойлашган уйнинг ½ (иккидан бир) қисми. Мазкур уйнинг умумий ер майдони 0,15 (ноль бутун юздан ўн беш)га,

умумий майдони 361,1 (уч юз олтмиш бир бутун ўндан бир) квадрат метр, турар-жой майдони 139,4 (бир юз ўттиз тўққиз бутун ўндан тўрт) квадрат метр ҳамда 5 (беш) та хонадан иборат.

Мерос мулкининг марҳум Ҳамроев Пирназар Ёдгоровичга тегишлилиги Қоракўл туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2014 йил 1 августь куни 1-сонли реестр китобида №257-рақам билан рўйхатга олинган Қоракўл тумани ҳокими М.Мўъмонов томонидан 10.07.2014 йилда қабул қилинган 755-сонли қарорига асосан аниқланди.

Мазкур мулк "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали текширилганда ва Қоракўл туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2017 йил 6 июнда берилган 427-сонли маълумотномасига асосан тақиқда турмайди.

Қоракўл туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2017 йил 6 июнда берилган 427-сонли маълумотномасига асосан мулкнинг мерос очиган вақтдаги инвентар қиймати 5 465 805 *(беш миллион тўрт юз олтмиш беш минг саккиз юз беш)* сўм бўлиб, мулкнинг мерос сифатида ўтадиган ½ (иккидан бир) қисмининг инвентар қиймати 2 732 902 *(икки миллион етти юз ўттиз икки минг тўққиз юз икки)* сўмни ташкил қилади.

**2.** 2008 йилда ишлаб чиқарилган, т/в тури енгил (седан), двигатель № 091399, кузов № XWB3D31BD8A158923, шасси № рақамсиз, кулранг рангли, давлат рақам белгиси 80 M 442 AA бўлган ГБА NEXIA DAEWOO СНГ русумли автомототранспорт воситасининг ½ (иккидан бир) қисмидан иборат. Юқоридаги ГБА NEXIA DAEWOO СНГ русумли автомототранспорт воситаси мархум Ҳамроев Пирназар Ёдгоровичга тегишлилиги Жондор ТРИБ томонидан 2009 йил 19 июнда берилган ААС № 2022241 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан аниқланди.

Ушбу автомототранспорт воситаси "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали текширилганда 09.06.2017 йил ҳолатида тақиқда эмаслиги аниқланди.

Юқорида кўрсатилган ГБА NEXIA DAEWOO СНГ русумли автомототранспорт воситаси Бухоро вилояти Шофиркон тумани "BIZNES TADQIQOT KONSALTING" baholash va konsalting tashkiloti МЧЖ томонидан 03.06.2017 йилда берилган №08/06-17-сонли бахолаш ҳисоботига асосан мерос очилган вақтдаги қиймати 23 910 364 *(йигирма уч миллион тўққиз юз ўн минг уч юз олтмиш тўрт)* сўм бўлиб, мулкнинг мерос сифатида ўтадиган ½ (иккидан бир) қисмининг қиймати 11 955 182 (ўн бир миллион тўққиз юз эллик беш минг бир юз саксон икки) сўмни ташкил қилади.

Фуқаро Неъматова Ҳафиза Асадовнадан 11 955 *(ўн бир минг тўққиз юз эллик беш)* сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Мазкур гувоҳнома Қоракўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида ҳамда тегишли ДЙҲХХ органларида ўн кун муддат ичида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулкнинг ½ (иккидан бир) қисмига марҳумнинг хотини Неъматова Ҳафиза Асадовнага эр-хотиннинг умумий мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилган.

Реестрга ___________ рақами билан қайд этилди.

25-сонли мерос иши.

**Қоракўл туман 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси** **А.Я.Бахромов**

**3-казус**

Навоий вилояти Кармана туманида фаолият юритаётган “Осиё” хусусий корхонаси Самарқанд вилояти Оққўрғон тумани ҳудудида жойлашган Оққўрғон бозори (бозорнинг ташкилий ҳуқуқий шакли – маъсулияти чекланган жамият)да янги қуриб битказилган дўконлардан бир донасини, Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг Кармана филиалидан олаётган 100.000.000 сўмлик кредит маблағлари эвазига сотиб олшни режалаштирган. Шунингдек, банк ҳам хусусий корхонага дўкон сотиб олиш учун аниқ мақсадли кредит ажратишга рози эканлигини билдирди. Кредит ажратилиши учун банк хусусий корхонадан мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш воситасини талаб қилди. Осиё хусусий корхонаси эса гаров таъминоти сифатида сотиб олмоқчи бўлган дўконни гаровга қўйиш нияти борлигини билдирди. Банк кредит шартномасини тузиш пайтида мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш воситаси бўлмаса шартномани туза олмаслигини ва кредит ажратмаслигини билдирди. Оққўрғон МЧЖ бўлса пул ҳисобварағига ўтказилмаса, дўконни олди-сотди қила олмаслигини билдирди. Шу пайт тарафлар ўзаро маслаҳатлашиб, барча тарафларнинг манфаати акс эттирилган шартнома лойиҳасини тузиб бериш ва тасдиқлаб беришни сўраб, давлат нотариал идорасига мурожаат қилишди. **Вазифа: юқоридаги ҳолат бўйича барча тарафнинг манфаатига мос шартнома лойиҳасини тузиб беринг.**

**4-казус**

Фуқаро Ахроров Б. ўзига тегишли Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани Баҳор кўчасида жойлашаган 3 хонали 45-уйини фуқаро Болиев Д.га ўғли муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келгунича ижарага берди. Ижарага берилаётган уй-жойнинг умумий майдони 400 кв метр, шундан 170 кв метр қурилиш майдони, 110 кв метр яшаш майдони ҳисобланади. Фуқаролар Ахроров Б. ва Болиев Д.лар томонидан тузилаётган битимни нотариал тасдиқлаш учун кетадиган харажатларни ҳисоблаб чиқинг.

**5-казус**

Фуқаро Анваров Бобур синглиси Анварова Раъногa тегишли автомашинани фуқаро Давронов Шухратга ижарага берди. Фуқаро Анваров Бобур синглиси Анварова Раъно номидан иш юритишга 2017 йил 5 октябрда берилган муддат кўрсатилмаган ишончномага асосан ваколатли ҳисобланади. Шартномани тарафлар ўзаро келишиб номуайян муддатга тузадиган бўлишди. Шартнома предмети 2012 йилда ишлаб чиқарилган LACETTI русумли бўлган автомашина. Ушбу шартномани нотариал **тасдиқлаш учун ундирилиши мумкин бўлган энг минимал ва энг максимал нотариал харажатларни ҳисоблаб чиқинг.**

**6-казус**

Мерос қолдирувчи Алимов Баҳодирнинг Навоий вилояти Кармана тумани Хўжайли ҚФЙда жойлашган уй-жойининг 1/3 қисмига нисбатан марҳумнинг хотини Алимова Барнога, 1/3 қисмига нисбатан марҳумнинг ўғли Алимов Суннатга, 1/6 қисмига нисбатан келини Алимова Нигинага ва 1/6 қисмига нисбатан эса вояга етмаган набираси Алимов Достонга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилди. Шунингдек, худди шу улушлар кўринишида марҳумга тегишли 2015 йилда ишлаб чиқарилган HOWO русумли транспорт воситасига нисбатан ҳам меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилган. Мерос қолдирувчи Алимов Баҳодир вафотига қадар юқоридаги манзилдиги хотини Алимова Барно ва келини Алимова Нигина ҳамда унинг вояга етмаган фарзандлари билан бирга яшаганлар. Уй-жойни баҳолаш далолатномасига кўра, мазкур уй-жой мерос очилган куни 200 000 000 сўмга, мерос гувоҳномаси берилаётган куни 250 000 000 сўмга баҳоланган. Автомототранспорт эса мерос очилган куни 150 000 000 сўмга, гувоҳнома расмийлаштирилган куни эса 80 000 000 сўмга баҳоланган.

Мазкур нотариал ҳаракат учун тўланадиган харажат миқдорини ҳисобланг.

**7-казус**

Фуқаро Ахмедов Одил ўзига тегишли LACETTI OPTRA русумли, ишлаб чиқарилган йили номаълум автотранспорт воситасини фуқаро Бозоров Рашидга сотиш мақсадида шартномани расмийлаштириш учун нотариал идорага мурожаат қилди. Ушбу автотранспорт воситасининг 2012 йилда Туркманистон Республикасига кириб келганлиги ҳамда 2014 йилда Ўзбекистон Республикасига кириб келганлиги тўғрисида юк хати мавжуд.

Мазкур нотариал ҳаракат учун тўланадиган харажат миқдорини ҳисобланг.

**8-казус**

Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор А. ўз фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш учун Акциядорлик тижорат Ҳамкорбанк Сурхондарё вилояти Сариосиё филиалидан 100 000 000 (юз миллион) сўм миқдорида кредит олиш учун ҳужжатларни тўплайди. Якка тартибдаги тадбиркор А. Сурхондарё вилояти Сариосиё туман 2-сонли давлат нотариал идорасига гаров шартномасини расмийлаштирмоқчи эканлигини маълум қилади. Ўзи олиши керак бўлган кредитни таъминлаш учун ўзига тегишли бўлган SINOTRIK HOWO русумли автомашинани гаровга қўймоқчи бўлади. Бироқ, давлат нотариал идорасида Акциядорлик тижорат Ҳамкорбанк Сурхондарё вилояти Сариосиё филиали ҳуқуқшуноси Анваров Алижон Маликович бу ишга энди киришганлигини, унгача бу иш билан банкнинг собиқ ҳуқуқшуноси Бурхонов Содиқ шуғулланганлигини маълум қилиб, мазкур келишувга норозилик билдирди. Бунга сабаб қилиб гаров нарсаси бўлмиш автомашинанинг техник ҳолати эскириши мумкинлигини айтиб, гаров шартномаси матнига “олинадиган кридик тўлиқ сўндирилмагунга қадар гаровга қўювчининг автомашинадан фойдаланмаслиги тўғрисида” банд киритилишини давлат нотариал идораси нотариусидан талаб қилади.

Ўз навбатида, давлат нотариал идораси нотариуси банк вакилининг ушбу талаби гаров шартномасининг предмети автомототранспорт воситалари бўлса, автомототранспорт воситаларини хатлаш, бошқа шахсга беришни тақиқлаш ва тақиқни олиб ташлаш, шунингдек автомототранспорт воситаларини хатлаш ва бошқа шахсга беришни тақиқлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳужжатлаштирилган банкини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом талабларига зид эканлигини маълум қилиб ҳаракатни амалга оширишни рад этади.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

**9-казус**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 3-сонли давлат нотариал идорасига 1950 йилда таваллуд топган фуқаро Акбаров Алижон Валижонович 2016 йил декабрь ойининг 2 кунида мурожаат қилиб, тўрт нафар фарзанди борлигини, ота-онаси бундан 3 йил муқаддам вафот этганлигини ва турмуш ўртоғи билан 2000 йилда расман ажрашганлигини маълум қилиб, ўзидан кейин болаларига барча меросни қолдириш мақсадида васиятнома тузмоқчилигини айтади.

Васият қилиб қолдирилаётган мол-мулк сифатида ўз доимий яшаб турган (прописка қилинган) Тошкент шаҳар Яшнобод тумани, Чароғбон кўчаси, Абдулла Авлоний кўчаси 132-уй жойни, 2015 йилда ишлаб чиқарилган, 01А250ЕН давлат рақам белгили, 78 от кучига эга Нексия русумли автотранспорт воситасини, Тошкент вилояти Чирчиқ тумани Янги ҳаёт маҳалласидаги дала ҳовлини фарзандларидан бирига қолдириш мақсадида васиятнома расмийлаштирмоқчилигини билдиради. Васиятномани мазмунини эса ўзидан бошқа хеч ким билмаслигини хоҳлайди ва махфий васиятнома тузиб келганлигини айтади.

Мирзо Улуғбек тумани 3-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Саидова Гулинора Якубджановна фуқаронининг махфий васиятнома тузишига қаршилиги йўқлигини, аммо васиятномада келтирилаётган мол-мулкларга унинг эгалик ҳуқуқини текшириб кўриш учун ҳужжатларини олади. Ҳужжатларни кўздан кечирганидан сўнг нотариус фуқаролининг NEXI русумли автомашинаси ҳамда Тошкент вилояти Чирчиқ туманида жойлашган уй жойи 2014 йилда гаровга қўйилганлигини аниқлади ва бу ҳолат фуқаро томонидан васиятномани расмийлаштиришига тўсқинлик қилиши, бунининг учун ушбу мол-мулкка нисбатан қўйилган таъқиқ олниши зарурлигини билдиради.

Ушбу вазиятлардан келиб чиқиб, нотариус бундай ҳаракатни амалга оширишни рад қилади.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

**10-казус**

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган Барноев Истам Вохидович исмли шахс Германия Федерациясида ишлаб чиқарилган Мерседес бенз AMG-221 русумли, 2015 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли, 212 от кучига эга, давлат рақам белгиси 30А123FA бўлган автомашинани гаровга қўйиш шарти билан ўз жияни, 1999 йилда туғилган Юлдашев Мавлонхўжа Суннатовичга нисбатан ишончнома расмийлаштириб бермоқчи бўлиб Самарқанд вилояти Самарқанд тумани 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат қилади.

Давлат нотариал идораси нотариуси фуқаро Барноев Истамга тегишли ҳуқуқий маслаҳатларни берганидан сўнг, мазкур нотариал ҳаракатларга керакли бўлган ҳужжатларни тақдим этишини сўрайди. Фуқаро Барноев ўзига тегишли ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этганидан сўнг, ўз жиянининг паспорти нусхасини бериб, унинг асл нусхасини тақдим эта олмаслигини, сабаби жияни Юлдашев Мавлонхўжа янги биометрик паспорт олиш учун ўз паспортини тегишли идораларга тақдим этганлигини маълум қилади.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишдан олдин гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни йўқотганлик ёки унга зиён етказганлик учун суғурта ҳақидан, бу мол-мулк кимнинг фойдасига суғурта қилинган бўлишидан қатъи назар, ўз талаби юқоридаги асосларда қаноатлантирилишига ҳақли эканлигини тушунтириб ўтади ҳамда фуқаро М. Юлдашевга нисбатан ишончнома расмийлаштириб беради ва фуқаро М. Юлдашев янги био-метрик паспорт олганидан сўнг давлат нотариал идорасига янги паспортидан нусҳа бериб кетиши лозимлини сўрайди.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

**11-казус**

Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жалолобод кўчаси 25-уй-жойда яшовчи, 1991 йилда туғилган фуқаро Б.Тошматов марҳум отаси А.Тошматовдан қолган мол-мулкка, яъни 1987 йилда ишлаб чиқарилган оқ рангли, ВАЗ 2107 русумли автотраспорт воситасига нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришини сўраб, Миришкор тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Дадабоев Фармонбек Чориевичга мурожаат қилади. Давлат нотариал идораси нотариуси фуқаро Б.Тошматовга марҳум отасидан қолган мол-мулкларга нисбатан мерос иши марҳумнинг вафотидан кейин олти ой ўтиб очилиши мумкинлигини маълум қилиб, ушбу муддат ўтганидан сўнг меросдан улуш олишга ҳуқуқи бўлган барча оила аъзолари билан бирга нотариал идорада ҳозир бўлиши лозимлигини билдиради ва берилган ҳуқуқий маслаҳат учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида тўлов ундирди ва квитанцияни реестр китобига киритиб қўйди.

Зарурий муддат ўтганидан сўнг фуқаро Б.Тошматов ўз оила аъзолари билан Миришкор тумани 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат қилгинида нотариус вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли таътилда эканлиги маълум бўлиб, унинг вазифаларини вақтинча

Миришкор тумани 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Махмудова Л.К. бажараётганлиги сабабли ушбу нотариусга мурожаат қилади. Нотариус Махмудова Л.К. ҳужжатларни кўздан кечириб чиққанида марҳумнинг иккинчи фарзанди М.Тошматов нотариал идорада ҳозир бўлмаганлигини, сабаби у Россия Федерациясида эканлигини, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ўзининг меросга бўлган ҳуқуқидан акаси Б. Тошматов фойдасига воз кечганлиги ҳақидаги розилик хатини Россия Федерацияси Вологда объласти 9-сон нотариал идорасидан нотариал тасдиқлатиб юборганлиги маълум бўлади.

Нотариус ушбу ҳужжатга асосан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириб беради.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

**12-казус**

1948 йилда туғилган фуқаро Каримова Бибираджаб Холовна Аъло МЧЖ раҳбари Мавлонов Эшмат Актамович билан Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Ракат маҳалласи Шоший кўчасида жойлашган 123-уйга нисбатан уй- жойни ҳадя қилиш шартномасини расмийлаштириш учун 2017 йил 9 сентябрь кунида Яккасарой тумани 5-сон давлат нотариал идораси нотариуси Жамалова Дильбар Нурмухаммадовнага мурожаат қилди. Давлат нотариал идораси нотариуси Жамалова Д.Н. ҳужжатларни кўздан кечириб чиқаркан, уй-жойнинг коммунал тўловлардан қарздорлигини мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг ушбу уйдаги уй телефонининг қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотноманинг муддати ўтиб кетганилигини маълум қилиб тарафлардан ушбу ҳолатни бартараф этиш ёхуд бу ҳақида янгидан маълумотномани керакли идоралардан олишни сўрайди ва бунга қадар нотариал ҳаракатни амалга ошириш имкони йўқлигини билдиради.

Фуқаро Б. Каримова мазкур ҳолатни бартараф этганидан сўнг тарафлар 2017 йил 20 сентябрь куни давлат нотариал идорасига қайта мурожаат қиладилар. Нотариус уйнинг барча ҳужжатлари тўлиқ бўлганлигини тешириб эндиликда уй-жойга нисбатан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мумкинлигини маълум қилади ва тарафларга мазкур нотариал ҳаракат учун тўланиши лозим бўлган ҳаражатларни ҳисоблаб чиқиб уларни ушбу тўловларни амалга ошириб келиши лозимлигини билдирганида фуқаро Б. Каримова нотариал ҳаракатлар учун тўловларни амалга ошириш қобилияти

мавжуд эмаслигини маълум қилади. Аъло МЧЖ раҳбари Э. Мавлонов эса ушбу нотариал ҳаракатда у ҳадя олувчи эканлигини, шу сабабли ўзи бу каби тўловларни тўлаши МЧЖ Уставига, қолаверса бошқа қонун ҳужжатларига тўғри эмаслигини билдириб тўловлардан озод қилишни сўрайди.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

***2-ИЛОВА***

## Нотариал ҳаракатлардан намуналар:

### Уй-жой олди-сотди шартномаси

*(ишончли вакил орқали)*

____________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

____________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

____________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Мажнунтол ҚФЙ, Янгиобод кўчаси, 7-уйда пропискада турувчи – Россия Федерацияси, Новосибирск шаҳри нотариал округи нотариуси Отдельных Марина Георгиевна томонидан 2014 йил 24 июнда 242 реестр рақами билан қайд қилинган ишончномага асосан, Россия Федерацияси, Новосибирск шаҳар, Тюменьская кўчаси, 38-уйда пропискада турувчи Тўраев Фозил Ҳакимович (СТИР 489837538) номидан ҳаракат қилувчи Тўраева Ирода Мираҳмедовна (паспорт АА 1675242 Тошлоқ туман ИИБ томонидан 01.06.2013 йилда берилган), бундан буён матнда СОТУВЧИнинг ишончли вакили деб юритилувчи, бир тарафдан ва Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Б. Бобоев кўчаси, 79-уйда пропискада турувчи – 1965 йилда туғилган Маҳмудова Дилобар Ўткировна (СТИР 449243926, паспорт АА 2128791, Яккасарой туман ИИБ томонидан 08.07.2013 йилда берилган), бундан буён матнда СОТИБ ОЛУВЧИ деб юритилувчи, иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Мен Тўраева Ирода Мираҳмедовна – СОТУВЧИнинг ишончли вакили, менга ишонч билдирувчи Тўраев Фозил Хакимович номидан ҳаракат қилиб, унга тегишли бўлган Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Истиқлол кўчасида жойлашган 21-сонли уй-жойни ҳовлидаги барча қурилмалари билан сотдим, мен СОТИБ ОЛУВЧИ ушбу уй-жойни ҳовлидаги барча қурилмалари билан сотиб олдим.
2. Сотилаётган уй-жой қуйидагилардан иборат:

умумий фойдаланиш майдони 421,71 (тўрт юз йигирма бир бутун юздан етмиш бир) кв.м.ни ташкил этиб – турар-жой майдони 283,95 (икки юз саксон уч бутун юздан тўқсон беш) кв.м. бўлган ўнта яшаш хонаси, тўртта даҳлиз, ошхона, қозонхона, ваннахона ва ҳожатхона;

инвентарь баҳоси 31.195.837 (ўттиз бир миллион бир юз тўқсон беш минг саккиз юз ўттиз етти) сўм бўлиб, ушбу ҳолатлар Тошлоқ туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2014 йил 24 июлда берилган 3389-сонли маълумотнома билан тасдиқланади.

3. Сотилаётган уй-жой СОТУВЧИга Тошлоқ туман давлат нотариал идорасида 2011 йил 22 сентябрда 1-2831 реестр рақами билан қайд қилинган олди-сотди шартномасига асосан тегишли бўлиб, шартнома Тошлоқ туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида 2011 йил 28 сентябрь куни 9А-сонли кадастр китобига 371-тартиб рақами билан 371-варағига ёзилиб, 11-04-07-01-01-0058-0001 кадастр рақами билан рўйхатга олинган.

4. Юқорида кўрсатилган уй-жой тарафлар томонидан 33.000.000 (ўттиз уч миллион) сўмга баҳоланиб, шу суммага сотилди ва ушбу пулни мен СОТУВЧИнинг ишончли вакили мазкур шартнома имзолангунга қадар СОТИБ ОЛУВЧИдан тўлиқ олдим.

5. Мазкур шартнома имзолангунга қадар тасарруф этилаётган уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, ижарага берилмаган, низода йўқ ва сотилиши тақиқланмаган.

6. Мазкур шартномани расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни СОТУВЧИнинг ишончли вакили тўлади.

7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113–128, 185, 479–482, 485,488-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 9, 11, 52-моддалари мазмуни биз тарафларга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли.

8. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Наврўз МФЙ томонидан 2014 йил 1 июлда берилган 690-сонли маълумотномага асосан, сотилаётган уй-жойда пропискада турувчи шахслар йўқ.

9. Мен СОТУВЧИнинг ишончли вакили ушбу шартномада кўрсатилган уй-жойнинг қарзлари юзасидан даъво қилувчилар йўқлигини ҳамда телефон алоқаси хизмати учун, коммунал хизматлар учун тўланадиган мажбурий тўловлар (иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, электр энергияси), солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзимиз йўқлигини тасдиқлайман.

10. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 185-моддасига асосан, ушбу шартнома белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб СОТИБ ОЛУВЧИда мулк ҳуқуқи вужудга келади.

11. Биз – тарафлар шартнома матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни ва моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113–128-моддалари мазмуни нотариус томонидан тушунтирилди ва бизга тушунарли, шартноманинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади. Мазкур шартномани тузиб, имзолаганимизда муомала лаёқатига эга бўлганимизни, ўз хатти-ҳаракатларимиз аҳамиятини тўлиқ тушунганлигимизни, ҳеч ким бизни алдамаганлигини, шартномани тузиб, имзолаш ҳақида зўрламаганлигини, тазйиқ ўтказмаганлигини, ушбу битимни тузишга мажбур қилишга олиб келган оғир ҳолатлар йўқлигини билдирамиз.

12. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб имзоланди, улардан бир нусхаси Тошлоқ туман давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга давлат рўйхатидан ўтказиш учун берилди.

ИМЗОЛАР:
1. ______________________________________________________
2. ______________________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

**Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш шартномаси**

______________________________________________________________
*(нотариал округ номи)*

______________________________________________________________
*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

______________________________________________________________
*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Наманган вилояти, Уйчи тумани, Самарқанд кўчаси, 101-уйда пропискада турувчи – 1926 йилда туғилган Алимов Олим Алиевич (СТИР 256845122, паспортАА 1589654, Уйчи туман ИИБ томонидан 13.02.2012 йилда берилган) бир тарафдан ва Наманган вилояти, Уйчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 1-уйда пропискада турувчи – 1980 йилда туғилган Рашидов Райим Саидович (СТИР 00254785, паспорт АА 2548525, Уйчи туман ИИБ томонидан 03.09.2010 йилда берилган) иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Мен – Алимов Олим Алиевич соғлиғим туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлганлигим сабабли, ўзимга тегишли бўлган Наманган вилояти, Уйчи тумани, Самарқанд кўчасидаги 600 (олти юз) кв.м. ер майдонида жойлашган 101-сонли уй-жойимни натура ҳолда умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олган Рашидов Райим Саидовичнинг эгалигига топширдим, мен – Рашидов Райим Саидович ушбу уй-жойни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи билан қабул қилдим.

2. Юқорида кўрсатилган бутун уй-жой қуйидагидан иборат:

умумий фойдаланиш майдони 90 (тўқсон) кв.м.ни ташкил этиб – турар-жой майдони 72 (етмиш икки) кв.м. бўлган учта яшаш хонаси, иккита даҳлиз, ошхона, ҳожатхона, омборхона;

инвентарь нархи 4.000.000 (тўрт миллион) сўм бўлиб, ушбу ҳолатлар Уйчи туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2014 йил 20 май куни берилган 345-сонли маълумотнома билан тасдиқланади.

3. Юқорида кўрсатилган бутун уй-жой Алимов Олим Алиевичга Уйчи туман давлат нотариал идораси томонидан 1992 йил 15 мартда 1221-реестр рақами билан қайд қилинган олди-сотди шартномасига асосан тегишли бўлиб, шартнома Уйчи туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида 1993 йил 25 ноябрь куни

27-сонли кадастр китобига 213-тартиб рақами билан 213-варағига ёзилиб, 11-04-02-01-01-0140-0009-001 кадастр рақами билан рўйхатга олинган.

4. Юқорида кўрсатилган бутун уй-жой тарафларнинг ўзаро келишувига кўра 18.000.000 (ўн саккиз миллион) сўмга баҳоланди.

5. Мен – Рашидов Райим Саидович Алиев Олим Алиевични умрбод: озиқ-овқат билан таъминлаш, овқатлантириш, кийим-кечак билан таъминлаш, парваришлаш ва зарур тиббий хизмат кўрсатиш, керакли бўлган барча дори-дармонлар билан таъминлаш, уй-жойни доимий равишда таъмирлаш ва капитал таъмирлаш ишларини олиб бориш, барча солиқлар ва коммунал тўловларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммамга оламан.

6. Алиев Олим Алиевич ҳаётини охирига қадар шу уй-жойда пропискада туриш ва шу уй-жойдан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

7. Моддий ёрдамнинг барча турини биз – тарафлар ҳар ойда 80.000 (саксон минг) сўм миқдорида белгиладик.

8. Уй-жойни олувчи, шартнома икки томонлама амал қилиб турган даврда, бу уйни сотишга, ҳадя қилишга, гаровга қўйишга ва Алиев Олим Алиевичнинг ҳаёти ва ҳуқуқларини оғирлаштирадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас. Бу уй-жой олувчининг қарзлари бўйича ундиришга қаратилмайди.

9. Юқорида кўрсатилган уй-жойнинг тасодифан нобуд бўлиши Рашидов Райим Саидовични шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларидан озод қилмайди.

10. Ушбу шартнома тарафларнинг келишувига биноан нотариал идорада, томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда ва бу борада ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда суд тартибида бекор қилинади.

11. Ушбу шартнома имзолангунга қадар умрбод таъминлаш шарти билан топширилаётган мазкур уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, ижарага берилмаган, низода йўқ ва тасарруф этилиши тақиқланмаган.

12. Наманган вилояти, Уйчи тумани, Самарқанд МФЙ томонидан 2014 йил 20 майда берилган 1111-сонли маълумотномага асосан умрбод таъминлаш шарти билан топширилаётган ушбу уй-жойда Алиев Олим Алиевичдан бошқа пропискада турувчи шахслар йўқ.

13. Биз – тарафлар шартнома матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни, моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 530–534-моддалари мазмуни бизга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли.

14. Ушбу шартномани расмийлаштириш учун сарфланган харажатларни Рашидов Райим Саидович тўлади.

15. Ушбу шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб, имзоланди, бир нусхаси Наманган вилоят Уйчи туман давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга давлат рўйхатидан ўтказиш учун берилди.

ИМЗОЛАР:
1. ___________________________________________________
2. ___________________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

## Доимий рента шартномаси

___________________________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

___________________________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

___________________________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Наврўз даҳаси, 16-уй, 17-хонадонда пропискада турувчи – 1985 йилда туғилган Нурматова Гулсум Турсуновна (СТИР 557715152, паспорт СВ 4781420, Хазорасп туман ИИБ томонидан 05.11.2013 йилда берилган) бундан буён матнда РЕНТА ОЛУВЧИ деб юритилувчи бир тарафдан ва Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Наврўз даҳаси, 2-уй, 31-хонадонда пропискада турувчи – 1965 йилда туғилган Сатимова Ҳамида Жўраевна (СТИР 002145321, паспорт СВ 1254896, Хазорасп туман ИИБ томонидан 23.01.2012 йилда берилган) бундан буён матнда РЕНТА ТЎЛОВЧИ деб юритилувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Мен – РЕНТА ОЛУВЧИ ўзимга тегишли бўлган Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, А. Исажанова кўчасида 664 (олти юз олтмиш тўрт) кв.м. ер майдонида жойлашган 35-сонли уй-жойимни РЕНТА ТЎЛОВЧИГА доимий рента тўлаш шарти билан мулк қилиб бердим, мен – РЕНТА ТЎЛОВЧИ юқорида кўрсатилган уй-жойни қабул қилиб олдим.

2. Доимий рентага берилган уй-жой қуйидагилардан иборат:

умумий фойдаланиш майдони 79,9 (етмиш тўққиз бутун ўндан тўққиз) кв.м.ни ташкил этиб – турар-жой майдони 46,7 (қирқ олти бутун ўндан етти) кв.м. бўлган учта яшаш хонаси, даҳлиз, ошхона, равон ва ертўла, омборхона, ҳаммом;

инвентарь баҳоси 4.018.622 (тўрт миллион ўн саккиз минг олти юз йигирма икки) сўм бўлиб, ушбу ҳолатлар Хазорасп туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2009 йил 4 апрелда берилган 237-рақамли маълумотнома билан тасдиқланади.

3. Рентага берилган уй-жой РЕНТА ОЛУВЧИГА Хазорасп туман давлат нотариал идорасида 2001 йил 11 январда 176-реестр рақами билан қайд қилинган олди-сотди шартномасига асосан тегишли бўлиб, шартнома Хазорасп туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри

давлат корхонасида 2007 йил 2 апрелда 8-сонли кадастр китобига 129-тартиб рақами билан 129-варағига ёзилиб, 11-04-02-01-01-0140-0009-001 кадастр рақами билан рўйхатга олинган.

4. Юқорида кўрсатилган уй-жой тарафларнинг ўзаро келишувига кўра 7.000.000 (етти миллион) сўмга баҳоланди.

5. РЕНТА ТЎЛОВЧИ доимий ва муддатсиз равишда РЕНТА ОЛУВЧИГА йилнинг ҳар бир чорагининг охирги кунида 180.000 (бир юз саксон минг) сўмдан тўлашга мажбур. Агар РЕНТА ТЎЛОВЧИ тўловларни ўз вақтида тўлай олмаса, тўланмаган суммадан 2% (фоиз) РЕНТА ОЛУВЧИга тўлайди.

Ушбу рента тўловининг миқдори энг кам иш ҳақининг миқдори оширилишига мутаносиб равишда кўпайтириб борилади.

Рента тўлаш шарти билан берилган уй-жойга РЕНТА ОЛУВЧИ ва РЕНТА ТЎЛОВЧИ ўз мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида бу мулкка нисбатан гаров ҳуқуқини олади.

РЕНТА ТЎЛОВЧИ ўз мажбуриятларини бажаришининг гаровини тақдим этишга ёки ушбу мажбуриятларни бажармаслик ёхуд лозим даражада бажармаслик хавфини РЕНТА ОЛУВЧИ фойдасига суғурталашга мажбур.

6. РЕНТА ОЛУВЧИнинг розилиги билан РЕНТА ТЎЛОВЧИ рентага берилган уй-жойни тасарруф этишга ҳақли.

7. Доимий рента шартномаси бўйича РЕНТА ОЛУВЧИНИНГ ҳуқуқлари бошқа жисмоний ёки нотижорат ташкилотларга талабдан воз кечиш йўли билан топширилиши мумкин. Агар РЕНТА ОЛУВЧИ вафот этса, унинг шартномада кўрсатилган ҳуқуқлари меросхўрларига ўтади.

8. РЕНТА ТЎЛОВЧИ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 521-моддасида кўрсатилган талабларга асосан сотиб олишга ҳақли.

9. РЕНТА ОЛУВЧИ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 522-моддасида кўрсатилган талабларга асосан сотиб олишга ҳақли.

10. Доимий рента тўлаш шарти билан хақ эвазига топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи пайдо бўлганда РЕНТА ТЎЛОВЧИ рента тўлаш мажбуриятларини тегишли равишда тўхтатиши ёки уни тўлаш шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

11. Мазкур шартнома имзолангунга қадар рентага берилаётган уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, ижарага берилмаган, низода йўқ ва тасарруф этилиши тақиқланмаган.

12. Мазкур шартномани расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни РЕНТА ТЎЛОВЧИ тўлади.

13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 185, 512–524-моддалари мазмуни биз – тарафларга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли.

14. Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Наврўз МФЙ томонидан 2009 йил 17 апрель куни берилган 25-сонли маълумотномага асосан рентага берилаётган уй-жойда пропискада турувчи шахслар йўқ.

15. Ушбу шартнома белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг РЕНТА ТЎЛОВЧИнинг юқорида кўрсатилган уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқи вужудга келади.

16. Мен – РЕНТА ОЛУВЧИ рентага берилаётган уй-жойнинг қарзлари юзасидан даъво қилувчилар йўқлигини ҳамда телефон алоқаси хизмати учун, коммунал хизматлар учун тўланадиган мажбурий тўловлар (иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, электр энергияси), солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзимиз йўқлигини тасдиқлайман.

17. Мазкур шартнома тарафларнинг ўзаро келишуви билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

18. Тарафлар ўртасида низо келиб чиққанда, у суд тартибида ҳал қилинади.

19. Биз – тарафлар шартнома матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни ва моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113–128-моддалари мазмуни нотариус томонидан тушунтирилди ва бизга тушунарли, шартноманинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади. Мазкур шартномани тузиб имзолаганимизда муомала лаёқатига эга бўлганимизни, ўз хатти-ҳаракатларимиз аҳамиятини тўлиқ тушунганлигимизни, ҳеч ким бизни алдамаганлигини, шартномани тузиб имзолаш ҳақида зўрламаганлигини, тазйиқ ўтказмаганлигини, ушбу битимни тузишга мажбур қилишга олиб келган оғир ҳолатлар йўқлигини билдирамиз.

20. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб имзоланди, улардан бири Хазорасп туман давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга берилди.

ИМЗОЛАР:
1. ___________________________________________________________
2. ___________________________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

## Умрбод рента шартномаси

______________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

______________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

______________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Беклар даҳаси, 16-уй, 17-хонадонда пропискада турувчи – 1974 йилда туғилган Нурматова Гулнор Турсуновна (СТИР 002120258, паспорт CB 1463250, Ғаллаорол туман ИИБ томонидан 19.04.2010 йилда берилган) бундан буён матнда РЕНТА ОЛУВЧИ деб юритилувчи бир тарафдан ва Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Беклар даҳаси, 2-уй, 31-хонадонда пропискада турувчи – 1988 йилда туғилган Сотволдиева Ҳамида Жўраевна (СТИР 001478410, паспорт CB 2548112, Ғаллаорол туман ИИБ томонидан 07.11.2013 йилда берилган) бундан буён матнда РЕНТА ТЎЛОВЧИ деб юритилувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Мен – РЕНТА ОЛУВЧИ ўзимга тегишли бўлган Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, А. Исажанова кўчасида 664 (олти юз олтмиш тўрт) кв.м. ер майдонида жойлашган 35-сонли уй-жойимни РЕНТА ТЎЛОВЧИГА умрбод рента тўлаш шарти билан мулк қилиб бердим, мен – РЕНТА ТЎЛОВЧИ юқорида кўрсатилган уй-жойни қабул қилиб олдим.

2. Рентага берилаётган уй-жой қуйидагилардан иборат:

умумий фойдаланиш майдони 79,9 (етмиш тўққиз бутун ўндан тўққиз) кв.м. ни ташкил этиб – турар-жой майдони 46,7 (қирқ олти бутун ўндан етти) кв.м. бўлган учта яшаш хонаси, даҳлиз, ошхона, равон, ертўла, омборхона, ҳаммом;

инвентарь баҳоси 4.018.622 (тўрт миллион ўн саккиз минг олти юз йигирма икки) сўм бўлиб, ушбу ҳолатлар Ғаллаорол туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2014 йил 4 апрелда берилган 237-сонли маълумотнома билан тасдиқланади.

3. Рентага берилаётган уй-жой РЕНТА ОЛУВЧИГА Ғаллаорол туман давлат нотариал идорасида 2007 йил 11 январда 176-реестр рақам билан қайд қилинган олди-шартномасига асосан

тегишли бўлиб, шартнома Ғаллаорол туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида 2007 йил 2 апрелдаги 8-сонли кадастр китобига 534-тартиб рақами билан 534-варағига ёзилиб, 11-04-02-01-01-0140-0009-001 кадастр рақами билан рўйхатга олинган.

4. Юқорида кўрсатилган уй-жой тарафларнинг ўзаро келишувига кўра 7.000.000 (етти миллион) сўмга баҳоланди.

5. РЕНТА ТЎЛОВЧИ РЕНТА ОЛУВЧИга уни ҳаёт бўлган даврда келаётган ҳар ойнинг охирги кунида 80.000 (саксон минг) сўмдан тўлашга мажбур. Агар РЕНТА ТЎЛОВЧИ тўловларни ўз вақтида тўлай олмаса, тўланмаган суммадан 2 % (фоизини) РЕНТА ОЛУВЧИГА тўлайди.

Ушбу рента тўловининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг оширилишига мутаносиб равищда кўпайиб боради.

6. Рента тўлаш шарти билан берилган уй-жойга РЕНТА ТЎЛОВЧИ ўз мажбуриятларининг бажаришини таъминлаш мақсадида РЕНТА ОЛУВЧИ бу мулкка гаров ҳуқуқини олади.

7. РЕНТА ТЎЛОВЧИ ўз мажбуриятлари бажарилишининг гаровини тақдим этишга ёки ушбу мажбуриятларни бажармаслик ёхуд лозим даражада бажармаслик хавфини рента олувчи фойдасига суғурталашга мажбур.

8. РЕНТА ОЛУВЧИнинг розилиги билан РЕНТА ТЎЛОВЧИ рентага берилган уй-жойни тасарруф этишга ҳақли.

9. РЕНТА ОЛУВЧИ вафот этган тақдирда рента тўлаш мажбурияти бекор қилинади.

10. Умрбод рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши РЕНТА ТЎЛОВЧИНИ шартномада назарда тутилган шартларда тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

11. Мазкур шартномага қадар рентага берилаётган бутун уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, ижарага берилмаган, низода йўқ ва тасарруф этилиши тақиқланмаганган.

12. Мазкур шартномани расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни РЕНТА ТЎЛОВЧИ тўлади.

13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 185, 524–529-моддалари мазмуни биз – тарафларга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли.

14. Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Наврўз МФЙ томонидан 2014 йил 17 апрель куни берилган 25-сонли маълумотномага асосан рентага берилган уй-жойда пропискада турувчи шахслар йўқ.

15. Ушбу шартнома белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб РЕНТА ТЎЛОВЧИда рентага берилган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқи вужудга келади.

16. Мен – РЕНТА ОЛУВЧИ рентага берилаётган уй-жойнинг қарзлари юзасидан даъво қилувчилар йўқлигини ҳамда телефон алоқаси хизмати учун, коммунал хизматлар учун тўланадиган мажбурий тўловлар (иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, электр энергияси), солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзимиз йўқлигини тасдиқлайман.

17. Мазкур шартнома тарафларнинг ўзаро келишуви билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Рента шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, шундай тартибда ўзгартирилади ёки бекор қилинади.

18. РЕНТА ТЎЛОВЧИ умрбод рента шартномасини жиддий бузган ҳолларда РЕНТА ОЛУВЧИ шартномани бекор қилиш ва зарарни қоплашни РЕНТА ТЎЛОВЧИдан талаб қилишга ҳақли.

19. Тарафлар ўртасида низо келиб чиқса, у суд тартибида ҳал қилинади.

20. Биз – тарафлар шартнома матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни ва моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113–128-моддалари мазмуни нотариус томонидан тушунтирилди ва бизга тушунарли, шартноманинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади. Мазкур шартномани тузиб имзолаганимизда муомала лаёқатига эга бўлганимизни, ўз хатти-ҳаракатларимиз аҳамиятини тўлиқ тушунганлигимизни, ҳеч ким бизни алдамаганлигини, шартномани тузиб имзолаш ҳақида зўрламаганлигини, тазйиқ ўтказмаганлигини, ушбу битимни тузишга мажбур қилишга олиб келган оғир ҳолатлар йўқлигини билдирамиз.

21. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб имзоланди, улардан бири Ғаллаорол туман давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга берилди.

ИМЗОЛАР:
1. ____________________________________________________
2. ____________________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

## Уй-жойларни айирбошлаш шартномаси

____________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

____________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

____________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар, Иззат кўчаси, 20-уйда пропискада турувчи – 1989 йилда туғилган Иванов Алексей Иванович (СТИР 002415449, паспорт АА 1366954, Зарафшон шаҳар ИИБ томонидан 09.07.2013 йилда берилган) бир тарафдан ва Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар, Беруний кўчаси, 25-уйда пропискада турувчи – 1984 йилда туғилган Олимов Олим Акрамович (СТИР 045215968, паспорт АА 1457485, Зарафшон шаҳар ИИБ томонидан 12.02.2010 йилда берилган) иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Мен – Иванов Алексей Иванович ўзимга тегишли тегишли бўлган Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар, Иззат кўчаси, 20-уйда жойлашган уй-жойимни ва мен – Олимов Олим Акрамович ўзимга тегишли бўлган Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар, Беруний кўчаси, 25-уйда жойлашган уй-жойимни ўзаро айирбошладик.

2. Иванов Алексей Ивановичга тегишли айирбошланаётган уй-жой 600 (олти юз) кв.м. ер майдонида жойлашган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

умумий фойдаланиш майдони 53,81 (эллик уч бутун юздан саксон бир) кв.м. ни ташкил этиб – турар-жой майдони 30,28 (ўттиз бутун юздан йигирма саккиз) кв.м. бўлган иккита яшаш хонаси, айвон, ошхона;

инвентарь баҳоси 4.000.000 (тўрт миллион) сўм бўлиб, ушбу ҳолатлар Зарафшон шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2014 йил 15 октябрь куни берилган 302-сонли маълумотнома билан тасдиқланади.

Олимов Олим Акрамовичга тегишли бўлган айирбошланаётган уй-жой 500 (беш юз) кв.м. ер майдонида жойлашган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

умумий фойдаланиш майдони 55,81 (эллик беш бутун юздан саксон бир) кв.м.ни ташкил этиб – турар-жой майдони 35,28 (ўттиз беш бутун юздан йигирма саккиз) кв.м. бўлган иккита яшаш хонаси, даҳлиз, ҳаммом, ошхона, соябон, гараж, ҳожатхона;

инвентарь баҳоси 4.500.000 (тўрт миллион беш юз) сўм бўлиб, ушбу ҳолатлар Зарафшон шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси томонидан 2014 йил 20 март куни берилган 303-сонли маълумотнома билан тасдиқланади.

3. Айирбошланаётган уй-жойлар:

4. Иванов Алексей Ивановичга – Зарафшон шаҳар давлат нотариал идорасида 1999 йил 27 май куни 4034 реестр рақами билан қайд қилинган Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномасига асосан тегишли бўлиб, гувоҳнома Зарафшон шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида 2000 йил 30 март куни 5-сонли кадастр китобига 112-тартиб рақами билан 112-варағига ёзилиб, 11-04-02-01-01-0140-0009 кадастр рақами билан рўйхатга олинган;

Олимов Олим Акрамовичга – Зарафшон шаҳар давлат нотариал идорасида 1987 йил 27 май куни 1034 реестр рақами билан қайд қилинган олди-сотди шартномасига асосан тегишли бўлиб, шартнома Зарафшон шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида 2002 йил 4 сентябрь куни 25-сонли кадастр китобига 23-тартиб рақами билан 24-варағига ёзилиб, 11-04-02-01-01-0140-0009-001 кадастр рақами билан рўйхатга олинган.

5. Айирбошланаётган ҳар бир уй-жой тарафларнинг ўзаро келишувига кўра 6.000.000 (олти миллион) сўмдан баҳоланди.

6. Ушбу айирбошлаш шартномасига асосан:

Иванов Алексей Ивановичнинг эгалигига Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар, Беруний кўчаси, 25-сонли уй-жой;

Олимов Олим Акрамовичнинг эгалигига Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар, Иззат кўчаси, 20-сонли уй-жой ўтади.

7. Айирбошлаш тарафлар томонидан қўшимча тўловларсиз амалга оширилди.

8. Ушбу шартнома имзолангунга қадар юқорида кўрсатилган уй-жойлар бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, ижарага берилмаган, низода йўқ ва тасарруф қилиниши тақиқланмаган.

9. Мазкур шартномани расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни тарафлар тенг ҳиссада тўлади.

10. Биз – тарафларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 185, 497–501-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 35, 52-моддалари мазмуни нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли.

11. Айирбошланган уй-жойларга тарафларнинг мулк ҳуқуқи ушбу шартнома белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин вужудга келади.

12. Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар, Иззат МФЙ томонидан 2014 йил 19 октябрь куни берилган 200-сонли маълумотнома ва Зарафшон шаҳар, Беруний МФЙ томонидан 2014 йил 18 октябрь куни берилган 234-сонли маълумотномага асосан айрибошланаётган уй-жойларда ушбу уй-жой мулкдорларидан бошқа шахслар пропискада турмайди.

13. Биз – тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган уй-жойларнинг қарзлари юзасидан даъво қилувчилар йўқлигини ҳамда телефон алоқаси хизмати учун, коммунал хизматлар учун тўланадиган мажбурий тўловлар (иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, электр энергияси), солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзимиз йўқлигини тасдиқлаймиз.

14. Мен – Иванов Алексей Иванович шуни тасдиқлайманки, ўзбек тилини тўлиқ тушунаман ва биламан. Менга шартноманинг матнини рус тилига таржима қилиб бериш шарт эмас.

15. Биз – тарафлар шартнома матнини ўқиб чиқдик, унинг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари бизга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли, унинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади.

16. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб, имзоланди, улардан бир нусхаси Зарафшон шаҳар давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга давлат рўйхатидан ўтказиш учун берилди.

ИМЗОЛАР:
1. ________________________________________________
2. ________________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

## Автотранспорт воситасининг ҳадя шартномаси

______________________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

______________________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

______________________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 33-уйда пропискада турувчи – 1969 йилда туғилган Ёқубов ўани Абдуҳалилович (СТИР 025804604, паспорт СВ 2746719, Учтепа туман ИИБ томонидан 05.06.2013 йилда берилган) бундан буён матнда ҲАДЯ ҚИЛУВЧИ деб юритилувчи бир тарафдан ва Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 33-уйда пропискада турувчи – 1975 йилда туғилган Ёқубов Вахоб Абдуҳалилович (СТИР 327504895, паспорт АА 6803739, Учтепа туман ИИБ томонидан 04.10.2014 йилда берилган) бундан буён матнда ҲАДЯ ОЛУВЧИ деб юритилувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Мен – ҲАДЯ ҚИЛУВЧИ ўзимга тегишли бўлган – ГБАСПГГА 353 русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, тури – юк, двигатель – рақамсиз, кузов – рақамсиз, шасси – рақамсиз, ранги – сариқ (желтый), давлат рақами белгиси – 01U527DA бўлган, двигатель қуввати 115 от кучига эга бўлган автотранспорт воситамни укам ўаниев Вахоб Абдухалиловичга ҳадя қилдим, мен – ҲАДЯ ОЛУВЧИ ушбу автотранспорт воситасини миннатдорчилик билан қабул қилиб олдим.
2. Ҳадя қилинаётган юк автотранспорт воситаси ҲАДЯ ҚИЛУВЧИга Учтепа туман ИИБ ЙҲХБ 3-ТРИБ томонидан 2010 йил 30 декабрда берилган серия ААС № 2749473 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан тегишли.
3. Юқорида кўрсатилган юк автотранспорт воситаси тарафлар томонидан 6 000 000 (олти миллион) сўмга баҳоланди.
4. Мазкур шартнома имзолангунга қадар ҳадя қилинаётган автотранспорт воситаси бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода йўқ ва ҳадя қилиниши тақиқланмаган.
5. Мазкур шартномани расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни ҲАДЯ ҚИЛУВЧИ тўлади.

6. Ушбу шартнома ИИВнинг тегишли ДЙҲХХ органларида 10 кун ичида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

7. Биз – тарафлар шартнома матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни ва моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113–128-моддалари мазмуни нотариус томонидан тушунтирилди ва бизга тушунарли, шартноманинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади. Мазкур шартномани тузиб, имзолаганимизда муомала лаёқатига эга бўлганимизни, ўз хатти-ҳаракатларимиз аҳамиятини тўлиқ тушунганлигимизни, ҳеч ким бизни алдамаганлигини, шартномани тузиб, имзолаш ҳақида зўрламаганлигини, тазйиқ ўтказмаганлигини, ушбу битимни тузишга мажбур қилишга олиб келган оғир ҳолатлар йўқлигини билдирамиз.

8. Ушбу шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб, имзоланди, улардан гербли (махсус) бланкада тузилган нусхаси ҲАДЯ ОЛУВЧИга ДЙҲХХ органларида 10 кун муддат ичида рўйхатдан ўтказиш учун, иккинчи нусхаси ҲАДЯ ҚИЛУВЧИга берилди, учинчи нусхаси Учтепа туман 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади.

ИМЗОЛАР:
1. ________________________________________________
2. ________________________________________________

ASh № 303172 TN

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

**Юридик ва жисмоний шахс ўртасида тузилган автотранспорт воситасининг олди-сотди шартномаси**

________________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

________________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

________________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар, Р. Назирова кўчаси, 101-уйда жойлашган, Гулистон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2010 йил 9 январь куни 17-сон билан рўйхатга олинган ABBOS-INVEST масъулияти чекланган жамияти (СТИР 301434424) бундан буён матнда СОТУВЧИ деб юритилувчи, жамият номидан 2013 йил 30 декабрь куни берилган 56-сонли ишончномага асосан ҳаракат қилувчи, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар, Эски Қовунчи ҚФЙ, Баҳор кўчаси, 14-уйда пропискада турувчи – ABBOS-INVEST МЧЖ директори ўринбосари Ёрматов Шерзод Абдулхаитович (паспорт АА 1326721, Гулистон шаҳар ИИБ томонидан 10.05.2013 йилда берилган) бир тарафдан ва Сирдарё вилояти, Ховос тумани, Наврўз кўчаси, 15-уйда пропискада турувчи – 1978 йилда туғилган Шермуҳамедов Неъматжон Хусаинжонович (паспорт СВ 1766944, Ховос туман ИИБ томонидан 10.11.2003 йилда берилган) бундан буён матнда СОТИБ ОЛУВЧИ деб юритилувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Мен – Ёрматов Шерзод Абдулхаитович ABBOS-INVEST масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган, жамият балансида турган – НЕКСИЯ русумли, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, тури – енгил (седан), двигатель рақами 6326621, кузов рақами XWB3L32EDCA202146, шасси – рақамсиз, ранги – кулранг (серебристый), давлат рақами белгиси – 20 011КАА бўлган, двигатель қуввати 75 от кучига эга бўлган автотранспорт воситасини СОТУВЧИ номидан сотдим, мен – СОТИБ ОЛУВЧИ ушбу автотранспорт воситасини сотиб олдим.

2. Сотилаётган автотранспорт воситаси СОТУВЧИга Сирдарё вилояти ИИБ ЙХХБ 3-ТРИБ томонидан 2012 йил 21 июль куни берилган серия ААС № 3508150 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан тегишли.

3. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси тарафлар томонидан 2014 йил 26 июлдаги ўзаро баҳолаш далолатномасига асосан 9.000.000 (тўққиз миллион) сўмга баҳоланиб, шу суммага сотилди ва СОТИБ ОЛУВЧИ ушбу пулни СОТУВЧИнинг ҳисоб рақамига ОАТБ ҲАМКОРБАНК Гулистон филиали томонидан 2014 йил 26 июлда берилган 9-сонли квитанцияга асосан тўлиқ тўлади.

4. Мазкур шартнома имзолангунга қадар сотилаётган автотранспорт воситаси бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода йўқ ва сотилиши тақиқланмаган.

5. Мазкур шартномани расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни СОТУВЧИ тўлади.

6. Ушбу шартнома ИИВнинг тегишли ДЙҲХХ органларида 10 кун ичида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

7. Биз – тарафлар шартнома матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни ва моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113–128-моддалари мазмуни нотариус томонидан тушунтирилди ва бизга тушунарли, шартноманинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади. Мазкур шартномани тузиб, имзолаганимизда муомала лаёқатига эга бўлганимизни, ўз хатти-ҳаракатларимиз аҳамиятини тўлиқ тушунганлигимизни, ҳеч ким бизни алдамаганлигини, шартномани тузиб, имзолаш ҳақида зўрламаганлигини, тазйиқ ўтказмаганлигини, ушбу битимни тузишга мажбур қилишга олиб келган оғир ҳолатлар йўқлигини билдирамиз.

8. Ушбу шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб, имзоланди, улардан гербли (махсус) бланкада тузилган нусхаси СОТИБ ОЛУВЧИга ДЙҲХХ органларида 10 кун муддат ичида рўйхатдан ўтказиш учун, иккинчи нусхаси СОТУВЧИга берилди, учинчи нусхаси Гулистон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади.

ИМЗОЛАР:
1. ____________________________________________________
2. ____________________________________________________

ASh № 303172 SR

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

# Автотранспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномаси

____________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

____________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

____________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Чақичмон кўчаси, 7-уйда пропискада турувчи – 1986 йилда туғилган Олимов Олим Акрамович (СТИР 0034224899, паспорт АА 1245869, Бекобод туман ИИБ томонидан 12.05.2013 йилда берилган) бундан буён матнда ИЖАРАГА БЕРУВЧИ деб юритилувчи бир тарафдан ва Ангрен шаҳар, Нурота кўчаси, 93-уйда жойлашган, Ангрен шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2006 йил 25 сентябрда 723-сон билан рўйхатдан ўтказилган АЗИЯ хусусий корхонаси, бундан буён матнда ИЖАРАГА ОЛУВЧИ деб юритилувчи, корхона номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи Ангрен шаҳар, Навоий кўчаси, 20-уйда пропискада турувчи корхона раҳбари – 1977 йилда туғилган Ҳамидов Шерзодбек Халикович (паспорт АА 6325441, Ангрен шаҳар ИИБ томонидан 09.11.2014 йилда берилган) иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. ИЖАРАГА БЕРУВЧИ ўзига тегишли бўлган Мерседес-Бенц русумли, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, тури – микроавтобус, двигатель рақами 1236598, кузов рақами 568942369, шасси – рақамсиз, ранги – оқ (белый), давлат рақами белгиси – 10 H569AA бўлган автотранспрот воситасини вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига ИЖАРАГА ОЛУВЧИга беради ҳамда йўловчиларни (юкни) ташишда ўз кучи билан уни бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади.

2. Ижарага берилаётган автотранспорт воситаси ИЖАРА БЕРУВЧИГА Тошкент вилояти ИИБ ЙХҲБ РИБ томонидан 2006 йил 6 май куни берилган серия ААС № 178433 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан тегишли.

3. Мазкур шартнома бир йил муддатга, яъни 20___ йил ___ ________ дан бошлаб 20___ йил ___ ________ гача тузилди.

Ижарага берилаётган автотранспорт воситасини топшириш ва қабул қилиш далолатномаси тарафларнинг келишувига кўра, ушбу шартнома имзолангандан сўнг 5 (беш) кун ичида тузилади ва автотранспорт воситаси ИЖАРАГА ОЛУВЧИГА топширилади.

4. Ижарага берилган автотранспорт воситаси учун ижара ҳақи тарафлар келишувига асосан ҳар ойда 450.000 (тўрт юз эллик минг) сўм, умумий ижара ҳақи 5.400.000 (беш миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил қилади ва ушбу пулни ИЖАРАГА ОЛУВЧИ ҳар ойнинг 5 санасигача ИЖАРАГА БЕРУВЧИнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериши шарт.

5. ИЖАРАГА БЕРУВЧИ:

автотранспорт воситасини тегишли ҳолатда сақлашга, шу жумладан жорий ва капитал таъмирлашга ҳамда зарур асбоб-ускуналарни беришга;

автотранспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича ИЖАРАГА ОЛУВЧИга кўрсатадиган хизматлари ҳажми автотранспорт воситасининг шартномада кўрсатилган ижара мақсадларига мос равишда нормал ва хавфсиз ишлатилишини таъминлашга;

автотранспорт воситасини суғурта қилиш ва (ёки) унинг томонидан ёки уни ишлатиш муносабати билан етказилиши мумкин бўлган зарар учун жавобгарликни суғурталашга;

автотранспорт воситасидан фойдаланганлик муносабати билан етказилиши мумкин бўлган зарар учун жавобгарликни суғурталашни таъминлашга мажбур.

6. ИЖАРАГА ОЛУВЧИ:

ушбу шартнома амал қилиб турган бутун муддат давомида ижарага олинган автотранспорт воситасини тегишли ҳолатда сақлаб туриши;

автотранспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатиш муносабати билан ёнилғи ва ишлатиш жараёнида сарфланадиган бошқа материаллар ҳақини тўлаши, йиғимлар ва бошқа чиқимларни тўлаши;

экипаж аъзолари ижарага берувчининг автотранспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланишга доир кўрсатмаларига доир кўрсатмаларига бўйсунишини таъминлаши;

шартнома муддати тугаши билан автотранспорт воситасини ИЖАРА БЕРУВЧИГА нормал ҳолда қайтариб бериши шарт.

7. Экипаж билан ижарага берилган автотранспорт воситаси, унинг механизмлари, қурилмалари, жиҳозлари ва шу кабилар билан учинчи шахсларга етказилган зарар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ ИЖАРАГА БЕРУВЧИ зиммасида бўлади. ИЖАРАГА БЕРУВЧИ зарар ИЖАРАГА ОЛУВЧИнинг айби билан етказилганлигини исботласа, учинчи шахсларга тўланган пул суммасини қоплашни ИЖАРАГА ОЛУВЧИдан регресс тартибда талаб қилишга ҳақли.

8. ИЖАРАГА ОЛУВЧИ ижарага олинган автотранспорт воситасини ИЖАРАГА БЕРУВЧИнинг розилиги билан қўшимча ижарага беришга ҳақли.

9. Шартномани бекор қилиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш тарафларнинг келишувига асосан нотариал тартибда амалга оширилади, низо келиб чиққан тақдирда суд тартибида ҳал қилинади.

Шартномани бекор қилиш ҳақида тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради.

10. Мазкур шартнома имзолангунга қадар ижарага берилаётган автотранспорт воситаси бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода йўқ ва ижарага берилиши тақиқланмаган.

11. Мазкур шартномани расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни ИЖАРАГА ОЛУВЧИ тўлади.

12. Биз – тарафларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113–128, 564–572, 985–1004-моддалари ва Солиқ кодексининг 80, 176, 191, 192-моддалари мазмуни нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли.

13. Ушбу шартнома ИИВнинг тегишли ДЙҲХХ органларида 10 кун ичида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

14. Биз – тарафлар шартноманинг матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни, моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари бизга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли, унинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади.

15. Ушбу шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб, имзоланди, улардан гербли (махсус) бланкада тузилган нусхаси ИЖАРАГА ОЛУВЧИга ДЙҲХХ органларида 10 кун муддат ичида рўйхатдан ўтказиш учун, иккинчи нусхаси ИЖАРАГА БЕРУВЧИга берилди, учинчи нусхаси Зангиота туман 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади.

ИМЗОЛАР:
1. ____________________________________________________
2. ____________________________________________________

ASh № 134409 TS

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

## Мерос мол-мулкни тақсимлаш шартномаси

___________________________________________________________________
*(нотариал округ номи)*

___________________________________________________________________
*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

___________________________________________________________________
*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Тошкент вилояти Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, Наврўз кўчаси, 18-уйда пропискада турувчилар – 1945 йилда туғилган Расулов Санжар Муродович (паспорт АА 14578520, Зангиота туман ИИБ томонидан 24.09.2009 йилда берилган), 1946 йилда туғилган Расулова Диляра Ҳакимовна (паспорт АА 1467924, Зангиота туман ИИБ томонидан 13.05.2010 йилда берилган) ва Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, Фарз кўчаси, 28-уйда пропискада турувчилар – 1977 йилда туғилган Муродова Гавҳархон Азизжановна (паспорт АА 15654421, Зангиота туман ИИБ томонидан 12.02.2013 йилда берилган), вояга етмаган болалари – 01.06.2002 йилда туғилган Муродова Ферузахон Маҳмуд қизи, 02.10.2011 йилда туғилган Муродова Фазилатхон Маҳмуд қизи номларидан ҳаракат қилувчи Муродова Гавҳархон Азизжановна ва Зангиота тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан 16.10.2013 йилда берилган 70-сонли ишончномага асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, Шалола кўчаси 15-уйда пропискада турувчи вакил – 1981 йилда туғилган Отабекова Лола Иргашовна (паспорт АА 14519542, Зангиота туман ИИБ томонидан берилган) ҳамда Муродова Гавҳархон Азизжановна ва вакил Отабекова Лола Иргашовнанинг розиликлари билан ҳаракат қилувчи – 1999 йилда туғилган Муродов Баҳодир Маҳмуд ўғли ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Бизлар – Расулов Санжар Муродович, Расулова Диляра Ҳакимовна, Муродова Гавҳархон Азизжановна, Муродов Баҳодир Маҳмуд ўғли, Муродова Ферузахон Маҳмуд қизи, Муродова Фазилатхон Маҳмуд қизи Зангиота туман 1-сон давлат нотариал идораси томонидан 01.10.2013 йилда Р-1-209 реестр рақами билан расмийлаштирилган Мулкка эгалик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома ва Р-1-210 реестр рақами билан расмийлаштирилган Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан, 10.05.2011

йилда вафот этган марҳум Расулов Маҳмуд Санжаровичнинг мерос мулклари:

– УАЗ 452 Д русумли, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель – рақамсиз, кузов рақами – бортовой, шасси – рақамсиз, ранги – кўк, давлат рақами белгиси 10 W 104 BA бўлган автотранспорт воситаси;

– ГБА СНГ ГАЗ 2410 русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами – 147824, кузов рақами – 1169495, шасси рақами – XTH2410116034, ранги – кулранг (серобелый), давлат рақами белгиси 10F082CA бўлган автотранспорт воситаси;

– Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қаҳрамон кўчаси, 2-уйда жойлашган, Зангиота туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 28.10.2009 йилда 2014-сон билан рўйхатдан ўтказилган YANGI CHUVALACHI масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги Расулов Маҳмуд Санжаровичга тегишли бўлган – 16,6 фоизли, қиймати 15.620.000 (ўн беш миллион олти юз йигирма минг) сўмни ташкил қилувчи улуш;

– Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, К. Махсумова кўчаси, 41-уй, 5-хонадонда жойлашган, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 14.01.2010 йилда 106255-сон билан рўйхатдан ўтказилган, марҳум Расулов Маҳмуд Санжаровичга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ООО BUSINESS AUDIT TODAY аудиторлик фирмаси томонидан 23.09.2013 йилда берилган аудиторлик хулосасига ҳамда 01.09.2013 йилдаги бухгалтерлик балансига асосан – умумий баланс қиймати 22.228.623 сўм 2 тийин (йигирма икки миллион икки юз йигирма саккиз минг олти юз йигирма уч сўм икки тийин)ни ташкил қилган SIYMO LOYIHA масъулияти чекланган жамиятининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиалида 31605700100010-сонли ҳисоб рақамида сақланувчи жамғариб бориладиган пенсия пулларининг меросхўрлари ҳисобланамиз.

2. Биз – меросхўрлар ўзаро келишувимизга, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1150-моддасига ва Зангиота туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан 16.10.2013 йилда берилган 69-сонли розилик хатига асосан мерос мол-мулкларни қуйидагича тақсимлаймиз:

мен – Расулов Санжар Муродовичга – доимий эгалик қилиш учун УАЗ 452 Д русумли, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель – рақамсиз, кузов рақами – бортовой, шасси – рақамсиз, ранги – кўк, давлат рақами белгиси 10 W 104 BA бўлган автотранспорт воситаси;

мен – Расулова Диляра Ҳакимовнага – доимий эгалик қилиш учун ГБА СНГ ГАЗ2410 русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами – 147824, кузов рақами – 1169495, шасси рақами – XTH2410116034, ранги – кулранг (серобелый), давлат рақами белгиси 10F082CA бўлган автотранспорт воситаси;

биз – Муродова Гавҳархон Азизжановна, Муродов Баҳодир Маҳмуд ўғли, Муродова Ферузахон Маҳмуд қизи, Муродова Фазилатхон Маҳмуд қизи – тенг улушларда доимий эгалик қилиш учун Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қаҳрамон кўчаси, 2-уйда жойлашган, Зангиота туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 28.10.2009 йилда 2014-сон билан рўйхатидан ўтказилган YANGI CHUVALACHI масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги Расулов Маҳмуд Санжаровичга тегишли бўлган – 16,6 фоизли, қиймати 15.620.000 (ўн беш миллион олти юз йигирма минг) сўмни ташкил қилувчи улуш ҳамда Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, К. Махсумова кўчаси, 41-уй, 5-хонадонда жойлашган, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 14.01.2010 йилда 106255-сон билан рўйхатдан ўтказилган, марҳум Расулов Маҳмуд Санжаровичга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган OOO BUSINESS AUDIT TODAY аудиторлик фирмаси томонидан 23.09.2013 йилда берилган аудиторлик хулосасига ҳамда 01.09.2013 йилдаги бухгалтерлик балансига асосан – умумий баланс қиймати 22.228.623 сўм 2 тийин (йигирма икки миллион икки юз йигирма саккиз минг олти юз йигирма уч сўм икки тийин)ни ташкил қилган SIYMO LOYIHA масъулияти чекланган жамиятнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиалида 31605700100010-сонли ҳисоб рақамида сақланувчи жамғариб бориладиган пенсия пуллари ўтади.

3. Мазкур шартномани расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни Муродова Гавҳархон Азизжановна тўлади.

4. Ушбу шартнома имзолангунга қадар юқорида кўрсатилган мулклар бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода йўқ ва меросхўрлар ўртасида тақсимланиши тақиқланмаган.

5. Биз – меросхўрлар тақсимланган мол-мулклар ўртасидаги тафовутлар юзасидан бир-биримизга ҳеч қандай моддий ва мулкий эътироз билдирмаймиз.

6. Ҳар бир меросхўр ўзининг мулки учун қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ ва бошқа тўловларни тўлашни ўз зиммасига олади.

7. Биз – тарафлар шартноманинг матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни, моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари бизга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли, унинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади.

8. Ушбу шартнома тарафлар томонидан олти нусхада тузилиб, имзоланди, улардан бир нусхаси Зангиота туман 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади, бир нусхаси Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига маълумот учун юборилди ва қолган нусхалари тарафларга белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш учун берилди.

ИМЗОЛАР:

1. ____________________________________________________

2. ____________________________________________________

3. ____________________________________________________

4. Вояга етмаган болаларим Ф.М.Муродова ва Ф.М.Муродовалар ўрнига имзо қўйдим: __________________________

5. Онам Г.А.Муродова иштирокида ва унинг розилиги билан имзо қўйдим: ________________________________________________

РОЗИМАН:

1. ОНА ________________________________________________

2. ВАКИЛ _____________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

**Алиментни пул маблағлари шаклида тўлаш тўғрисидаги келишув**

____________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

____________________________________________________________

*(келишув тасдиқланган сана, сўз билан)*

____________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Улуғбек кўчаси, 15-уйда пропискада турувчи – 1972 йилда туғилган Олимов Саттор Олимович (паспорт АА 15478459, Ўртачирчиқ туман ИИБ томонидан 02.04.2013 йилда берилган), бундан буён матнда АЛИМЕНТ ТЎЛОВЧИ деб юритилувчи бир томондан ва Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Орол кўчаси, 9-уйда пропискада турувчи – 1976 йилда туғилган Олимова Мавлюда Назаровна бундан буён матнда АЛИМЕНТ ОЛУВЧИ деб юритилувчи иккинчи томондан вояга етмаган болаларимиз – 1999 йил 18 мартда туғилган Олимов Олим Сатторович ҳамда 2000 йил 2 январда туғилган Олимова Севара Сатторовнанинг таъминоти учун алимент тўлаш усуллари ва тартибини ўзаро келишган ҳолда ушбу келишувни қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Биз – АЛИМЕНТ ТЎЛОВЧИ ва АЛИМЕНТ ОЛУВЧИ вояга етмаган болаларимизга мазкур келишувга биноан тўланадиган алимент миқдори алимент суд тартибида ундирилганда болалар олиши мумкин бўлган миқдордан кам бўлмаслигини эътиборга олиб, болаларимиз таъминоти учун улар вояга етган кунигача АЛИМЕНТ ТЎЛОВЧИ томонидан тўланадиган алимент миқдорини бир йўла пул маблағи шаклида тўланадиган қатъий суммада, яъни 20.000.000 (йигирма миллион) сўм қилиб белгиладик.
2. Ушбу пулни мен – АЛИМЕНТ ТЎЛОВЧИ мазкур келишувни имзолаш пайтида АЛИМЕНТ ОЛУВЧИга топширдим, мен – АЛИМЕНТ ОЛУВЧИ шу пул маблағини тўлиқ миқдорда қабул қилиб олдим.
3. Мазкур келишув тарафларнинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув қандай шаклда тузилган бўлса уни ўзгартириш ёки бекор қилиш шундай шаклда амалга оширилади.

4. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувнинг бажарилишини бир тарафлама рад қилишга ёки унинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

5. Тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволида жиддий ўзгаришлар юз берганда ҳамда алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида улар ўзаро келиша олмаганда, манфаатдор тараф келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

6. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 99, 130-134, 143, 144 ва 147-моддаларининг мазмуни биз – тарафларга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли.

7. Мазкур келишувни расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни АЛИМЕНТ ТЎЛОВЧИ тўлади.

8. Биз – тарафлар келишув матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни, моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари бизга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли, унинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади.

9. Ушбу келишув тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб, имзоланди, улардан бир нусхаси Ўртачирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга берилди.

ИМЗОЛАР:
1. ______________________________________________________
2. ______________________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

## Никоҳ шартномаси

____________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

____________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

____________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, М. Уйғур кўчаси, 5-уйда пропискада турувчи – 1985 йилда туғилган Исроилов Ҳамид Галимович (паспорт АА 3465847, Яшнобод туман ИИБ томонидан 11.11.2014 йилда берилган) бир тарафдан ва Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, М. Уйғур кўчаси, 5-уйда пропискада турувчи – 1990 йилда туғилганИсроилова Альфия Талгатовна (паспорт АА 3465847, Яшнобод туман ИИБ томонидан 11.11.2014 йилда берилган) эр-хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва никоҳдан ажратилган тақдирда мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларимизни белгилаш мақсадида мазкур никоҳ шартномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Биз – никоҳимиз қайд қилингандан сўнг биргаликда яшаш давримизда оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, тенг мажбуриятларга эга бўламиз.

2. Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя ва мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг шахсий мулки ҳисобланади ва уларнинг бўлинишига йўл қўйилмайди.

3. Қимматбаҳо буюмлар, зебу зийнатлар ва бошқа шахсий фойдаланиш буюмлари (кийим-бош, пойабзал ва бошқа шу кабилар никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам) улардан фойдаланиб келган эр ва хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади ва никоҳдан ажралганда бўлинмайди.

4. Никоҳ давомида биз ҳар биримизнинг меҳнат фаолиятимиздан, тадбиркорлик фаолиятимиздан ва интелектуал фаолият натижаларимиздан орттирган даромадларимиз, пенсия, нафақа, шунингдек махсус мақсадларга мўлжалланган бошқа тўловлар, умумий даромадларимиз ҳисобига олинган барча кўчар ва кўчмас мол-мулклар, пул маблағлари кимнинг номидан ёки эр ва

хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, бундай кўчар ва кўчмас мол-мулклар қайси биримизнинг номимизга расмийлаштирилган бўлса, шу эр ёки хотиннинг шахсий мол-мулки деб ҳисобланади ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ битим тузилганда, бу ҳаракат бошқасининг розилигисиз амалга оширилади ва никоҳдан ажралиш пайтида бўлинмайди.

5. Эр ёки хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлган тараф никоҳдан ажралиш вақтида уни турар жой ва моддий таъминот билан таъминлайди.

6. Шахсий мулкка эга бўлган бир тараф иккинчи тарафнинг розилигисиз ўзига тегишли мол-мулкка эгаликни ўз ихтиёрига биноан амалга оширади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Бунда, шахсий мулкка эга бўлган эр ёки хотин уларнинг бирига мазкур мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини беради, агар бу мол-мулк турар-жой бўлса, унда яшаш ва пропискадан ўтиш ҳуқуқини беради.

7. Никоҳдан ажралиш ҳолларида мулк эгаси бўлмаган эр ёки хотиннинг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилиб, ушбу тараф никоҳдан ажралган кундан бошлаб уй-жойдан ва турар-жой пропискасидан чиқиб кетишга мажбур.

8. Болаларимиз эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар), уларнинг номига қўйилган пул жамғармалари, номига сотиб олинган кўчар ва кўчмас мол-мулклар уларнинг шахсий мулки деб ҳисобланади ҳамда никоҳдан ажралиш ва умумий мол-мулкни бўлиш пайтида болаларнинг мол-мулки ҳисобга олинмайди.

9. Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

10. Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳамда Оила кодексларида белгиланган асослар ва тартибда суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

11. Мазкур шартнома никоҳ қонуний қайд этилган кундан бошлаб кучга киради.

12. Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди.

13. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 29–36 моддалари мазмуни нотариус томонидан биз – тарафларга тушунтирилди ва тушунарли.

14. Мазкур шартномани расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни Исроилов Ҳамид Галимович тўлади.

15. Биз – тарафлар шартноманинг матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни, моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари бизга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли, унинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади.

16. Шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб, имзоланди, бир нусхаси Яшнобод туман 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга берилди.

ИМЗОЛАР:
1. ______________________________________________________
2. ______________________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

# Кафиллик шартномаси

______________________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

______________________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

______________________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Тошкент шаҳар, А. Темур кўчаси, 5-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида 1999 йил 25 март куни рўйхатдан ўтган Акциядорлик тижорат банки Ўзсаноатқурилишбанк номидан Республика бошқарувининг 2014 йил 4 февралдаги 25/4-сон ишончномасига асосан ҳаракат қилувчи АТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг АТБ Янгийўл филиали бошқарувчиси – Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ўқитувчилар кўчаси, 68-уйда пропискада турувчи Қаҳҳоров Дилшод Олимжонович (паспорт АА 2456698, Янгийўл туман ИИБ томонидан 01.12.2014 йилда берилган) бундан буён матнда КРЕДИТОР деб юритилувчи бир тарафдан ва Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Соҳил кўчаси, 1-уйда пропискада турувчи Раҳимбаева Хилола Юлдашевна (паспорт АА 1447563, Янгийўл туман ИИБ томонидан 04.08.2010 йилда берилган) бундан буён матнда КАФИЛ деб юритилувчи иккинчи тарафдан ҳамда Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Бобур кўчаси, 35-уйда пропискада турувчи Маҳмудова Зуҳра Умаралиевна (паспорт АА 2356614, Янгийўл туман ИИБ томонидан 14.07.2009 йилда берилган) бундан буён матнда ҚАРЗДОР деб юритилувчи учинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

## 1. Шартнома предмети

1.1. КАФИЛ ушбу шартномага мувофиқ КРЕДИТОР ва ҚАРЗДОР ўртасида 2014 йил 28 сентябрда тузилган 361-сонли кредит шартномаси бўйича ҚАРЗДОРНИНГ барча мажбуриятлари, яъни ҳозирда мавжуд бўлган ва кейинчалик келажакда вужудга келиши мумкин бўлган мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан КРЕДИТОР олдида чақириб олинмайдиган тарзда ва сўзсиз жавоб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## 2. Кафиллик билан таъминланган мажбуриятлар

2.1. Ушбу шартнома бўйича кафиллик билан таъминланган мажбуриятлар асоси шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган кредит шартномаси ҳисобланади, бунда:

кредитнинг умумий миқдори – 5.100.000 (беш миллион бир юз минг) сўм;

кредитнинг қайтарилиш муддати – ___ ________ 20___ йил;

кредитдан фойдаланганлик учун – 16% (фоиз).

2.2. КАФИЛ ушбу шартномага асосан КРЕДИТОР олдида фоизлар тўлаш, қарзни ундириб олиш бўйича суд харажатларини ва ҚАРЗДОР томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли неустойка ва КРЕДИТОР кўрган бошқа зарарларни тўлаш юзасидан ҚАРЗДОР билан тенг жавоб беради. КАФИЛ ва ҚАРЗДОРНИНГ жавобгарлиги солидар ҳисобланади.

## 3. Кафилнинг мажбуриятлари

3.1. Кафиллик билан таъминланган мажбуриятлар ҚАРЗДОР томонидан бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда ва КРЕДИТОРНИНГ биринчи талабига асосан, КАФИЛ кредит тўловларини, кредит бўйича ҳисобланган фоизларни ва бошқа тўловларни кредит шартномасидаги ҚАРЗДОРНИНГ мажбуриятлари билан белгиланган муддат ва миқдорда тўлаш мажбуриятини олади.

3.2. КРЕДИТОРнинг талабига кўра КАФИЛ йилнинг ҳар чорагининг биринчи ойида иш жойидан даромади тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш мажбириятини ўз зиммасига олади.

3.3. Агар ҚАРЗДОР мажбуриятларини бажариш тўғрисида талаб қўйилгандан бошлаб, 3 (уч) банк иш кунида КРЕДИТОРнинг бу талабини бажармаса, КАФИЛ:

а) кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш ҳақидаги талаб ҚАРЗДОР томонидан бажарилмаган тақдирда КАФИЛ кредит шартномаси бўйича талабларни қондириш учун етарли бўладиган суммани кейинчалик КРЕДИТОР кўрсатган ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олади;

б) КАФИЛ ўзининг ҳисоб рақами бўлган банкка КРЕДИТОРнинг талабига биноан ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳаракати ҳақида маълумот бериш ҳуқуқини беради;

в) КАФИЛ ҳисоб рақами мавжуд бўлган банкка КРЕДИТОРнинг биринчи талабига асосан ўзининг розилигисиз

КРЕДИТОР талаб қилган валютада ўзининг ҳисоб рақамларида мавжуд бўлган маблағларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўчириш тўғрисида фармойиш беради.

3.4. КАФИЛ мазкур шартнома амалда бўлган даврда КРЕДИТОРнинг ёзма розилигисиз бошқа банкларда ҳисоб рақам очмаслик мажбуриятини олади.

## 4. Кредиторнинг мажбуриятлари

4.1. ҚАРЗДОРнинг КРЕДИТОР олдидаги мажбуриятларини КАФИЛ бажарганда, КРЕДИТОР ҚАРЗДОРГА бўлган талабларни тасдиқловчи ҳамма ҳужжатларни ҳамда ушбу талабларни таъминлайдиган ҳуқуқни топшириш мажбуриятини олади.

## 5. Шартномани бажариш тартиби

5.1. Кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар ҚАРЗДОР томонидан бажарилмаган тақдирда КРЕДИТОР кредит шартномаси бўйича ўзининг талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган тегишли пул маблағларини КАФИЛнинг ҳисоб рақамидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олади.

5.2. Кредит шартномаси бўйича ҚАРЗДОРнинг мажбуриятларини бажарган КАФИЛга КРЕДИТОРнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлар ҳамда гаровга олувчи сифатида КРЕДИТОРга тегишли бўлган ҳуқуқлар КАФИЛ томонидан КРЕДИТОРнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирилган бўлса, шунча ҳажмда ўтади.

5.3. Мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун КАФИЛ томонидан КРЕДИТОРга кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўловнинг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

Пеня тўланиши КАФИЛнинг мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришидан озод этмайди.

## 6. Қўшимча шартлар

6.1. Мазкур шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тарафларнинг розилиги билан қўшимча битим тузиш йўли билан амалга оширилади. Тарафларнинг келишуви билан ҳал этилмаган барча низолар суд орқали ҳал қилинади.

6.2. Мазкур шартнома тарафлар имзолаганидан сўнг кучга киради ва тарафлар мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

6.3. Шартномани расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни ҚАРЗДОР тўлади.

6.4 Биз – тарафлар шартноманинг матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни, моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари бизга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли, унинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади.

6.5. Ушбу шартнома тарафлар томонидан тўрт нусхада тузилиб, имзоланди, улардан бир нусхаси Янгийўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга берилди.

ИМЗОЛАР:
1. ____________________________________________________
2. ____________________________________________________
3. ____________________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

## Ипотека шартномаси

______________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

______________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

______________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Қодирий кўчаси, 2-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида 2013 йил 8 июль куни 23-сон билан рўйхатга олинган BUYUK IPAK YO'LI Акциядорлик инвестиция тижорат банки номидан BUYUK IPAK YO'LI АИТБ томонидан 2014 йил 2 январь куни берилган 16/2-сонли ишончномага асосан ҳаракат қилувчи BUYUK IPAK YO'LI АИТБ Самарқанд туман филиалининг корпоратив кредитлаш бўлими бош мутахассиси – Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, М.Риёзий кўчаси, 18-уй, 39-хонадонда яшовчи Салиева Гулбадан Мирхаевна (паспорт АА 2058659, 04.10.2013 йилда Самарқанд шаҳар ИИБ томонидан берилган) бундан буён матнда ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИ деб юритилувчи бир тарафдан, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Искандар қишлоғида жойлашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги OSBORN TEXTILE хорижий корхонаси (СТИР 206939506) номидан Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан 13.10.2011 йилда 129-сон билан рўйхатга олинган устав ва хорижий корхона томонидан 24.01.2014 йилда берилган 74-сонли ишончномага асосан ҳаракат қилувчи – Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, Н.Норимонов кўчаси, 15-уй, 29-хонадонда яшовчи, хорижий корхона директор ўринбосари – Толипов Баҳром Самадович (паспорт АА 0621355, Самарқанд шаҳар ИИБ томонидан 04.07.2012 йилда берилган) бундан буён матнда ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ деб юритилувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИ 2013 йил 27 декабрда тузилган банк кредити ва банк кафолатлари тақдим этиш тўғрисидаги бош келишувга асосан ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИга айланма маблағларни тўлдириш, хом ашё ва қурилмалар сотиб олиш, божхона, солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш, ойлик маошларни тўлаб бериш ва бошқа харажатлар учун 36 (ўттиз олти) ой муддатга, яъни ___ ________ 20___ йилгача 6.000.000 (олти миллион) АҚШ долларигача бўлган миқдорда кредит ва банк кафолатлари тақдим этади.

2. ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИга кредит таъминоти сифатида ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ ўзига тегишли бўлган Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Искандар қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган ер майдони 11,0197 гектардан иборат корхона бино ва иншоотларини гаровга тақдим қилади.

3. Гаровга қўйилган корхона бино ва иншоотлари қуйидагилардан иборат:

умумий майдони 22159,3 (йигирма икки минг бир юз эллик тўққиз бутун ўндан уч) кв.м.ни ташкил этиб – 0001-литердаги 3 қаватли маъмурий бино (етмиш бир хонали) – 1286,49 кв.м., 0003-литердаги 3 қаватли маиший бино (олтмиш беш хонали) – 2 123,42 кв.м., 0005-литердаги 2 қаватли цех биноси (ўттиз хонали) – 6948,83 кв.м., 0006-литердаги ТП (беш хонали) – 160,24 кв.м., 0007-литердаги цех биноси (бир хонали) – 371,64 кв.м., 0008-литердаги 2-сонли совутгич биноси (ўн етти хонали) – 249,56 кв.м., 0009-литердаги цех биноси (икки хонали) – 1408,42 кв.м., 0011-литердаги ТП (уч хонали) – 113,63 кв.м., 0013-литердаги 4-сонли совутгич биноси (саккиз хонали) – 182,21 кв.м., 0015-литердаги 1-сонли совутгич биноси (беш хонали) – 161,02 кв.м., 0016-литердаги генератор биноси (икки хонали) – 200,1 кв.м., 0017-литердаги қозонхона биноси (уч хонали) – 302,59 кв.м., 0018-литердаги сув тортгич биноси, 0023-литердаги омборхона, 0024-литердаги ёнғинга қарши биноси (етти хонали) – 103,22 кв.м., 0026-литердаги сув тортгич биноси (бир хонали) – 21,15 кв.м., 0030-литердаги газ тақсимлаш биноси (бир хонали) – 3,8 кв.м., 0031-литердаги сармоя омборхонаси (ўн тўрт хонали) – 1087,69 кв.м., 0041-литердаги тозалаш биноси, 0042-литердаги 3-сонли совутгич биноси (ўн олти хонали) – 202,75 кв.м.;

корхона бино ва иншоотларининг инвентарь баҳоси 7.646.152.079 (етти миллиард олти юз қирқ олти миллион бир юз эллик икки минг етмиш тўққиз) сўмни ташкил этиб, ушбу ҳолатлар Самарқанд туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси томонидан 2014 йил 17 январь куни берилган 73-сонли маълумотнома билан тасдиқланади.

4. Гаровга қўйилаётган фабрика бино ва иншоотлари ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИга Самарқанд туман ҳокимининг 23.09.2010 йилдаги 1170-сонли қарорига асосан тегишли бўлиб, қарор Самарқанд туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида 21.12.2010 йилда 4-сон кадастр китобига 265-рақам билан 265-варағига ёзилиб, 11-03-01-01-02-0131 кадастр рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

5. Гаровга қўйилган мулк тарафлар томонидан 2013 йил 27 декабрь куни тузилган баҳолаш далолатномасига асосан 7.345.669.500 (етти миллиард уч юз қирқ беш миллион олти юз олтмиш тўққиз минг беш юз) сўмга баҳоланди, бунда мазкур маблағ шартнома расмийлаштирилаётган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 3.343.089 (уч миллион уч юз қирқ уч минг саксон тўққиз) АҚШ доллари эквивалентини ташкил этади. Мазкур пул маблағи кредитга қўйилган мулк кредит таъминотини қисман қоплайди, қолган қисми томонлар ўртасида ўзаро тасдиқланган асосий воситалар гаров шартномаси билан таъминланади.

6. 2013 йил 27 декабрь куни тузилган бош келишувга асосан ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаров мол-мулк ҳисобидан ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИнинг талабларини тўғридан-тўғри ва сўзсиз бажариш мажбуриятини тўлиқ тан олади ва қабул қилади.

7. Гаров нарсаси ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИнинг ихтиёрида фойдаланиш ҳуқуқи билан, аммо тасарруф этиш ҳуқуқисиз қолади.

ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ гаров нарсасини ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИнинг рухсати билан тасарруф этиши мумкин.

8. ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

гаров нарсасининг ҳужжатлар бўйича амалда мавжудлигини, миқдори, ҳолати ва сақланиш шароитини текшириш;

гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан унинг тўла қиймати бўйича ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ ҳисобидан суғурталанишини талаб қилиш;

гаровга қўйилган мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш учун, шу жумладан учинчи шахсларнинг тажовузлари ва талабларидан ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўришни талаб қилиш;

гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки унинг шикастланиши хавфи пайдо бўлганлиги тўғрисида иккинчи томонни дарҳол огоҳлантиришни талаб қилиш;

гаров билан таъминланган, мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда мажбуриятнинг олдиндан бажарилишини талаб қилиш ва ундирувни гаров нарсасига қаратиш;

гаровга қўйилган мол-мулк шикастланган ёки йўқолган тақдирда у кимнинг фойдасига суғурта қилинганлигидан қатъи назар, суғурта товони ҳисобидан ундириб олиш;

кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИ қонун ҳужжатларига мувофиқ, мажбуриятнинг ижросини гаров мулкига қаратиш.

9. ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИ қуйидаги мажбуриятларга эга:

ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ гаров билан таъминланган мажбуриятни бажарган тақдирда ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИ гаров тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказишини амалга оширувчи органга кредит таъминотининг тўлиқ қопланганлиги ҳақида маълумотнома бериш.

10. ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан олдин бажариш;

ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИнинг розилиги билан гаров нарсасини алмаштириш (уни бошқа тенг қийматли мол-мулкка ёки ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИнинг талабларини тез қаноатлантириш хусусиятларига эга таъминот турларига ва бошқа шу кабиларга);

банк кафолати, суғурта шартномаси ёки бошқа ликвид мулкнинг гаровига алмаштириш;

гаров мулкидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, шу жумладан ундан самара ва даромадлар чиқариб олиш.

11. ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИнинг мажбуриятлари:

ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратиш учун асослар вужудга келганда, ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИнинг талабларини қаноатлантириш;

гаров мулкининг йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан асосий мажбуриятларни ижро қилиш муддати даврида ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИ фойдасига суғурта қилдириш ва суғурта полисини унга тақдим қилиш;

гаровга қўйилган мол-мулкнинг бекор бўлиши ёки унинг қиймати камайишига сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатлар қилмаслик;

ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИга гаровга қўйилган мол-мулк билан содир бўлган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни хабар бериш;

ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИнинг рухсатисиз ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ кредит шартномасида белгиланган мажбуриятларни тўлиқ бажармагунга қадар гаров мулкини тасарруф қилмаслик;

12. Гаров мол-мулки ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИнинг розилигисиз тасарруф этилиши (қайта гаровга қўйиш ва ижарага бериш) ман этилади. Унинг розилигисиз гаров мулки тасарруф этилган тақдирда ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИга гаров мулки қийматининг фоизи миқдорида жарима тўлайди ва гаров мулкининг ўрнини босувчи харидоргир ашё ёки бошқа гаров мулкини тақдим этади ва уни ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИ фойдасига ўз ҳисобидан қонуний расмийлаштириб беради.

13. ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИга ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ ундирувни гаров мулкига қаратишга тўсқинлик қилса ёки ундирувни гаров мулкига қаратиш тўғрисида ўз ҳисобидан нотариал тасдиқланган келишувни тузишни кечиктирса, ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИга ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган мажбурият суммасининг 0,5% фоизи миқдорида, лекин мажбурият суммасининг 1% фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

14. Тарафларнинг шартномада белгиланмаган жавобгарлиги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

15. Ўзбекистон Республикасининг Ипотека тўғрисидаги Қонунининг 9-моддасига асосан гаровга қўйилган мулкнинг мулкдорларидан белгиланган тартибда ёзма равишда розилик олинди (масъулияти чекланган жамияти шаклидаги OSBORN TEXTILE хорижий корхонанинг 03.12.2013 йилдаги 16-сонли навбатдан ташқари таъсисчилар умумий йиғилиши баённомаси).

16. Гаров мол-мулки KAFOLAT Акциядорлик жамияти суғурта компанияси томонидан 2014 йил 10 январь куни тузилган 02-2014-сонли суғурта шартномаси ва 13.01.2014 йилда берилган 0186757-сонли суғурта полиси асосида ___ ________ 20__ йилдан ___ ________ 20__ йилгача суғурталанган ва бу ҳақида ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИ таништирилди.

17. Тарафлар ушбу шартнома мажбуриятларини бажаришдан фақат форс-мажор ҳолатларда, яъни табиий офатлар, зилзила, сел, ёнғин ҳолатлари юз берганда озод қилинадилар. Тарафларнинг мажбуриятини бажаришдан озод қилиниши учун бу форс-мажор ҳолатлар мажбуриятнинг бажарилмаслигига тўғридан-тўғри тўсқинлик қилган бўлиши лозим.

18. Ушбу шартномага ўзгартириш, қўшимча киритиш ёки бекор қилиш ёзма тартибда тарафларнинг келишувига асосан амалга оширилади. Низо келиб чиққан тақдирда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

19. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 270, 271, 272, 274, 277, 279, 280, 283, 285, 286-моддалари, Гаров тўғрисидаги Қонуннинг 26–28-моддалари ва Ипотека тўғрисидаги Қонуннинг 7 ва 8-боблари мазмуни биз – тарафларга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли.

20. Мазкур шартнома имзолангунга қадар гаров мулки – корхона бино ва иншоотлари бошқа шахсга ўтказилмаган, низода йўқ ва ипотекага олиниши тақиқланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонуни 64-моддасига асосан корхона бино ва иншоатларига нисбатан тақиқ қўйилди.

21. Ушбу шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Самарқанд туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

22. Ушбу шартномани расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ тўлади.

23. Ушбу шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ ўз зиммасига олади.

24. Биз – тарафлар шартнома матнини ўқиб чиқдик, унинг мазмун-моҳияти, хуқуқий оқибатлари бизга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли, унинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади.

25. Ушбу шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб, имзоланди, улардан бир нусхаси Самарқанд туман 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга берилди.

ИМЗОЛАР:

1. Ипотекага олувчи ________________________________________
2. Ипотекага қўювчи _______________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

# Гаров шартномаси

________________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

________________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

________________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида 1991 йил 29 июль куни 1580/17-32-сон билан рўйхатга олинган Акциядорлик тижорат банки QISHLOQ QURILISH BANK номидан 2012 йил 3 январь куни берилган 19-26/20-сонли ишончнома бўйича ҳаракат қилувчи АТБ QISHLOQ QURILISH BANKнинг ўазалкент филиали бошқарувчиси – Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Озодбош қўрғони, Фурқат кўчаси, 39-уйда яшовчи Ишанкулов Фарҳод Айтбаевич (паспорт АА 0370988, Гулистон туман ИИБ томонидан 08.09.2013 йилда берилган), бундан буён матнда ГАРОВГА ОЛУВЧИ деб юритилувчи бир тарафдан ва Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, ўазалкент шаҳар, А. Темур кўчасида жойлашган G‘AZALKENT MAXSUS SAVDO масъулияти чекланган жамияти, жамият номидан (СТИР 300600320) Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 14.04.2008 йилда 58-сон билан рўйхатга олинган устав ва жамиятнинг 04.04.2008 йилдаги 1-сонли баённомаси ҳамда 04.04.2008 йилдаги 1-сонли буйруғига асосан ҳаракат қилувчи – жамият раҳбари, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, ўазалкент шаҳар, Ибн Сино кўчаси, 34-уйда пропискада турувчи Фаттахов Юсупжан Нусратуллаевич (паспорт СВ 1709013, Бўстонлиқ туман ИИБ томонидан 13.08.2002 йилда берилган) бундан буён матнда ҚАРЗ ОЛУВЧИ деб юритилувчи иккинчи тарафдан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, ўазалкент шаҳар, Ибн Сино кўчаси, 34-уйда пропискада турувчи Фаттахов Юсупжан Нусратуллаевич (паспорт СВ 1709013, Бўстонлиқ туман ИИБ томонидан 13.08.2002 йилда берилган) бундан буён матнда ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ-1 деб юритилувчи учинчи тарафдан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хондойлиқ қишлоғи, 7-уйда пропискада турувчи Шосултанов Шамил Маратович (паспорт АА 0793077, Бўстонлиқ туман ИИБ томонидан 05.02.2013 йилда берилган) бундан буён матнда ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ-2 деб юритилувчи тўртинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. ГАРОВГА ОЛУВЧИ 2013 йил 6 мартда тузилган 10/13-сонли кредит шартномасига асосан ҚАРЗ ОЛУВЧИга айланма маблағларни тўлдириш, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун 12 (ўн икки) ой муддатга, яъни ___ ________ 20___ йилгача, йиллик 18 % (ўн саккиз) фоиз миқдорида устама билан 37.000.000 (ўттиз етти миллион) сўм кредит беради.

2. Кредит шартномаси талабларини ўз вақтида таъминлаш мақсадида ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ-1га Тошкент вилояти ИИБ ЙХХБ 2-сон ТРИБ томонидан 11.02.2009 йилда берилган серия ААС № 1663414 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан тегишли бўлган МАТИЗ русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 051560, кузов рақами XWB4A11AD9A214349, шасси – рақамсиз, ранги – кулранг (серебристый металлик), давлат рақами белгиси 10N898AA бўлган ва ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ-2га Тошкент вилояти ИИБ ЙХХБ 2-сон ТРИБ томонидан 21.11.2012 йилда берилган серия ААС № 3995154 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан тегишли бўлган ДАМАС русумли, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 968075, кузов рақами XWB7T12YDDA000014, шасси – рақамсиз, ранги – оқ (белый), давлат рақами белгиси 10V227GA бўлган автомашиналарни ГАРОВГА ОЛУВЧИга гаровга қўяди.

3. Гаровга қўйилган мулкларнинг бошқаруви ГАРОВГА ҚЎЮВЧИЛАРда қолади ва тарафлар гаровга қўйилган мулкни 06.03.2013 йилда тузилган баҳолаш далолатномасига асосан Матиз русумли автотранспорт воситаси 20.500.000 (йигирма миллион беш юз минг) сўм ва Дамас русумли автотранспорт воситаси 26.000.000 (йигирма олти миллион) сўмга баҳоладилар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Гаров тўғрисидаги Қонуни 7-моддасига асосан автотранспорт воситасини гаровга қўйишга ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ-1 ва ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ-2ларнинг хотин (эр)ларининг розилик аризаси олинди.

5. ГАРОВГА ОЛУВЧИ асосий мажбурият бўйича талаб муддати бошланган пайтдан бошлаб ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратиш ҳуқуқига эга бўлади, агарда шартномада ёки қонунларда имтиёзли муддат белгиланмаган бўлса.

6. ҚАРЗ ОЛУВЧИ гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бир қисмини бажарган тақдирда ГАРОВГА ҚЎЮВЧИЛАР гаровга қўйилган барча мол-мулкка бўлган ҳуқуқни сақлаб қолади.

7. ҚАРЗ ОЛУВЧИ гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда ГАРОВГА ОЛУВЧИнинг талаби гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қондирилади. Қонунда кўрсатилган ҳолларда гаровга қўйилган мулкни ундириб олиш бўйича мурожаат қилиш низосиз тартибда ҳал қилинади.

8. Гаров мулкини ундириш бўйича мурожаат қилинганда ГАРОВГА ОЛУВЧИнинг талаби бошқа кредиторларга нисбатан имтиёзли тарзда қондирилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

9. Агар гаров нарсасини сотишдан тушган сумма гаров мажбуриятини таъминлаш бўйича ГАРОВГА ОЛУВЧИ талаб қилган миқдордан кўп бўлса, ГАРОВГА ОЛУВЧИ бир ой муддат ичида ГАРОВГА ҚЎЮВЧИЛАРга ўртадаги фарқини тўлаши шарт.

10. ГАРОВГА ҚЎЮВЧИЛАР гаров мулкини сақлаш учун жавобгардир.

11. ГАРОВГА ҚЎЮВЧИЛАР гаровга қўйилган мулкни ГАРОВГА ОЛУВЧИнинг ёзма равишдаги рухсатномаси бўлган тақдирдагина қайта гаровга қўйишга ёки тасарруф этишга ҳақли бўладилар.

12. ГАРОВГА ҚЎЮВЧИЛАР мақсадга мувофиқ равишда талаб қилинадиган аҳволда мулкни сақлаш ва жиддий зарар етказилишининг олдини олиш ва унинг келиб чиқишига йўл қўймасликка мажбурдирлар.

13. Гаров мулклари UZAGROSUG‘URTA Давлат суғурта компанияси томонидан 06.03.2013 йилда тузилган 14-сонли гаровга қўйилаётган транспорт воситаларини суғурта қилиш шартномаси ва 07.03.2013 йилдаги 0110460 ва 0110461-сонли суғурта полислари асосида ___ ________ 20__ йилдан ___ ________ 20__ йилгача суғурталанган ва бу ҳақида ГАРОВГА ОЛУВЧИ таништирилди.

14. ГАРОВГА ОЛУВЧИнинг ҚАРЗ ОЛУВЧИ ва ГАРОВГА ҚЎЮВЧИЛАР билан ушбу шартномада кўрсатилмаган муносабатлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

15. Гаровга қўйилаётган мулклар бошқа шахсга ўтказилмаган, низода йўқ ва гаровга қўйиш тақиқланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонуни 64-моддасига асосан гаровга қўйилган автотранспорт воситаларига нисбатан тақиқ қўйилди.

16. Ушбу шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тарафлар ўртасида қўшимча шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади, низолар келиб чиққан тақдирда суд томонидан ҳал қилинади.

17. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 268, 274, 279, 280, 281-моддалари биз – тарафларга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли.

18. Ушбу шартнома ИИВнинг тегишли ДЙҲХХ органларида 10 кун ичида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

19. Ушбу шартномани расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ тўлади.

20. Биз – тарафлар шатнома матнини ўқиб чиқдик, унинг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари бизга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли, унинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади.

21. Ушбу шартнома тарафлар томонидан ASh № ________ TS серияли гербли (махсус) бланкада беш нусхада тузилиб имзоланди, улардан бир нусхаси Бўстонлиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга давлат рўйхатидан ўтказиш учун берилди.

ИМЗОЛАР:
ГАРОВГА ОЛУВЧИ ____________________________________
ҚАРЗ ОЛУВЧИ ________________________________________
ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ-1 __________________________________
ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ-2 __________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

## Молиявий ижара (лизинг) шартномаси

____________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

____________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

____________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Тошкент шаҳар, Фарғона йўли кўчаси, 1-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида 2000 йил 25 январь куни 3-сон билан рўйхатга олинган BUYUK IPAK YO'LI Акциядорлик инвестиция тижорат банки номидан, Устав асосида ҳаракат қилувчи банк раҳбари – Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 12-уйда пропискада турувчи Раҳимов Анвар Раҳимович (паспорт СА 5665989, Чилонзор туман ИИБ томонидан 23.10.2013 йилда берилган) бундан буён матнда ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ деб юритилувчи бир тарафдан ва Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Навоий кўчаси, 1-уйда жойлашган, Янгийўл туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2000 йил 15 март куни 34-сон билан рўйхатга олинган NILUFAR хусусий корхонаси номидан, Устав асосида ҳаракат қилувчи корхона раҳбари – Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Беруний кўчаси, 20-уйда пропискада турувчи Олимов Анорбек Икрамович (паспорт СВ 12345615, Янгийўл туман ИИБ томонидан 11.03.2013 йилда берилган) бундан буён матнда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ деб юритилувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

### 1. Шартноманинг предмети

1.1. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИНИНГ аризасига (1-сон илова) мувофиқ ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ танлаган қуйидаги мол-мулкларни унга кейинчалик лизингга топшириш учун тўлаш мажбуриятини олади:

| Т/р | Мол-мулкнинг номи | Типи, модели, маркаси | Хизмат кўрсатиш муддати | Микдорий бирлиги | Маҳсулот етказувчининг номи ва маҳсулот етказиб бериш шартномасининг сони, рақами ва санаси | Маҳсулот етказиб бериш муддати | Мол-мулкнинг қиймати (млн. сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |

Жами мол-мулк _________________________________________ млн. сўмни ташкил этади.

1.2. _________________________________________________________ манзилида жойлашган мол-мулкнинг туриш жойини ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан алмаштирилиши ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

1.3. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ушбу шартномага мувофиқ мол-мулкни ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга кейинчалик уни лизингга бериш учун сотиб олганлиги тўғрисида сотувчини хабардор қилиши шарт.

1.4. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ маҳсулот етказиб берувчи билан 1.1-бандида кўрсатилган мол-мулкларнинг барча техник иқтисодий тавсифлари, бунга қўшиб спецификация, мол-мулкларининг сифати бўйича сотувчининг кафолатлари, муддатлари ва маҳсулотларни етказиб бериш жойини келишиб олади ва у билан ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланувчи спецификация билан бирга тижорат контракти тузади.

## 2. Лизинг муддати

2.1. 1.1-бандда кўрсатилган мол-мулклар ЛИЗИНГ ОЛУВЧИГА уни қабул қилиб олган санадан бошлаб _____ой муддатга, яъни ___ ________ 20___ гача молиявий лизингга топширилади.

## 3. Мол-мулкларни қабул қилиб олиш

3.1. Ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган мол-мулкларни қабул қилиб олиш – етказиб берилган жойда ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг вакили иштирокида ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан амалга оширилади.

3.2. Мол-мулкларни қабул қилиб олиш – тижорат контрактида назарда тутилган мол-мулкларни етказиб беришнинг бутлиги ва унинг техник иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқлигини тасдиқловчи Қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Қабул қилиш далолатномаси ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ, ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ва маҳсулот етказиб берувчиларнинг вакиллари томонидан имзоланади.

3.3. Қабул қилиш тадбирларига боғлиқ харажатларни ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ тўлайди.

3.4. Қабул қилиб олинган мол-мулкнинг аниқланган камчиликлари Қабул қилиш далолатномасида акс эттирилади. Бунда ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ камчиликларнинг тузатиш муддатини кўрсатиш билан биргаликда бартараф этишга ҳам топшириқ беради.

Камчиликни бартараф этиш мумкин бўлмаса, маҳсулот етказиб берувчи камчилиги бор мол-мулкни ўз ҳисобидан алмаштиришга мажбур.

3.5. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ камчиликлари бўлган мол-мулкдан меъёрида фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолда уни қабул қилишни рад этса, у ЛИЗИНГ БЕРУВЧИни (албатта, аниқлаган камчиликлари, дефектини кўрсатган ҳолда ва далиллари билан) ёзма равишда хабардор қилиб қўйиши лозим. Кўрсатилган далиллар ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга мол-мулкнинг олди-сотди шартномасини бекор қилиш ҳуқуқини беради.

3.6. Мол-мулкларни қабул қилиш маҳсулот етказиб берилган санадан бошлаб ўттиз кун ичида Қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилиши лозим. Агар кўрсатилган муддатда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ Қабул қилиш далолатномасини имзоламаса ва бу вақтнинг ичида ушбу шартноманинг 3.5-бандига мувофиқ қабул қилишни рад этиш тўғрисида арз қилмаса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

3.7. Лизинг олувчи мол-мулкларни қабул қилиб олингандан кейин маҳсулот етказиб берувчига нисбатан ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг барча ҳуқуқларини ўз зиммасига олади ва ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг барча зарарлар ҳамда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш билан боғлиқ ҳоллардан озод қилади. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг мол-мулкларни қабул қилиб олиш санасидан бошлаб мол-мулкларнинг сифати борасидаги ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга нисбатан ҳар қандай бевосита ёки билвосита талаблари рад қилинади.

3.8. Тарафлар мол-мулкнинг Қабул қилиш далолатномасини имзолаш вақтида у қандай бўлса, шу ҳолда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга топширилган деб ҳисоблайдилар.

## 4. Мол-мулкка мулк ҳуқуқи ва фойдаланиш ҳуқуқи

4.1 Ушбу шартнома бўйича мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга ўтади. Бу ҳуқуқ маҳсулот етказиб берувчининг ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ билан тижорат контрактининг барча шартларига риоя этилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи Қабул қилиш далолатномасини ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ олгандан кейин маҳсулот етказиб берувчига мол-мулкнинг қиймати тўланган вақтдан бошлаб ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга ўтади.

4.2. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ Қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб мол-мулкнинг сақланишига жавобгарликни ва мол-мулкнинг ўғирланиши, бузилиши ва бошқалар натижасида нобуд

бўлишини бартараф қилиш бўйича зарур чораларни қўллаш, ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг мулк ҳуқуқини ўз ҳисобидан ҳимоя қилиш мажбуриятини олади.

4.3. Ушбу шартномага кўра молиявий лизингга берилган мол-мулкдан фойдаланишнинг мутлақ ҳуқуқи, шу жумладан кўрсатилган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот ва даромадлар ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг мутлақ мулк ҳуқуқига тегишли бўлади.

## 5. Мол-мулкни суғурта қилиш

5.1. Мол-мулкни етказиб бериш жойига транспортда ташиб келишда унинг нобуд бўлиши, йўқолиши, бузилиши, ўғирланиши билан боғлиқ барча хавфлардан суғурта қилишни тарафлар келишувига асосан ҳал қилинади.

5.2. Мол-мулкнинг етказиб берилган вақтдан бошлаб нобуд бўлиши, йўқолиши, бузилиши, ўғирланиши, вақтидан олдин емирилиши билан боғлиқ барча хавфларни ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ ўз зиммасига олади. У мол-мулкни етказиб берилган санасидан бошлаб ўн беш кун ичида ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг фойдасига ўз ҳисобидан барча хавфлардан мол-мулкни суғурта қилиш мажбуриятини олади ва ўттиз кун ичида ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга суғурта полисини тақдим қилади.

5.3. Суғурта ҳодисаси рўй берганда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ қуйидаги тадбирларни қабул қилиш мажбуриятини олади:

а) ўз ҳисобидан ва ўз ихтиёри бўйича зарарланган мол-мулкни таъмирлаш;

б) агар мол-мулкни таъмирлаш мумкин бўлмаса, уни ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга маъқул бўлган бошқасига алмаштириш;

в) ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга лизинг тўловларини тўлаш бўйича барча қарзларни узиш, мол-мулкларнинг лизинг объектининг қолдиқ қийматини ва неустойкани тўлаш.

## 6. Мол-мулкдан фойдаланиш

6.1. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ мол-мулкка бевосита белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш, уни яроқли ҳолда сақлаш, тегишли андозаларга (стандартларга), техник шартларга ва тайёрловчи корхона йўриқномасига риоя қилиш мажбуриятини олади.

6.2. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ ўз ҳисобидан мол-мулкни техник таъмирлаш хизматларини амалга оширади.

6.3. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ мол-мулкни унинг сифати ва фойдаланиш тавсифини ўзгартиришлар (модификация)ни амалга оширмаслик мажбуриятини олади. Мол-мулкни конструктив ўзгартириш (модификациялаш) фақат ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг ёзма розилиги билан ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан унинг ҳисобидан амалга ошириши мумкин.

6.4. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг ёзма розилигисиз ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ мол-мулкни у турган ва фойдаланаётган жойдаги хона конструкциясига ёки бошқа ҳар қандай кўчмас мулк, мол-мулкни фойдаланиш қоидалари ва техника хавфсизлигида назарда тутилган, технологик зарурий мустаҳкамлашдан ташқари ҳар қандай усулда яхши ҳолатда сақлаш ва фойдаланишга мажбур.

6.5. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг ёзма розилиги билан ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ мол-мулкни сублизингга бериш ҳуқуқига эга. Мол-мулкнинг сақланиши, шунингдек, лизинг тўловларининг ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг ўзида сақланиб қолади.

6.6. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг талабига кўра ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ мол-мулкнинг аҳволи тўғрисида унга ўз вақтида ахборот бериш мажбуриятини олиши мумкин.

6.7. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ мол-мулкдан фойдаланишнинг аҳволи ва шартларини ҳар қандай вақтда текшириш ҳуқуқига эга.

## 7. Лизинг тўловлари

7.1. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг ушбу шартнома бўйича унга лизингга берилган мол-мулкнинг фойдаланиш ҳуқуқини тақдим қилганлиги учун ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга __________ сўм миқдоридаги лизинг тўловларини даврларга бўлиб тўлаш мажбуриятини олади, жумладан қуйидаги йиллар бўйича:

20___ йил __________________________________________ сўм;
20___ йил __________________________________________ сўм;
20___ йил __________________________________________ сўм;
20___ йил __________________________________________ сўм.

7.2. Лизинг тўловларини тўлашни ҳар ойда ушбу шартноманинг 7.1-бандига мувофиқ лизинг тўловларининг йиллик суммасидан тенг улушларда, мол-мулкдан амалий фойдаланишдан қатъи назар, илова қилинган жадвалга биноан, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг ҳисоб рақамидан тўлов талабномасининг топшириғига кўра амалга оширилади.

*Изоҳ: тарафлар тўловларни амалга оширишнинг улар учун қулай бўлган ҳар қандай усули ва муддатларини келишишлари ва белгилашлари мумкин.*

7.3. Кейинги ой (чорак)нинг ______ санасигача ЛИЗИНГ ОЛУВЧИдан ундириладиган тўловларни узиш учун маблағлар ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг ҳисоб рақамига келиб тушган ҳолда, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИдан ундириладиган тўловлар ўз вақтида тўланмаган деб ҳисобланади.

ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ бундай ҳолда ЛИЗИНГ ОЛУВЧИдан тўловлар бўйича узилмаган қарзларнинг кечиктирилган ҳар бир куни учун кечиктирилган маблағнинг ______ % фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга бўлади.

7.4. Лизинг олувчи биринчи тўловни ушбу шартноманинг 7.1-бандидаги тўловларнинг умумий суммаси ҳисобидан ______________ млн. сўм тўлади.

## 8. Форс-мажор ҳолатлар

8.1. Тарафлар ушбу шартномага кўра мажбуриятларни бажармаганлиги учун, агар бундай бажармаслик амалдаги қонун ҳужжатларига кўра форс-мажор ҳолатлари билан боғлиқ деб тан олинса, жавобгарликдан озод бўладилар. Бундай ҳолларда шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш бўйича белгиланган муддатлар форс-мажор ҳолатлари давом этган муддатдан кейинги даврга ўтказилади.

8.2. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун тўсиқ пайдо бўлган тараф юқорида кўрсатилган ҳолатларнинг бошланиши ҳамда тамом бўлиши тўғрисида, улар бошланган ва тамом бўлган вақтдан бошлаб ўн кундан кечиктирмай бошқа тарафга ёзма шаклда хабар беришга мажбур.

## 9. Низоларни ҳал этиш

9.1. Агар тарафлар ушбу шартномани бажармаслиги натижасида ёки у билан боғлиқ юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар бўйича ўзаро келишув йўли билан келишувга эришилмаса, мазкур низо ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

## 10. Бошқа шартлар

10.1. Шартномага киритиладиган барча қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзоланади.

10.2. Шартномадан келиб чиқмайдиган тарафлар ўртасида янги мажбуриятлар келтириб чиқарувчи ҳар қандай келишувлар шартномага қўшимча шаклда тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланган бўлиши лозим.

10.3. Шартнома имзолангандан кейин тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки келишувлар, музокара ҳамда ёзишмалар, агар шартномада уларга ҳавола қилинмаса, ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

10.4. Ушбу шартнома тўрт нусхада тузилиб, имзоланди.

10.5. Ушбу шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади ва уларсиз шартнома юридик кучга эга эмас.

10.6. Тарафларнинг бирортаси ҳам ушбу шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа тарафнинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга беришга ҳақли эмас.

**11. Шартноманинг бекор қилиниши**

11.1. Шартнома унинг амалда бўлиш муддатининг ўтиши бўйича ёки шартномани бекор қилиш ҳолларида тугайди.

11.2. Шартнома тарафларнинг келишуви бўйича ёки агар тарафлардан бири уни бекор қилиш тўғрисида судга ариза берганда, суднинг қарори бўйича бекор қилиниши мумкин.

11.3. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

а) мол-мулкнинг олди-сотди шартномаси кучга кирмаса ёки ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга мол-мулкни етказиб бергунга қадар ҳар қандай сабаб бўйича бекор қилинган бўлса;

б) маҳсулот етказиб берувчи ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга мол-мулкни етказиш имконияти бўлмаганда ёки етказиб беришни ҳар қандай сабабга кўра рад қилганда.

Агар мазкур банднинг а ва б-бандларида назарда тутилган ҳолларда шартнома бекор қилинганда, ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ва ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ ушбу шартнома бўйича ўзаро мажбуриятлардан озод бўлади.

в) ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ ўттиз кундан ошмаган муддатнинг ичида ушбу шартномада назарда тутилган ҳар қандай тўловларнинг тури бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса;

г) ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ қарзларини тўлаш (бунга кечиктирганлик учун ундириладиган пеняни қўшиб) ҳақида талабнома олганидан бошлаб 3 (уч) ҳафта ичида қарзини узмаса;

д) ушбу шартноманинг амалда бўлиш даврида ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилган бўлса, мазкур банднинг в ва д бандларида кўрсатилган сабабларга кўра шартнома бекор қилинганда, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ битимни ёпиш суммасини ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга қуйидагиларни қўшган ҳолда тўлашга мажбур:

а) шартнома муддатининг тамом бўлиш вақтида, агар унда мол-мулкнинг қолдиқ қиймати бўйича қайта сотиб олиш назарда тутилган бўлса, мол-мулкнинг қолдиқ қийматини;

б) ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг барча қарзлари, шунингдек, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга шартнома бўйича барча тўланган лизинг тўловларининг суммаларини;

в) неустойкаларни.

11.4. Лизинг шартномасининг предмети бўлган мол-мулкнинг олди-сотди шартномаси мол-мулкни етказиб бериш учун жавобгарлик ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга ўтиши билан бекор қилинади.

11.5. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ мол-мулкларни қабул қилиб олишда уни меъёрида фойдаланишни истисно қилувчи камчиликларни аниқлаб бўлмаган ҳолларда, ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ ушбу шартномани бекор қилиш талаби тўғрисида мол-мулкни етказиб бериш тамом бўлган вақтдан бошлаб, 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай ЛИЗИНГ БЕРУВЧИни ёзма шаклда хабардор қилишга мажбур.

## 12. Шартнома амал қилиш муддатининг тамом бўлиши

12.1. Шартнома муддатининг ўтиши бўйича ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга шартномада назарда тутилган барча тўловларни тўлаганда шартнома тамомланган ҳисобланади.

12.2. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ва ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ битимнинг тамомланиши бўйича қуйидагиларга келишдилар:

мол-мулк ЛИЗИНГ ОЛУВЧИга ҳақ тўланмасдан берилади;

мол-мулк ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга қайтарилади ва бу билан боғлиқ харажатлар (ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ) ёки (ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ) томонидан амалга оширилади;

13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 313 ва 321-моддалари мазмуни нотариус томонидан тарафларга тушунтирилди.

14. Ушбу шартномани имзолаш билан боғлиқ харажатларни ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ тўлади.

15. Биз – тарафлар шартнома матнини ўқиб чиқдик, унинг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари бизга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли, унинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади.

16. Ушбу шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб, имзоланди, улардан бир нусхаси Чирчиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга берилди.

ИМЗОЛАР:
1. ____________________________________________________________
2. ____________________________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

***Изоҳ:*** *агар лизинг шартномаси предмети автомототранспорт воситаси бўлса, шартнома гербли (махсус) бланкада расмийлаштирилиши ва шартнома белгиланган тартибда тегишли ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилиши лозим ва бу ҳақида шартнома матнида кўрсатилади. Агар лизинг шартномаси предмети кўчмас мулк бўлса, шартнома белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши лозимлиги ҳақида шартнома матнида кўрсатилади.*

**Уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш шартномаси**

___________________________________________________________________________
*(нотариал округ номи)*

___________________________________________________________________________
*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

___________________________________________________________________________
*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, Бобур кўчаси, 9-уйда пропискада турувчилар – 1961 йилда туғилган Буваматов Равшан Рихсибоевич (СТИР 425630244, паспортСВ 2216305, Зарбдор туман ИИБ томонидан 13.04.2013 йилда берилган) ва 1970 йилда туғилган Буваматов Ўткир Рихсибаевич (СТИР 523265657, паспорт СВ 1338017, Зарбдор туман ИИБ томонидан 08.05.2011 йилда берилган) Зарбдор туман давлат нотариал идорасида 2014 йил 12 апрель куни 4300 реестр рақами билан қайд қилинган Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан вафот этган отамиз Буваматов Рихсивойнинг Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, Бобур кўчаси, 1.300 (бир минг уч юз) кв.м. умумий ер майдонида жойлашган 9-сонли уй-жойдан иборат бўлган мерос мол-мулкига ҳар биримиз тенг улушда меросхўр бўлиб, ўзаро келишувимизга кўра уй-жойдан фойдаланиш бўйича ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Буваматов Равшан Рихсибоевичнинг доимий фойдаланиш ва эгалигига – Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, Бобур кўчаси, 9-уй-жойнинг 0004, 0006, 0007, 0008, 0009, 0015-литерлар билан белгиланган умумий фойдаланиш майдони 78,87 (етмиш саккиз бутун юздан саксон етти) кв.м.дан иборат бўлган – турар жой майдони 48,11 (қирқ саккиз бутун юздан ўн бир) кв.м. бўлган тўртта яшаш хонаси, даҳлиз, соябон, айвон, ҳаммом ва омборхона, бостирма йўлак, ҳожатхонадан иборат бўлган алоҳида қурилган иморат;

Буваматов Ўткир Рихсибаевичнинг доимий фойдаланиш ва эгалигига – Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, Бобур кўчаси, 9-уй-жойнинг 0001, 0002, 0003, 0012, 0013, 0014, 0016-литерлар билан белгиланган умумий фойдаланиш майдони 88,92 (саксон саккиз бутун юздан тўқсон икки) кв.м.дан иборат бўлган – турар жой майдони 63,00 (олтмиш уч бутун) кв.м. бўлган тўртта яшаш хонаси, иккита равон, ертўла, соябон, ошхона, ҳаммом, соябон, ҳожатхонадан иборат бўлган алоҳида қурилган иморат ўтади.

2. Фойдаланиш тартиби белгиланаётган бутун уй-жой қуйидагилардан иборат:

умумий фойдаланиш майдони 167,79 (бир юз олтмиш етти бутун юздан етмиш тўққиз) кв.м.ни ташкил этиб – турар жой майдони 111,10 (бир юз ўн бир бутун юздан ўн) кв.м. бўлган саккизта яшаш хонаси, 2 та равон, даҳлиз, омборхона, ертўла, ошхона, учта соябон, айвон, иккита ҳаммом, бостирма йўлак, иккита ҳожатхона;

инвентарь баҳоси 14.891.913 (ўн тўрт миллион саккиз юз тўқсон бир минг тўққиз юз ўн уч) сўм бўлиб, ушбу ҳолатлар Зарбдор туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2014 йилда 13 март куни берилган 988-сонли маълумотнома билан тасдиқланади.

3. Бутун уй-жой жойлашган 1.300 (бир минг уч юз) кв.м. умумий ер майдони тарафларнинг умумий фойдаланишида қолади.

4. Мазкур шартномани расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни Бувоматов Равшан Рихсибоевич тўлади.

5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 185-моддасига асосан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тарафларда эгалик қилиш ҳуқуқи вужудга келади.

6. Биз – тарафлар шартнома матнини ўқиб чиқдик, унинг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари бизга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли, унинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади.

7. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб, имзоланди, улардан бир нусхаси Зарбдор туман давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга берилди.

ИМЗОЛАР:
1. ________________________________________________
2. ________________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

***Изоҳ:*** *маълумот учун бутун уй-жойнинг таркиби тарафларга ўтаётган таркиб қўшилганда бир хил бўлиши керак. Агар тафовут бўлса, иккаласига ўтмаётган қисми умумий фойдаланишда қолишини алоҳида банд сифатида киритиш керак.*

# Қарз шартномаси

__________________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

__________________________________________________________________

*(шартнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

__________________________________________________________________

*(шартнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Биз – Фарғона вилояти, Қўштепа тумани, А. Ортиқов ҚФЙ, Янги Ҳаёт кўчаси, 16-уйда пропискада турувчи – 1971 йилда туғилган Расулов Қудрат Садирбоевич (паспорт СВ 2117288, Қўштепа туман ИИБ томонидан 27.06.2011 йилда берилган) бундан буён матнда ҚАРЗ БЕРУВЧИ деб юритилувчи бир тарафдан ва Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, А. Содиқов кўчаси, 44-уйда пропискада турувчи – 1968 йилда туғилган Маликов Қурбон Ваҳобович (паспорт АА 1257071, Марғилон шаҳар ИИБ томонидан 16.12.2010 йилда берилган) бундан буён матнда ҚАРЗ ОЛУВЧИ деб юритилувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Мен – ҚАРЗ БЕРУВЧИ 10.000.000 (ўн миллион) сўм пул маблағини ҚАРЗ ОЛУВЧИга қарз сифатида – бир йил муддатга, яъни ___ ________ 20___ йилгача бердим, мен – ҚАРЗ ОЛУВЧИ ушбу суммани ҚАРЗ БЕРУВЧИдан автотранспорт воситасини сотиб олиш мақсадида мазкур шартнома имзолангунга қадар тўлиқ олдим.
2. Қарз суммасини бериш ва олиш Қўштепа тумани ҳудудида амалга оширилди.
3. Мен – ҚАРЗ ОЛУВЧИ қарзга олган суммани ___ ________ 20 ___ йилдан кечиктирмасдан ҚАРЗ БЕРУВЧИга қайтариб бериш мажбуриятини оламан.
4. ҚАРЗ ОЛУВЧИ юқорида кўрсатилган пулни ҚАРЗ БЕРУВЧИга шартномада кўрсатилган муддатдан олдин ҳам қайтариши мумкин.
5. Агар қарз суммаси шартномада кўрсатилган муддатда ҚАРЗ ОЛУВЧИ томонидан қайтарилиб берилмаса, ҚАРЗ БЕРУВЧИ томон қарз суммасини ҚАРЗ ОЛУВЧИдан қонун ҳужжатларига мувофиқ ундириб олиши мумкин.
6. Мазкур шартномани расмийлаштириш учун сарфланадиган харажатларни ҚАРЗ ОЛУВЧИ тўлайди.

7. Биз – тарафлар шартнома матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни ва моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 732–738-моддалари мазмуни нотариус томонидан тушунтирилди ва бизга тушунарли, шартноманинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади. Мазкур шартномани тузиб, имзолаганимизда муомала лаёқатига эга бўлганимизни, ўз хатти-ҳаракатларимиз аҳамиятини тўлиқ тушунганлигимизни, ҳеч ким бизни алдамаганлигини, шартномани тузиб, имзолаш ҳақида зўрламаганлигини, тазйиқ ўтказмаганлигини, ушбу битимни тузишга мажбур қилишга олиб келган оғир ҳолатлар йўқлигини билдирамиз.

8. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб, имзоланди, улардан бир нусхаси Қўштепа туман давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга берилди.

ИМЗОЛАР:
1. ______________________________________________________
2. ______________________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

## *ИШОНЧНОМА*
## *(жисмоний камчилиги сабабли ўзи имзо қўя олмайдиган фуқаро номидан расмийлаштириладиган ишончнома)*

______________________________________________________________

*(нотариал округ номи)*

______________________________________________________________

*(ишончнома тасдиқланган сана, сўз билан)*

______________________________________________________________

*(ишончнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили, нотариуснинг Ф.И.О.)*

Мен – Жиззах вилояти, Жиззах шаҳар, М. Улуғбек кўчаси, 7-уй, 19-хонадонда пропискада турувчи – 1965 йилда туғилган Собирова Муборак Эркиновна (паспорт АА 5642032, Жиззах шаҳар ИИБ томонидан 22.04.2014 йилда берилган) ушбу ишончнома билан Жиззах вилояти, Жиззах шаҳар, Заргарлик маҳалласи, 21-уй, 4-хонадонда пропискада турувчи – 1967 йилда туғилган Имомалиев Ҳакимга (паспорт АА 2354477, Жиззах шаҳар ИИБ томонидан 10.06.2014 йилда берилган) ўзимга тегишли бўлган 2014 йил сентябр, октябр ва ноябрь ойлари учун оладиган пенсия пулимни Жиззах шаҳар 12-сонли алоқа бўлимидан олишга ваколат бераман.

Ушбу ваколатни бажариш учун менинг номимдан корхоналарда, банкда вакил бўлишга, ариза ёзишга, имзо қўйишга ва ушбу ишончнома билан боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни бажаришга ҳуқуқ бераман.

Ишончнома уч ой муддатга, яъни ___ ________ 20___ гача берилди.

Ишончноманинг матнини тўлиқ ўқиб чиқдим, унинг мазмуни ва моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 141–142-моддалари мазмуни менга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли, ишончноманинг мазмуни менинг асл хоҳиш-истакларимга мос келади.

Собирова Муборак Эркиновнанинг кўзи ожизлиги туфайли унинг шахсий илтимосига кўра ишончномага Жиззах вилояти, Жиззах шаҳар, М. Улуғбек кўчаси, 8-уй, 55-хонадонда пропискада турувчи – 1975 йилда туғилган Ботиров Акмал Собирович (паспорт СВ 5892536, Жиззах шаҳар ИИБ томонидан 06.08.2011 йилда берилган) нотариус ҳузурида имзо қўйди.

Имзо ______________________________________________

Мен – Ботиров Акмал Собирович Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонуни 6-моддасига асосан, нотариал ҳаракатларнинг махфийлиги тўғрисида ва амалга оширилган нотариал ҳаракатнинг махфийлигини бузсам, қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишим мумкинлиги тўғрисида нотариус томонидан огоҳлантирилдим.

ИМЗО _______________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

**14 ёшдан 18 ёшгача бўлган меросхўрнинг мерос мол-мулкни қабул қилиш тўғрисидаги аризаси**

Ариза келиб тушди:
___ ________20___ йил

Мерос иши № __________

Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Олтинкўл туман давлат нотариал идорасига

Андижон вилояти, Олтинкўл туман Самарқанд кўчаси, 34-уйда пропискада турувчилар – Исаева Донохон Бекмуродовнадан *(паспорт АА 2781615, Марҳамат туман ИИБ томонидан 3.07.2013 йилда берилган),* онам Исаева Донохон Бекмуродовна розилиги билан ва унинг иштирокида ҳаракат қилувчи 13.08.1998 йилда туғилган Исаева Садоқат ўафуржон қизидан *(паспорт АА 2839683, Марҳамат туман ИИБ томонидан 24.08.2014 йилда берилган)*

**А Р И З А**

Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Марҳамат тумани икки минг ўн бешинчи йил, сентябрь ойининг йигирманчи куни:

1. Эрим (отам) Исаев ўафуржон Маҳмудович Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Самарқанд кўчаси, 34-уйда доимий равишда яшаб келиб, 2009 йил 9 февраль куни вафот этди.

Унинг ўлимидан сўнг мерос мол-мулк сифатида Андижон вилояти ИИБ ЙХХБ 3-ТРИБ томонидан 2000 йил 17 майда берилган серия ААС № 2557870 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига эга бўлган МОС 412ИЭ русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами Э2596916, кузов рақами 982074, шасси рақами 982074, ранги – қизил, давлат рақами белгиси 60I534АА бўлган автотранспорт воситаси қолди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан юқорида кўрсатилган мерос мол-мулкка биздан бошқа қонун бўйича биринчи навбатдаги меросхўрлар, яъни марҳумнинг болалари – ўғли Исаев Сардор ўафуржон ўғли ва қизи Исаева Шаҳло ўафуржоновна бор.

Юқорида кўрсатилган мерос мол-мулкка нисбатан бизларга қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришингизни сўраймиз.

Биз меросхўрларни яширганлик оқибатлари ва жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилдик.

2. Мен – Исаева Донохон Бекмуродовна марҳум эрим Исаев Ғафуржон Маҳмудович билан биргаликда никоҳимиз давомида орттирилган ва унинг номига расмийлаштирилган умумий мол-мулкка, яъни 1/2 улушига нисбатан мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олишни хоҳламайман.

Аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қиламиз:

1. Марҳумнинг ўлим ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.
2. Никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.
3. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар нусхалари (4 та).
4. Марҳумнинг турар жойидан маълумотнома.
5. Автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси нусхаси.
6. АТВ баҳолаш тўғрисида экспертиза хулосаси.

ИМЗОЛАР:

1. ____________________________________________________

2. Онам иштирокида ва розилиги билан имзо қўйдим:

____________________________________________________

РОЗИМАН: ______________________________________________

Фуқаро Исаева Донохон Бекмуродовнанинг шахси Марҳамат туман ИИБ томонидан 03.07.2013 йилда берилган АА 2781615 паспорт бўйича аниқланди.

Исаева Садоқат Ғафуржон қизининг шахси Марҳамат туман ИИБ томонидан 24.08.2014 йилда берилган АА 2839683 паспорт бўйича аниқланди.

Нотариус имзо Ф.И.О.

М.Ў.

**Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома олиш ҳақида ариза**

Ариза келиб тушди:
___ ________ 20___ йил

Мерос иши № __________

Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Дўстлик туман 2-сон давлат нотариал идорасига Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, А.Ортиқов кўчаси, 17-уйда пропискада турувчи Умаров Файзулла Ҳикматовичдан *(паспорт АА 6352201, Дўстлик туман ИИБ томонидан 03.06.2013 йилда берилган)*

**А Р И З А**

Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Дўстлик тумани икки минг ўн тўртинчи йил, ноябрь ойининг йигирма бешинчи куни

Менинг отам Умаров Ҳикмат Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, А. Ортиқов кўчаси, 21-уйда доимий равишда яшаб келиб, 2011 йил 4 апрель куни вафот этди.

Унинг ўлимидан сўнг мерос мол-мулк сифатида Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, А.Ортиқов кўчасида жойлашган 21-уй-жой қолди.

Дўстлик туман 2-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Ф.И.О. томонидан ___ ________ 20___ йилда 380 реестр рақами билан қайд қилинган васиятномага асосан марҳумнинг меросхўри мен – Умаров Файзулла Ҳикматович бўламан.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан юқорида кўрсатилган мерос мол-мулкка нисбатан мажбурий улуш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар йўқ.

Менга юқорида кўрсатилган мерос мол-мулкка нисбатан васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришингизни сўрайман.

Мен мажбурий улуш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларни яширганлик оқибатлари ва жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилдим.

Аризамга қуйидаги ҳужжатларни илова қиламан:

1. Марҳумнинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.
2. Васиятнома.
3. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси.
4. Кадастр хизмати органидан маълумотнома.
5. Мерос қолдирувчининг уй-жойга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

ИМЗО ______________________________________________

Умаров Файзулла Ҳикматовичнинг шахси Дўстлик туман ИИБ томонидан 07.08.2013 йилда берилган АА 0192357 паспорт бўйича аниқланди.

Нотариус имзо Ф.И.О.

М.Ў.

**Мерос мол-мулкидан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга шахснинг меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш ҳақида аризаси**

Ариза келиб тушди:
___ ________ 20___ йил
Мерос иши № __________

Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туман 1-сон давлат нотариал идорасига Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Ниёзбоши ҚФЙ, Бешпанжа кўчаси, 11-уйда пропискада турувчи Акрамова Альмира Ибраевнадан *(паспорт СВ 2488961, Деҳқонобод туман ИИБ томонидан 22.03.2011 йилда берилган)*

**А Р И З А**

Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани икки минг ўн тўртинчи йил, октябрь ойининг иккинчи куни

Менинг эрим Акрамов Мухтар Алимович Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Ниёзбоши ҚФЙ, Бешпанжа кўчаси, 11-уйда доимий равишда яшаб келиб, 2008 йилнинг 3 март куни вафот этди.

Унинг ўлимидан сўнг мерос мол-мулк сифатида Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Ниёзбоши ҚФЙ, Бешпанжа кўчасида жойлашган 11-уй қолди.

Деҳқонобод туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Ф.И.О. томонидан 234 реестр рақами билан қайд қилинган васиятномада марҳумнинг меросхўри деб унинг қизи Акрамова Зарина Ибраевна кўрсатилган.

Мен меҳнатга қобилиятсизлигим туфайли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан юқорида кўрсатилган мерос мол-мулкдан мажбурий улуш олувчи сифатида менга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришингизни сўрайман.

Аризамга қуйидаги ҳужжатларни илова қиламан:

1. Марҳумнинг ўлими ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси.
2. Никоҳ тузилганлиги гувоҳномаси нусхаси.
3. Марҳумнинг турар жойидан маълумотнома.
4. Меҳнатга қобилиятим йўқлиги тўғрисида ҳужжат.

ИМЗО ______________________________________________

Фуқаро Акрамова Альмира Ибраевнанинг шахси Деҳқонобод туман ИИБ томонидан 05.12.2013 йилда берилган СА 2460557 паспорт бўйича аниқланди.

Нотариус имзо Ф.И.О.

М.Ў.

## Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бериш ҳақидаги ариза

Ариза келиб тушди:
___ ________ 20___ йил
Мерос иши № __________

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Нуробод туман 1-сон давлат нотариал идорасига Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, А.Навоий кўчаси, 97-уйда пропискада турувчи Орипов Алишер Умарович ва Орипова Машҳура Толиповнадан

**А Р И З А**

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Нуробод тумани икки минг ўн тўртинчи йил, март ойининг учинчи куни

Биз – Орипов Алишер Умарович ва Орипова Машҳура Толиповналар 1999 йил 20 май кунидан бошлаб қонуний никоҳда яшаб келамиз.

Биргаликдаги никоҳимиз даврида орттирилган маблағларга Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, А. Навоий кўчаси, 97-уй-жойни сотиб олиб, уни Нуробод туман давлат нотариал идорасида 2002 йил 15 март куни 65 реестр рақам билан қайд қилинган олди-сотди шартномасига асосан Орипова Машҳура Толиповнанинг номига расмийлаштирдик.

Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддасига асосан, никоҳимиз давомида орттирилган умумий мол-мулкка, яъни Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, А.Навоий кўчаси, 97-уй-жойга нисбатан ҳар биримизга 1/2 улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беришингизни сўраймиз.

ИМЗОЛАР:
1. ____________________________________________________
2. ____________________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

***Изоҳ:*** *ушбу ариза эр ёки хотиннинг бири томонидан ҳам ёзилиши мумкин.*

**Умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақида марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) аризаси**

Ариза келиб тушди:
___ ________ 20___ йил
Мерос иши № __________

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Чортоқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Ирводон ҚФЙ, Олмос қишлоғи 21-уйда пропискада турувчи Улуғбеков Темур Умидовичдан *(паспорт СВ 2563298, Чортоқ туман ИИБ томонидан 25.10.2013 йилда берилган)*

**А Р И З А**

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Чортоқ тумани икки минг ўн тўртинчи йил, июнь ойининг учинчи куни

Мен – Улуғбеков Темур Умидович Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 63-моддасига асосан, 2013 йил 22 сентябрда вафот этган хотиним Улуғбекова Фароғат Умаровна билан биргаликда яшаб, никоҳимиз давомида орттирилган ва хотиним номига расмийлаштирилган умумий мол-мулкка, яъни Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Ирводон ҚФЙ, Олмос қишлоғи, 21-уй-жойнинг 1/2 қисмига нисбатан мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беришингизни сўрайман.

ИМЗО ______________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

***Эслатма:*** *ариза билан ҳамма меросни қабул қилган меросхўрлар танишиб чиқишлари шарт. Агар меросхўрлардан бирортаси мулкка эгалик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома берилишига норози бўлса, бу масалани судда ҳал этиш ҳуқуқи тирик қолган эр ёки хотинга тушунтирилади. Меросдан воз кечган меросхўр бу ариза билан таништирилмайди ва уларнинг розилиги талаб этилмайди.*

**Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига оид чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги ариза**

Ариза келиб тушди:
___ ________ 20___ йил
Мерос иши № __________

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Иштихон туман 1-сон давлат нотариал идорасига Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Н.Кубро кўчаси, 5-уйда пропискада турувчи Саматов Холмирза Норовичдан *(паспорт АА 2014045, Иштихон туман ИИБ томонидан 31.01.2014 йилда берилган)*

**А Р И З А**

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Иштихон тумани икки минг ўн тўртинчи йил, декабрь ойининг биринчи куни

Менинг хотиним Саматова Мухтабар Ибраевна Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Н. Кубро кўчаси, 5-уйда доимий равишда яшаб келиб, 2012 йил 15 январда вафот этди.

Унинг ўлимидан сўнг мерос мол-мулк сифатида Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Н. Кубро кўчасида жойлашган 1-уй қолди.

Иштихон туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Ф.И.О. томонидан 2005 йил 25 март куни 234 реестр рақами билан қайд қилинган васиятномага кўра марҳумнинг меросхўри деб унинг қизи Саматова Зарина Холмирзаевна тайинланган.

Юқорида кўрсатилган мерос мол-мулкнинг қўриқланишига оид чора-тадбирлар кўришингизни сўрайман.

ИМЗО _______________________________________________

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

***Изоҳ:*** *отаси қизининг номидан бу ҳақидаги аризани ёзади, қачонки, қизи Саматова Зарина Холмирзаевна 14 ёшга тўлмаган вояга етмаган меросхўр бўлса.*

*3-ИЛОВА*

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

**1.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 76 б;

**2.** Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь);

**3.** Жисмоний ва юридик шахсларга Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (1993 йил 22 январь, Минск шаҳри);

**4.** Ўзбекистон Республикаси Кодекслар тўплами. Расмий нашр. – Тошкент, Адолат, 2017. – 960 б;

**5.** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Тошкент, Адолат, 2017. – 560 б;

**6.** Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. – Тошкент, Адолат, 2017. – 200 б;

**7.** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. – Тошкент, Адолат, 2017. – 384 б;

**8.** Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс. – Тошкент, Адолат, 2017;

**9.** Ўзбекистон Республикаси нотариатга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами ва боршқа ҳужжатлар тўплами. – Тошкент, Адолат, 2012. – 608 б;

**10.** Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 42-модда;

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2017 й., 09/17/810/0095-сон;

**12.** Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракаларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Йўриқнома // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 20-сон, 160-модда.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 43-сон, 497-модда;

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда;

**15.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги 318-сонли Қарори билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 520-модда;

**16.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 20 октябрдаги 233-мҳ-сонли буйруғи билан тасдиқланган Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 369-моддаси;

**17.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18-январдаги 26-сон Қарори билан тасдиқланган Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 2-сон, 19-модда;

**18.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПФ–4216-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 18-19-сон, 137-модда;

**19.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 13 октябрдаги 10-сон буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДДЛҚК Департаменти бошлиғининг 2009 йил 13 октябрдаги 39-сон қарори билан тасдиқланган Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 22-сон, 262-модда;

**20.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 19-сон, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 201-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган Давлат нотариал идоралари ва нотаиал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 501-модда;

**21.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазиранинг Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидалари // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 239-модда;

**22.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Нотариуслар лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 498-модда;

**23.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан 2010 йил 22 декабрда тасдиқланган Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидалари // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 503-модда;

**24.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 98-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ миқдори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 13-сон, 99-модда;

**25.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 21-декабрдаги 304-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака камиссияси тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 499-модда;

**26.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 29-октябрдаги 232-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака камассиялари тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 134-модда;

**27.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 февралдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 131-модда, 33-сон, 863-модда.

| № | Давлат | Имзоланган сана ва жой | Шартнома номи |
|---|---|---|---|
| **1.** | Қозоғистон | 02.06.1997 й. Алмата ш. | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |
| **2.** | Қирғизистон | 03.10.1997 й. Бишкек ш. | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Қирғизистон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |
| **3.** | Озарбайжон | 18.06.1997 й. Тошкент ш. | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Озарбайжон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |
| **4.** | Озарбайжон | 18.06.1997 й. Тошкент ш. | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Озарбайжон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |
| **5.** | Молдова | 17.12.1998 й. Тошкент ш. | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молдова Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |
| **6.** | Корея | 05.10.1999 й. Сеул ш. | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Корея Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |
| **7.** | Тожикистон | 15.06.2000 й Душанбе ш. | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |
| **8.** | Грузия | 03.02.2000 й. Тошкент ш | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Грузия Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |
| **9.** | Қирғизистон | 27.09.2000 й. | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Қирғизистон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |
| **10.** | Белорусия | 13.08.2001 й. Минск ш. | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Белорусия Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **11.** | Россия | 22.07.2004 й. Москва ш. | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Россия Федерацияси Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |
| **12.** | Хитой | 15.06.2004 й. Тошкент ш. | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ХХР Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |
| **13.** | Тожикистон | 18.08.2015 й. Душанбе ш. | Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Адлия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим. |

**МАМАРАИМОВА ГУЛРУХ МАХМУДОВНА**

# НОТАРИАТ

**ўқув қўлланма**

*Муҳаррир:* ***Абдувалиева К., Юлдашева Х.***
*Мусаҳҳиҳ:* ***Юнусова Р.***
*Техник муҳаррир:* ***Юлдашева Х.***
*Компютерда саҳифаловчи:* ***Ражапов Д.***

Босишга рухсат этилди: 16.05.2018.
Ҳажми: 10,8 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 9.

Тошкент давлат юридик университети.
"Типография" бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Сайилгоҳ кўчаси 35-уй.

# ADABIYOTLAR RO'YXATI

## I.NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи.//Халқ сўзи, 2020 йил 23 сентябрь.

2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 508 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил 16 декабрь.

6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи» газетасининг 2018 йил 29 декабрдаги, 271-272-сон (7229-7230) сони.

7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // http://uza.uz

8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.:Ўзбекистон, 1997. -113-бет.

9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:2020.–Б.36.

10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.–Т.,2019.–Б. 376.

11. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр – Т., 2018 й. –Б.496.

12. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонунчилиги бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2018. –Б. 256.

13. Ўзбекистон Республикасининг 01.06.2017 й. ЎРҚ-432-сон «Қайта тикланувчи энергия бўйича Халқаро агентлик Уставини (Бонн, 2009 йил 26 январь) ратификация қилиш ҳақида»ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 25.05.2017 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 27.05.2017 й. маъқулланган)

14. Ўзбекистон Республикасининг 09.010.2019 й. ЎРҚ-565-сон «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 02.07.2019 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 23.08.2019 й. маъқулланган)

15. Ўзбекистон Республикасининг 21.05.2019 й. ЎРҚ-539-сон «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 16.04.2019 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 03.05.2019 й. маъқулланган)

16. Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 23.07.2020 й. 452-сон қарорига илова)

17. Ўзбекистон Республикасининг 25.04.1997 й. 412-I-сон «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 118-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.06.2020 й. ПФ-6010-сон «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

19. Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари (ЎзР ВМ 12.01.2018 й. 22-сон қарорига 1-илова)

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.11.2017 й. ПҚ-3379-сон «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

21. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларида биогаз қурилмалари қуришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (25.11.2015 й. 343-сон).

22. Ўзбекистон Республикасининг 16.04.2018 й. ЎРҚ-475-сон «Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш

ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 01.12.2017 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 29.03.2018 й. маъқулланган) «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2018 йил 23 апрель, 16-сон, 325-модда

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июн 2019 йил 484-сон «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 13 июнь.

## II.MONOGRAFIYA, ILMIY MAQOLA, ILMIY TO‘PLAMLAR

1. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш: Қонунлар ва норматив ҳужжатлар/ У.Т.Аюбов, Т.С.Тиллаев. -Т.: Адолат, 2002.- Б.310.
2. Аюбов У.Т. Лишение ограничение и приостановление права природопользования.:Автореф... канд. юрид. наук/ У.Т.Аюбов; Ташкентского государственного юридического института-Т.: 1999. - С.22.
3. Бринчук М.М.Принципы экологического права: Монография. М., 2013. С.360.
4. Быков А.Г. О проекте Энергетического кодекса Российской Федерации // Энергетическое право. 2013. N 2. С. 6 - 8.
5. Вершинин А.П. Энергетическое право: Учебно-практический курс. СПб.: Издательский дом С.-Петерб. гос. ун-та:Издательство юридического факультета СПбГУ, 2007. С. 27.
6. Жўраев Й.О. Энергетика ҳуқуқининг шаклланиши: назарий ва ҳуқуқий муаммолар Энергетика қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2015. Б-7-12.
7. Лахно П.Г. Энергетическое право в XXI в.: опыт России и зарубежных стран // Предпринимательское право. 2012. N 2. С. 15 - 20.
8. Романова Э. П., Куракова Л. И., Ермаков Ю. Г. Природные ресурсы мира. Учеб. пособие. — М.: Изд-во МГУ, 1993. — 304 с.
9. Свирков С.А. Основные проблемы гражданско-правового регулирования оборота энергии: монография. М.: Статут, 2013.- 479 с.

10. Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. –Т.: ТДЮУ. 2018. –130 б.

11. Файзиев Ш.Х.Энергетика соҳасида атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид экологик талабларнинг ҳуқуқий асослари: тизимли таҳлили. Энергетика қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари.. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2015. – 15 б.

12. Файзиев Ш.Х Қонун ҳужжатлари: миллий, хорижий ва ҳалқаро тажриба. Илмий-амалий қўлланма. – Тошкент: Адолат, 2016. – Б.248;

13. Файзиев Ш.Х Экологик хавфсизлик концепцияси. Давлат ва ҳуқуқ 2001. 2-сон. –Б.28.

14. Холмўминов Ж.Т., Сафаров Ж.И. Хорижий мамлакатларда табиий ресурслар ҳуқуқи. Монография / Масъул муҳаррир: проф. М.Б.Усмонов. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2011. – 169 б.

15. Ҳамроев С.С. Ўзбекистонда табиий бойликлардан фойдаланиш шартномалари (концессия)нинг ҳуқуқий тартибга солиниши. –Т.: НПО "Восток", 1999. Б-178.

16. Энергетическое право ЕС: Учебно-методический комплекс.- Москва: Московский государственный институт международных отношений. 2008, С.319.

17. Яковлев В.Ф. Правовое регулирование топливно-энергетического комплекса России // Энергетика и право: Выпуск 2 / Под ред. П.Г. Лахно. М., 2009. С. 12.

18. Bradbrook A. Energy Law as an Academic Discipline / A. Bradbrook // Journal of Energy & Natural Resources Law. – 1996. – Vol.14. – P. 194.

19. Ekologiya huquqi. Darslik // Bozorov U.B., Xolmo'minov J.T., Juraev Y.O., Usmonov M.B. va boshqalar. Mas'ul muharrir yu.f.d., prof. J.T.Xolmo'minov. – T: TDYU, 2019. - B 369.

20. Ekologiya huquqi. Darslik. Usmonov M.B., Rustamboyev M.H., Xolmuminov J.T. va boshq. Mas'ul muharrir: M.B.Usmonov.-Toshkent: TDYI, 2006. - B. 361.

21. Energy Law in Europe / M. Roggenkamp, A. Ronne, C. Redgwell, I. Del Guayo (eds.) – Oxford: Oxford University Press, 2001, p.87.

22. Environmental and Energy Law as a Field of Research: A Structural Overview Jorge E. Viñuales and Emma Lees./ University of Cambridge, UK. Cambridge University Press, 2017.

23. Mommer B., Global Oil and the Nation State / B. Mommer – Oxford: Oxford University Press, 2002, p.167.

## III. ELEKTRON TA'LIM RESURSLARI

1. http://www.hs-mittweida.de
2. http://www.hu-berlin.de
3. http://www.lex.uz
4. http://www.mq.edu.au
5. http://www.ox.ac.uk
6. http://www.rug.nl
7. http://www.tsul.uz
8. http://www.uza.uz
9. http://www.uzbekenergo.uz/uz/about/uzbekenergo/
10. http://www.uznature.uz/uz/node/1008